

Болалар зоҳиран кичик кўринсалар-да, уларнинг руҳий олами улкандир. Зотан, мутахассислар фикрига қараганда, бола тўрт-олти ёшларида инсон сифатида қарийб шаклланиб бўлади. Фақат улар катталарга ўхшаб дунёқарашини сўзда батафсил ифода қилиб беришолмайди, холос.

Алалхусус, болаларини ардоқлаган миллат ботинан ўзининг эртанги кунига пойдевор ҳозирлайди. Шу боис ҳам мамлакатимизда истиқлол йилларида болалар масаласига алоҳида эъти-

зи пайтларда катталарбоп асарларнинг болалар дунёқарашига мос талқинлари саҳналаштирилаётгани мақтовга лойиқ. Бироқ, бу масалага янада жиддий ўйсинда ёндошиш лозим. Хусусан, мазкур театр вилоятларда, чекка туман мактаб саҳналарида спектакллар уюштурса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу гапни кино соҳасига нисбатан ҳам айтса бўлади. Дейлик, мультфильм ишлаш — ўта нолик амал. Аммо, мультфильмларнинг болалар маънавиятига таъсири ҳар қанча маблағ ўрнини босади. Бинобарин, ўзбек мультфильмчилиги жабҳаси аниқ шакл-шамойилга кирса кичкинтойларнинг беғубор олами янгича ранглар эвазига боийр эди. Бу — ўта муҳим масала. Шундай экан, бошланғич синф ўқувчиларининг бўш вақтла-

# Болаларнинг беғубор дунёси

бор берилга бошланди. Кичкинтойларни санъатга, китобга, жисмоний тарбия ва спортга қизиқтириш бобидаги амаллар сўзимизга далил.

Маънавият ва жисмонан кучлилик, таъбир жоиз бўлса, учар қушнинг икки қаноти ҳисобланади. Мамлакатимизда биринчи галда болаларбоп адабиёт ривожига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўзбек халқ эртаклари чиройли муқовада босилди. Ўзбек болалар адабиёти антологияси маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Шунингдек, кичкинтойларга аталган насрий, шеърӣ китоблар кўплаб нашр қилинмоқда.

Ҳўш, бугунги кундаги асосий муаммо нималардан иборат?

Болалар эстетик дунёсини шакллантиришда театр ва телевидениенинг ўрни беқиёсдир. Аммо, кейинги вақтларда Ёш томошабинлар театрида болаларбоп асарлар кам саҳнага қўйилмоқда. Тўғри, театрда диди юксак мутахассислар кўп. Баъ-

ри борасида чуқурроқ ўйлаб кўрмоғимиз шарт. Айниқса, мактабдан ташқари тарбия — кичкинтойларни тўғарақларга жалб этиш, кутубхоналарга қизиқтириш долзарб муаммо бўлиб турибди.

Албатта, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёни қийин кечади. Бу борада маблағ масаласи муаммо бўлиши ҳам табиий ҳол. Лекин болалар масаласида чуқурроқ ўйлаб иш кўришни замоннинг ўзи тақозо этади. Зотан, болалар ёш ниҳолга ўхшайди: вақтида парваришланмаса эртага кеч бўлади. Алалхусус, миллий онгининг, эстетик қарашларнинг шаклланиши бугунги саъй-ҳаракатга чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги авлод — янги аср авлоди. Янги минг йиллик авлоди. Авлодлар алмашинувнинг масъулияти эса ниҳоятда катта. Шундай экан болалар ҳимояси, сиҳат-саломатлиги, интеллектуал салоҳияти муҳофазаси ҳар қачонгидан жиддийлик касб этади.

Бола дунёси беғубор, шаффоф. Бу беғуборлик ҳаёт шакл-шамойилини янгилайди, тозартиради, юксак нуқталарга кўтарайди. Алҳол, серқуёш Ўзбекистонимизда болалар тарбияси давлат миқёсига чиққанлиги бежизга эмас. Биз болалар тимсолида келажагимиз ҳақида қайгурмоқдамиз, эртанги кунимизнинг пойдеворини яратмоқдамиз.

**БАҲРЎЗ**



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт ишлари  
вазирлиги**

**Бош муҳаррир**

**Азим СУЮН**

*Таҳрир ҳайъати:*

**Бахтиёр ГАНЖАМУРОД  
Хуршид ДАВРОН  
Ўткир ЖЎРАЕВ  
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ**

*(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*

**Абдусайд КҮЧИМОВ  
Гулистон МАТЁҚУБОВА  
Абдулла ОРИПОВ  
Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*(масъул котиб)*

**Комилжон ҚИЁМОВ**

*(бош муҳаррир ўринбосари)*

**Раҳмон ҚҮЧҚОР  
Азамат ҲАЙДАРОВ**

*бўлим муҳаррирлари:*

**Абдурауф РАҲИМКҮЛОВ  
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД  
Мирзаали АКБАРОВ**

*Фото муҳбир*

**Шавкат ҚАҲҲОР**

*Саҳифалаш ва гузайн*

**Нодирбек АҲМЕДОВ  
Нигина ҚОДИРОВА**

*Навбатчи муҳаррир*

**А. Раҳимқулов.**

## Ушбу сонда:

**Абдурауф РАҲИМКҮЛОВ**  
*Бахмал олмаси*

**Пиримқул ҚОДИРОВ**  
*Абдулла Қаҳҳор  
мактублари*

**Наим КАРИМОВ**  
*Уч тақдир*

**Расул ҲАМЗАТОВ**  
*Менинг Доштоним*

**Пряга Сайкуа**  
*Камалак*

**Умида ТУРСУНОВА**  
*Ўша тилаб олинган Зайнаб*

*Босишга 06.06.2007 йилда топширилди. Офсет қоғози.  
Бичими: 60x84 1/8. Ҳажми 6,0. Адади: 2407*

### **Буйуртма № 78**

Таҳририят манзили: Тошкент — 700029, Буюк Турон  
кўчаси, 41 уй. Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01.

Бош муҳаррир ўринбосари: 136-78-90.

Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Х.Сулаймонова кўчаси, 33-уй.


Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлигида  
091 — рақам билан рўйхатга олинган

### **Муқоваларимизда:**

**1-бет:** Болаларга беринг дунёни. **4-бет:** Тошкент вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Шоҳида МИРЗАКАРИМОВА

# БАХМАЛ ОЛМАСИ

*Бахмал туманида минг гектардан ортиқ майдонда боғроғ яратган Эшмурод Аҳмедов эндиликда бутун мамлакатга донғи кетган Бахмал олмаси ҳақида гапириб, унинг хуштаъм, тўйимли мева сифатида дастурхонимиз файзи бўлибгина қолмай, айни кунларда ҳар қандай бозорнинг харидоригир меваси эканлиги, ширу-шарбат боғлар тарихи, минералларга бой олманинг ҳатто космонавтларга юбориб турилгани ҳақида ҳикоя қилиб берди.*



**МУХБИР:** — *Расталарга териб қўйилган қизил, сариқ, қирмизи, атласранг олмалар нур таратади: уларнинг ташқи кўринишигина эмас, балки мазаси ҳам лол қолдиради кишини. Кўпчилик бу олмаларнинг ширин таъмини, тўйимлилигини, сервитаминлиги билан танга дармонлигини билганлари учун ҳам унга харидордирлар.*

*Эшмурод ака, Бахмалда боғроғ яратиш, бугун доврўғ олган олмазорларни барпо этиш қийин кечмаганими?*

**Э. АҲМЕДОВ:** — «Бахмал» тажриба-намуна хўжалигида 17 йил ишладим. Хўжалик дастлаб чорвага мослаштирилган эди. 1967 йилда АҚШнинг Техас штатидан 67 бош Санта Гертруда зотли қора моллар келтирилди. Бахмал экологик шароити уларга мос бўлгани учун ҳар сутка-

да уларнинг ҳар бири бир кило-ю уч юз граммдан семирар эди. Улар 200 бошга етказилиб, хўжалик гўшт етиштиришга ва бу зот қора молларни кўпайтириш марказига айлантирилди.

Бахмалнинг тоғли муҳити фақат чорвачиликка эмас, балки турли мевали дарахтлар ривожу учун ҳам айнан мос эди. Эллигинчи йилларда Шредер номидаги боғдорчилик илмий-текшириш институтидан бир гуруҳ олимлар Бахмалга келиб тажриба ўтказдилар. Улар бир неча йиллар давомида маҳаллий шароитда олманинг «Симеренко», «Гольден», «Длишес», «Вонсайф» навларининг Бахмал тоғлари табиатига мослаштирилган хилини яратдилар. Натижада олма меваларининг ранги, таъми ва ҳажми ҳам ўзгарди. Авваллари олмалар ноябр ойигача сақланган бўлса, энди улар йил бўйи ўз хусусиятларини сақ-

лаш имкониятига эга бўлдилар. Маҳаллийлаштириш натижасида яратилган янги навлар ўта серҳосил чиқди. Бахмал тоғлари остидан кон изловчилар уни ер устидан, яъни яратилган боғу роғлардан топишди.

Мен иқтисодчи бўлганим учун масаланинг даромад томонини кўпроқ ўйладим. Ўша йиллари бир килограмм гўшт уч сўм, бир килограмм олма тўрт сўм эди. Агар Бахмал адирзорлари, тоғ этаклари олмазор бўлса, бу туманнинг иқтисодий самарадорлигини ошиши кўриниб турган гап эди. Бир қатор хўжаликларга раҳбар бўлишим бу режаларимни амалга оширишимга имкон яратди. Бу хўжаликларда марказий қўрғон, уй-жойлар, йўллар қурилишидан ташқари кўпроқ боғлар яратилди. Етмишинчи йилларда Айний номли хўжаликда 70 гектар, саксонинчи йилларда «Ойқор» боғдорчилик ва узумчилик хўжалиги-

да минг гектарга яқин, 1984-1994 йилларда туман марказидаги «Нурли қуёш» хўжалигига директор бўлиб, ўзлаштирилиши қийин бўлган адирларга сув чиқариб, 100 гектарга яқин майдонда боғ барпо қилдик. Шунингдек, «Сангзор» хўжалигида, Сирдарё вилоятининг Ҳамид Олимжон боғдорчилик хўжаликларида ҳам боғ барпо қилишда ўз ёрдамимизни аямадик.

Янгиўлдаги Халқобод боғдорчилик комплексига 4,5 — 5 минг гектар боғ яратилган бўлса, шундан кейинги энг катта майдонда Бахмалда боғ яратилди. Яна бир гап. Ушбу комплексда ва чўл зоналарда яратилган катта ҳудуддаги боғлар ернинг шўрлиги, табиий инжқлик туфайли бой берилди. Бундай салбий ҳолат Бахмалда такрорланмади. Мана ярим асрки, боғлардан бол оқмоқда.

**МУХБИР:** — *Эшмурод ака, мен ҳам эслайман: бахмалликлар олманинг «Беш юлдуз» навини яраттишган дейишарди. Боғбонлар ҳам тез-тез «Беш юлдуз»нинг неча туп, деб сўрашади. Бу навнинг таниқли бўлиб кетишига нима сабаб?*

**Э. АҲМЕДОВ:** — Ўша йиллари Марказқўм раҳбарларидан бири мени Тошкентга чақиртириб, «Бахмал халқи «Бешюлдуз» номли олма яратишибди, кўримли ва ҳуштаъм экан, уни кўпайтириш лозим», деди. Мен бу олмани Бахмал халқи эмас, балки, тошкентлик олимлар ва Бахмалнинг табиати яратганини айтган эдим. Аслида унинг ватани Америка бўлиб, «Гольден длишес» деб аталган. У Самарқанд ёки Тошкент вилоятлари боғларида ҳам яхши ҳосил беради. Аммо Бахмалда ўстирилганида унинг ҳам ранги, таъми, ҳажми ўзгарди, меваси тўқ қизил — қирмизи ранга кириб, одатдагидан каттароқ бўлди, ширинлиги ортди. Бахмал боғлари денгиз сатҳидан 1,5 минг метр баландликда ўсади. Бошқа вилоятлардаги, ҳаттоки Тошкент вилоятидаги боғлар ҳам бундан ҳийла паст жойлашган. Олимларимиз Бахмалда олма дарахтининг қайси бир нави ўстирилмасин у бошқа экологик муҳитда етилган шу нав олма ҳосили-

дан тубдан фарқ қилинишини айтишган. Демак, Бахмал боғлари об-ҳавоси ҳам, замини ҳам, минераллари ҳам экологик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани ва яқин атрофда атмосферани бузадиган чиқинди ва газлар бўлмагани учун чорва ва боғ маҳсулотлари саломатлик учун шифобахш ҳисобланади. Шу навлар Бахмал шароитида ана шундай ижобий натижа касб этди. «Гольден-длишес»нинг лаб тугуни беш юлдузга ўхшагани боис боғбонлар уни оддийгина қилиб, ўзларининг тилида «Беш юлдуз» деб атаёт бошладилар. Ўша йиллари боғдорчилик илмий-текшириш институту бу экологик тоза олмаларни республикадаги санаториялар ва дам олиш уйларида, ҳатто космонавтлар шаҳарчасига ҳам (60 тонна миқдорига) жўнатиб туришар эди.

**МУХБИР:** — *Бахмалга қайси фаслда бормайлик шохидан янги узилгандек олмаларни совға қилишади. Биз ҳам бу олмаларни иложи борича кексалар ёки устозлар зиёратига ёҳуд даволанайтган танишларимизга илина-миз. Бундай олмаларни қандай сақлашади?*

**Э. АҲМЕДОВ:** — Аслида дарахтида етилтирилган муҳит, уни ҳийла вақтгача дарахтсиз ҳам сақлайди. Фермер-боғбонлар эртаги ва кечки олмалар етилган пайти олдиндан келишилган шартномалар бўйича саноат корхоналарига, бозорларга юклаб олиб кетишади. Бахмал олмасининг 80 фоизи шу йўл билан тарқатилади. Қолган қисми олма сақлайдиган махсус хоналарда сақланади. Улар ўзлари ўтказган тажрибалари асосида йил-ўн икки ой олмаларни сақлаб, ўз харидорига ёки меҳмонга етказишади. Кейинги йилларда консерва усулида қишга сақлаш тажрибаси ортиб бормоқда. Шунини айтиш лозимки, меҳмондўст бахмалликлар дастурхонни фақат сархил олмалар билангина эмас, шифобахш қатиқ-сут маҳсулотларидан тайёрланган таомлар, оқмағиз-ёнғоқ, турли хил тоғ ширин бодомлари, тандир кабоблар билан ҳам безайдилар.

Шунингдек, Бахмалда баҳор, ёз, куздаги тўй-маъракалар чорбоғларда, теракзорлар ёки соҳил бўйларида ўтказилади. Бундай ҳолларда меҳмонга бўлган эътибор ва ултифотлар табиатнинг такрорланмас серфайз шуқуҳига ҳамоҳанг бўлиб кетади.

**МУХБИР:** — *Раҳбарлик қилган пайтларингизда яратилган боғлар тўлиқ ҳосилга кирди. Бироқ улар хусусийлаштирилиб, фермер хўжаликларига бўлиб берилди. Фермерлар боққа қандай муносабатда бўлишяпти ва ниҳоят, Бахмалда боғдорчиликнинг истиқболи ҳақида гапириб берсангиз.*

**Э. АҲМЕДОВ:** — Бахмалда қишлоқлар кенгайиб, уй-жойларнинг қурилиши, хўжаликларда янги боғларнинг барпо қилинаётганлиги ана шу фермер хўжаликлари яхшигина даромад олаётганидан далолатдир. Аммо сувсиз ёки қаровсиз қолган боғларга кўзим тушганида жуда афсусланаман. Чунки биз ўша 250 минг туп олма кўчатига сув етказганмиз, ишлов берганмиз. Бу боғ эгалари бизнинг ва ўзларининг меҳнатлари қадрига етмаяптилар. Буларда меҳнат интизомини яхшилаш, зарур бўлса боғни улардан олиб, қадрига етадиганларга бериш лозим.

Бахмал боғи ўзини оқлади. Қисқа қилиб, минг гектарда боғ бор дейлик. Бир гектардаги 250 туп дарахтга ўз вақтида агротехник тадбирлар ўтказилса, 250 тонна олма олинади. Энди уни минг гектарга кўпайтириб кўринг... Бахмал олмаси Жиззах, Самарқанд, Гулистон, Тошкент каби шаҳар халқини мунтазам равишда сифатли олма билан таъминлаб туриш имкониятига эга. Бу таъминотнинг давомийлигини таъминлаш учун мавжуд боғ-роғларга яхши ишлов бериш, қўшимча боғлар барпо қилиш, уларнинг нави ва сифатини яхшилаш бўйича илмий ишлар олиб борш лозим бўлади. Менимча, тадбиркорларимиз, миришкорларимиз бу ишнинг улдасидан чиқадилар.

**А. РАҲИМҚУЛОВ**  
**суҳбатлашди**



*Бу йил сентябр ойида ўлмас адиб Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллиги мамлакатимиз раҳбарининг қарорига биноан улкан миллий ва умуминсоний қадрият сифатида нишонланади. Шу санага тайёргарлик даврида устоз адибнинг ҳаёти ва ижодига оид ҳар бир ёдгорлик алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, адибнинг ўз дастхати билан ёзилган мактублари унинг ихлосмандларига беҳад азиз туюлади. Ана шу ихлосмандлардан бири сифатида Абдулла аканинг 1956 йилдан 1966 йилгача — ўн йил мобайнида мендек бир шогирдларига ёзган еттита мактубларини қирқ-эллик йилдан буюн эъзоз билан асраб юрибман.*

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР


мактублари

Ёзувчининг истеъдоди ва инсоний шахси қанчалик йирик бўлса, унинг қаламига мансуб ҳар бир асари шунчалик ёрқин ва бетакрор чиқади. Абдулла Қаҳҳорнинг истеъдоди ҳам, инсоний шахси ҳам бетакрор ёрқинлиги билан дилларимизда ўчмас из қолдирган. Ҳозир адабиётимизнинг олдинги марраларида ижод қилаётган кўпгина адиблар, шоирлар ва танқидчилар Абдулла Қаҳҳорнинг тарбиясини олганлиги жамоатчиликка маълум. Мен ўн саккиз ёшимда биринчи марта ёзган ҳикоямни Абдулла акага ўқиб бериб, илк ижодий сабоқни шу талабчан устоздан олган эдим. Орамизда пайдо бўлган устоз ва шогирдларга хос самимий муносабат йигирма икки йил давом этди, бора-бора унга яқин кадрдонлик туйғуси ҳам қўшилди. Йигирма олти ёшимда Абдулла аканинг урушдан кейинги ижодлари ҳақида диссертация ёзиб, Москвада уни ёқлаган ва фан номзоди деган илмий унвонга сазовор бўлган эдим. Ўша кезларда Москвада Абдулла аканинг «Янги ер» пьесаси асосида яратилган «Шоҳи сўзана» асари сахнада кўрсатиларди. Шу муносабат билан Абдулла ака Москвага кўп борар эдилар. Мен диссертация ёқлаган Адабиёт институтига ра-

фиқалари Кибриё хоним билан келган ва ҳимояни жим ўлтириб қузатган эдилар. Мен ўша давр руҳида ёзган илмий ишнинг нуқсонлари борлигини кейинчалик тушундим ва уларни тузатишга ҳаракат қилдим. Лекин бу ишнинг баъзи жойлари Абдулла акага маълум бўлган деб тахмин қиламан. Чунки орадан уч йил ўтгандан кейин Абдулла ака эллик ёшга кирганларида уч жилдлик танланган асарлари нашр этиладиган бўлди. Мен энди 29 ёшга кирган ёш олим бўлсам ҳам, устознинг ўз хоҳишларига биноан уч томлик асарларига сўз боши ёзиш шарафига муяссар бўлдим.

Абдулла ака ёш ижодкорларга маънавий отадек астойдил ғамхўрлик қилганлари мана шунга ўхшаш ҳодисаларда ва унинг ёшларга йўллаган мазмундор, лўнда мактубларида кўзга яққол ташланиб туради. Қуйида матнлари берилётган мактубларда эса адибнинг 49 ёшдан 59 ёшгача бошдан кечирган бир қанча муҳим ҳаётий ва ижодий воқеалар ҳам акс этади.

Жумладан, 1956 йилнинг 9 апрелида ёзилган биринчи мактубда Абдулла ака фақат адиб сифатида эмас, ўша вақтда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига раис бўлган раҳбар сифатида ҳам декада ҳақида фикр юритадилар. Мен у пайт-



да Москвада ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлар эдим. Абдулла ака раис сифатида Москвага келганларида бўлажак декада масалалари билан шуғулланган эдилар. Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг Москвадаги аввалги декадаси 1951 йилда бўлган, навбатдаги декадага тайёргарлик 1956 йилда сустроқ борар, «балки бундан кейин декадаларни Москвада эмас, республикаларнинг ўзларида қилармиз» деган гаплар юрар эди. Албатта, мен ҳали расмий шакл олмаган бу гапни вокзалда, Абдулла акани кузатишга чиққан пайтда айтишим ўринсиз бўлган. Шуни Абдулла ака кўнгилга туғиб қўйган эканлар, Тошкентга қайтгандан кейин вақт топиб, ҳафсала қилиб буни хатда ёзиб юборганлари менга жуда кучли таъсир қилди.

Бўлажак декаданинг аҳамияти менга шу хат орқали астойдил етиб борди. Уни тайёрлаш ишига аввалгидан кўра жиддийроқ қарайдиган ва кўпроқ жон куйдирадиган бўлдик. Декада кейинроқ — 1956 йилда катта муваффақият билан ўтганлиги кўпчиликка маълум.

Абдулла аканинг бизга маънавий отадек йўл-йўриқ кўрсатганлари 1961 йилда ёзган хатларида бошқачароқ шаклда кўзга ташланади. Мен ҳамон Москвада ишлар эдим. Ўша кезларда «Қадрим» қиссасининг илк варианты асосида киносценарий ёзган эдим, уни Дўрмонда Абдулла акага ўқиб берган эдим. Сценарийни суратга олишга биринчи бўлиб қизиққан истеъдодли кинорежиссёр Шухрат Аббосов эди. Абдулла аканинг ўзлари кинорежиссёр Латиф Файзиев

билан ҳамкорликда «Синчалак»нинг сценарийсини ёзаётган эдилар. Мана шу сабабларга кўра устоз адиб менга тўй, табрик телеграммаси ва хатто уни қайси адресга юбориш ҳақида ўғитлар берган, бу ҳаммаси ёзувчилар билан кинорежиссёрлар орасида дўстлик ва ижодий ҳамкорликни яхшилашга қаратилган эди.

«Шарқ юлдузи»нинг 1956 йилги 2-сонида бошлаган таржимам — Константин Фединнинг «Илк севинчлар» романи эди. Нотўғри таҳрир қилиш натижасида таржима анча бузилган экан, мен Москвада бўлганим учун бундан кеч хабар топдим. Уюшма раиси сифатида Абдулла ака орага тушиб, хатони тўғриламакчи бўлганлари шу сабабдан эди.

Фақат ижод юзасидан эмас, ҳаётнинг нозик муаммолари бўйича ҳам Абдулла ака бизга қандай яхши маслаҳатлар берганини ҳали-ҳали миннатдор бўлиб эслайман.

Баъзан ёшлик ва тажрибасизлик қилиб, одамлар орасида бирон гапни ўйламайроқ гапириб қўйсақ, Абдулла ака ўша жойда андиша қилиб индамасалар ҳам, кейин яккама-якка дуч келганда буни ётиғи билан айттар эдилар, агар узоқда бўлсақ, хат орқали фикр билдиришдан эринмас эдилар.

Абдулла аканинг мактубларида ўн йиллик даврида қандай асарлар устида иш олиб боргани, уларнинг янги нашрлари ва рус тилига қилинган таржималари бўйича билдирган фикрлари алоҳида эътиборга сазовордир. Жумладан, адибнинг «Сароб» тўғрисида: «Томга киргизмаса киргизмасин», «ижобий образларни кўтариш ниятим йўқ» деган сўзлари унинг ҳақ йўлда турганини кўрсатади. Лекин Москвага, декадага олиб бориладиган йирик асарлар етарли эмас эди. Абдулла ака ўзбек китобхони ҳам 1937 йилдан буюн бу романи ўқишдан маҳрум этилганини ўйлар эдилар. А. Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи ҳам 1956 йилда қайта нашр этилганда баъзи бир муҳим жойлари қисқартириб нашр этилган эди. Бу ҳаммаси замоннинг зайли эканини ҳисобга олган адиб «Сароб»ни ҳам қис-



қартириб, охирини ўзгартиради. Лекин бу унинг кўнглидаги иш бўлмаганини кейинчалик очиқ айтади.

Мактубларда Абдулла аканинг ўзига хос бетакрор услуби кўзга ташланиб туради. Адиб барча асарларини чиройли араб алифбосида ёзганлар. Хусниҳатга алоҳида эътибор берганлари кириллицада ёзилган ушбу мактубларда ҳам сезилиб туради. Араб алифбосида «ҳамма» сўзи эшитилишига қараб «ҳама» деб ёзилар экан. Шунинг таъсирида 1956 йилда ёзилган мактубда «билан» сўзи «блан» тарзида, «ҳамма иқрор» жумласи «ҳама иқрор» шаклида ёзилган. Худди шу сабабдан менинг номимни ҳам эшитилишига мослаб «Примкул» деб ёзганлар.

Абдулла Қаҳҳор мактублари бадиий асар матнини эслатади. Улардан ажойиб ўхшатишлар, кишини ҳозир ҳам беихтиёр кулдирадиган ўткир қочириқлар табиий равишда оқиб келади. Шу билан бирга мактубларда изоҳ талаб нуқталар ҳам бор. Қисқа изоҳлар ҳар бир мактуб охирига илова этилди.

Бутунча олганда, Абдулла Қаҳҳорнинг мактублари унинг ёрқин ҳаёти ва ўлмас ижодидан учиб чиққан қуёшли зарралардай туюлади. Улар кишига ҳозир ҳам маънавий озик ва бадиий завқ берадиган барҳаёт сатрлардир.

### БИРИНЧИ МАКТУБ

*Примкул!*

Салом.

Пленум апрелнинг II ярмида бўлиши керак. Лекин ҳали Марказкўмнинг қарори чиққани йўқ.

Уша кунни вокзалда декадани йўққа чиқараёздингиз. Бу ҳақда Союзда ҳеч гап бўлмаган тақдирда ҳам унақа деманг.

“Шарқ” тўғрисидаги мақола яхши, Тошкентда ҳамма хуш қабул қилди.

Таржимангиз ҳақида редакция ходимлари Билан гаплашдим. Хатоларга ҳама иқрор. II сонда босилган парчани кўринг-чи, бунда қандай хатолар бор экан. Улар Сизга хат ёзмоқчи бўлди.

Мен борганимда билет алмаштириш тўғрисида сўрайман деб эсимдан чиқиб қолипти. Шу шунинг охири нима бўлди? Нега биздан билетга ёпиштириб бергани сурат сўрамаётини?

Уй ичига биздан салом.

3.IV.56

А. Қаҳҳор

Тошкентда қор-ёмғир кўз очиргани қўймаётини.

### Биринчи мактубга изоҳ

«Шарқ юлдузи» тўғрисидаги мақолам 1956 йил 31 мартда «Литературная газета»да босилган эди. Унда журнал фаолиятига оид жиддий камчиликлар кўрсатилганлиги жамоатчиликка манзур бўлган, шекилли. Мақолани «Ўзбекистон маданияти» газетаси ўзбек тилида «Қарз устига қарз» деган сарлавҳа билан ўша йили апрель ойида чоп этган.

Ўзувчиларнинг аъзолик билетларини алмаштириш тўғрисидаги гап 1956 йилда бир чиқди-ю, лекин амалга олмади. Билетлар анча кейин — саксонинчи йилларда алмаштирилди.

### ИККИНЧИ МАКТУБ

*Примкул!*

Икки томликнинг мундарижасини Деевга юбордим. Эхтиётан бир нусхаси Сизда турсин.

Юбилей туя гўшти еди — кечиктирила-кечиктирила, ниҳоят, 4 ёки 5 октябрга қолдирилди.

Сиз келармикинсиз деган эдим, ўртоқлар повестига шўнғиб кириб кетган, келолмайди дейишаётини.

«Сароб» билан «Оғрик тишлар»нинг таржимаси Москвада бўлаётини дейишади. Сизнинг хабарингиз бордир деб Деевни сизга йўлладим. О.Раҳимий билан Скоспрев «Сароб»ни таржима қилаётган эмиш.

Наҳот тўйга ҳам, пленумга ҳам келолмасангиз.

Софияхонга биздан салом.

11/II.57

А. Қаҳҳор

### Иккинчи мактубга изоҳ


Бу мактуб 57 йил 11.IX ёзилган. Абдулла аканинг 50 йиллик тўйига тайёрлик кетаётган эди. Пахта вақти бўлгани учун сентябрдан октябрга қолдирилди. Шу мактуб таъсирида мен ҳам Москвадан Тошкентга келиб. Абдулла аканинг 50 йиллик тўйига иштирок этганман.

### УЧИНЧИ МАКТУБ

*Примкул!*

Салом. Раҳмоновга ёзган хатингизнинг менга тегишли қисмидан огоҳ бўлдим.

Бугун Розияхоним сўраган китобларни сизнинг



адресингизга юбордим. Чунки на иш жойини билан, на турар жойини (илгари Горький кўчасида турар эди, янги уй олгандир-да).

«Сароб» тўғрисида. Томга киргизмаса киргизмасин «Ижобий образларни кўтариш» ниятим йўқ, чунки янги нарса билан машғулман. Письменный деган киши таржимага олмоқчи деб эшитдим. Бу одам агар «автор билан ишлаш»ни кўзда тутиб олган бўлса (Тошкентга келмакчи эмиш) оғохлантириши керак бўлади. (Агар иш шароити деб келадиган бўлса бошқа гап).

«Уч илдиз» нима бўлди? Икки газетада парча кўрдим. Афтидан студентлар жуда қизиқаетипти.

Янги уй, янги йил қутлуғ бўлсин.

Уй ичига салом.

А. Қаҳҳор

Садовский билан алоқам узилиб қолди. Янги уй олган деб эшитдим. Адресини билмаганим учун телеграммамга жавоб бермади. «Сароб» ни ўша ҳам бир кўрса қанақа бўлар эди экан?

#### Учинчи мактубга изоҳ

1) Бу мактуб 1958 йилда ёзилган. Баҳром Раҳмонов — ўша пайтда Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасининг раиси эди.

2) «Сароб»ни Письменный эмас, Ольга Зиф таржима қилган.

3) Абдулла ака қўлёмасида ўқиган «Уч илдиз» биринчи марта 1958 йилнинг охирларида китоб бўлиб чиқди. Унинг бир нусхасини миннатдорлик туйғуси билан дастхат ёзиб Абдулла акага берган эдим. Ҳозир бу китоб адабнинг уй музейларида бошқа шоғирдларининг асарлари ва дастхатлари орасида сақланяпти.

#### Тўртинчи мактуб

Примқул!

Салом. Фарзанд кўрибсизлар, қутлуғ бўлсин! Узоқ умур, бахт тилаймиз.

А. Файзий билан гаплашдим. Примқулнинг сценариси тўғрисида бўладиган гапни айт, деб туриб олдим. Латиф ҳеч бир дипломатиясиз ростини айтди — бўлади, қилиш мумкин, деди. Кўп ҳолларда «бўлади» деган нарса муттаҳамларга автор орқали ўғирлиқ қилиш, иши битгандан кейин бирон баҳона билан асарни тўхтатиш ва олинган пулларни «списать» қилиш учун керак бўлади. Сизнинг асарингиз ҳақидаги «бўлади» ҳалол «бўлади»лардан экан, хурсанд бўлдим.

Шу билан бирга Латиф «Ўзлари келишиб олишлари керак» деган гапни ҳам айтди.

Софияхонга салом ва табрик.

17.03.61. А. Қаҳҳор

#### Тўртинчи мактубга изоҳ

Абдулла ака «Қадрим» қиссасини ўқиган, шу асосда бадиий фильм қилинишига эътибор берган эдилар. «Аббосов билан ўзлари келишиб олишлари керак» деган маслаҳатга мен дуруст амал қилолмадим, шекилли. Шўҳрат Аббосов «Сен етим эмассан» фильмига киришиб кетди. «Қадрим» асосидаги бадиий фильм Равиль Ботиров ва А. Хачатуровлар томонидан «Сенинг изларинг» деган ном билан тайёрланди. Биз кутган катта муваффақиятлар бўлмади. Фақат фильмда айтилган «Газли гўзали» номли қўшиқни Туроб Тўла сўзи билан Ботир Зокиров яхши ижро этди. Орадан қирқ йил ўтди. Лекин ҳанузгача Ботир Зокиров репертуарида шу қўшиқ вақти-вақти билан радио-да ижро этилади.

#### Бешинчи мактуб

Примқул!

Салом.

Аббосов Ойбекнинг қизига уйланди. Лозим кўрсангиз табрик телеграммаси беринг.

Мавлон Икромийнинг ўқиш нияти бор экан, бу тўғрида Сизга гапирган экан. Бола бечорага Союз ёрдам қилмаётган эмиш. Имкони борича Сиз шунга ёрдам қўлини чўзсангиз. Бола ўқиса, ҳатто ўқиёлмай Москвада 5-10 кун юриб келса ҳам адабиётимизга фойда бўлади.

Салом ва ҳурмат билан

А. Қаҳҳор

Софияхон ва болаларга биздан салом.

Аббосовнинг адреси: Киностудия

17.07.61

#### Олтинчи мактуб

Примқул!

Дуо ва салом!

Гуржистон аломат юрт экан. Тбилисидан кейин Тошкент кўзимга Челкар ёки Чийлига ўхшаб қолди.

Кўп уриниб, ниҳоят, Симоновга телефон қилдим. Пьеса Домлага маъқул, лекин таржима қилишига журъат қилолмаётипти, ёнимга бит-

та одам оламан, ўша билан бирга қиламан дейди. Майли, ихтиёр ўзингда дедим. Моссовет ёки сатира театрига ишқамакчи.

«Пр.Востока» ва «Сов.культура»да яхши тақризлар чиқди, лекин ўзбек матбуоти хануз тиззаси қалтираб, тили калмага келмаёттипти.

Софияхонга биздан салом айтинг.

«Ҳамза» январьнинг охирида «Кремль» театрига жумладан «Тобут»ни олиб бормоқчи шекили, шундоқ бўлса, биз ҳам Москвага борармиз.

28.11.62 А. Қаҳҳор

### Олтинчи мактубга изоҳ

1) 1962 йилнинг кузида Арманистонда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлган эди. Абдулла ака билан Арманистонда ўн кун бирга юрдик. Кейин мен Москвага қайтиб кетдим. Абдулла ака рафиқалари Кибриё опа билан Грузияни ҳам кўрмоқчи бўлишиб, Еревандан Тбилисига учган эдилар. Бу хат ўша катта сафаримиз пайтидаги суҳбатларнинг давоми тарзида ёзилган. Бу ерда сўз бундан 45 йил олдинги Тошкент ҳақида боради. У пайтда Тошкентда хом гиштан қурилган пастак уйлар кўп эди. Абдулла ака орзу қилган гўзал, улуғвор Тошкент мана энди истиқлол даврида бунёд этилди.

2) К. М. Симонов кейинчалик «Тобутдан товуш»ни Комрон Ҳакимов билан биргаликда таржима қилди. Аммо асар Москвада қўйилмади.

3) Гап «Тобутдан товуш» пьесасига чиққан тақризлар ҳақида.

4) Ўша пайтдаги айрим лавозимдор кишиларнинг бу пьесага нотўғри муносабати тўғриси «Тобутдан товуш» Москва гастроллига олиб борилган эмас.

### ЕТТИНЧИ МАКТУБ

Примқул!

Салом. Хатимизга жавоб келавермаганидан ўзимиз ҳам Самарқандда бўлсаларинг керак деб ўйлаган эдик.

Тошкентдан хабар келиб туради, чарс эшакдай феъли бад.

Машина қутлуғ бўлсин. Эртаю кеч ҳар баҳона билан кўчага чиқиб кетаётган бўлсангиз керак.

Бизнинг сафаримиз қариб қолди. 11.08 да бу ердан. 15-ларда Москвадан жўнаймиз.

Кедрина «Тобут»нинг подстрочникини сўраган эди. Мен Костирияга қўлидаги нусхани юборишини сўраб хат ёзган эдим, жавоб келмади. Ўшанга бир телефон қилсангиз. У блан гаплашиб бўлганингиздан кейин Акмалга ҳам телефон қилсангиз (авторское право) 200 сўм пул юбор деб телеграмма юборган эдим, жавоб келмаёттипти. Акмал телеграммани олмаган бўлса адресимизни бериб илтимосимизни айтсангиз. Уй ичига салом!

2.08.1966 й. А. Қаҳҳор

### ЕТТИНЧИ МАКТУБГА ИЗОҲ

1) 1966 йилнинг ёзида Тошкентда ҳали зилзила ҳуружи давом этмоқда эди. Абдулла ака рафиқалари билан Қора денгиз бўйида Одессада дам олиб, кейин Украинанинг Трусковец курортига даволанишга кетган эдилар. Хат Трусковецдан ёзилган. Абдулла аканинг Трусковецдан ёзган биринчи хатлари биз оила билан Самарқандда юрган пайтимизда келган ва қандайдир сабаб билан сақланиб қолмаган.

2) “Чарс эшакдай феъли баъд” жумласида Тошкент зилзиласи назарда тутилади.


3) Кедрина З.С. — москвалик адабиётшунос олима ва таржимон.

4) «Акмалга ҳам телефон қилсангиз» — шоир Акмал Пўлат ўша пайтда «Авторлар ҳуқуқи» ташкилотининг бошлиғи эди. Абдулла акага пьесалари учун тўланадиган қалам ҳақи шу ташкилот орқали берилар эди. Мен устознинг бу борадаги гапларини Акмал акага телефон қилиб айтдим. Пул вақтида етиб борганини Абдулла ака қайтиб келганларида айтдилар. Устоз адибнинг сўнгги ўн йиллик умри давомида сафарларда бирга бўлиб, байрамларни бирга кутиб, маънавий ота-боладек муносабатда бўлганимиз мактубларда сезилиб туради.

Устоз бизга оталарча ғамхўрлик қилиш билан бирга фарзандларга буюриладиган ишларни ҳам ишониб топширар эдилар. Биз бу топшириқларни сидқидилдан адо этардик. Ҳозир 79 ёшга кирганимда бу ноёб сиймони деярлик ҳар куни ёдга оламан. Унинг иккинчи умри абадий бўлишини яратгандан тилаб қоламан.

Пиримкул ҚОДИРОВ





**ВКП(б) МК ва СССР Халқ Комиссарлари Совети 1933 йил 8 майда “Деҳқонларни оммавий кўчиришни тўхтатиш, қамоққа олиш ва қамоқхона жойларини камайтириш тўғрисида” махфий директив йўриқнома қабул қилди. Бу ҳужжат матбуот учун ман этилган. Ҳама йўриқномада мамлакатнинг 14 минтақасидан 12 минг хўжалик сургун қилиниши керак эди. Бу йўриқнома И.Сталин, В. Молотов имзоси билан Тошкентга, ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюросига келади. Ўрта Осиёда ҳам қулоқ, сургун қилиш, отувага ҳукм этиш ана шу қаҳатчилик, очарчилик йили 1933 йилда ҳам давом этди. Фақат 1933 йил июлида**

**Ўзбекистонда зўравонлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва қулоққа тортиш кампанияси авж олган 30-йилларда кўплаб деҳқонлар, ҳунарманд-қосиблар, руҳоният вакиллари сиёсий қатағон қилинди. Тоталитар режим қишлоқ аҳолисига, деҳқонлар оммасига қарши олиб борган қатағон сиёсати, тўғрироғи, уруши минглаб ўзбек деҳқонларини хонавайрон, мол-мулкни мусодара қилди, уй-жойидан, от-уловидан, бутун борлиғидан жудо этди, ўзларини отувага, концлагерларга ҳукм этди, бегона юртларга сургун қилди. Ҳозиргача «махфий» тамғаси остида сир сақланиб келинган архив ҳужжатлари бунга шохиддир. Биз қуйида ана шу қаттол, мустабид советлар тўғрисида қисқача маълумотларни Самарқанд вилоятининг Нарпай, Пойариқ туманлари мисолида келтирмоқдамиз.**

# Ў А ТА Ғ О Н У Р Б О Н Л А Р И

**Ўрта Осиёдан, 500 хўжалик (2000 дан ортиқ киши) Шимолий Қозғоғистоннинг Шартандиқ районига сургун қилинган. Улар орасида самарқандликлар ҳам бўлган. 1933 йил 1-декабрда Залин, Жуков, Вальтер, Яковлевлардан иборат “учлик”нинг йиғилишида Низом Хўжаев (38 ёшда, ўзбек, Нарпай райони, Қадрис қишлоғидан, қулоқ, Тошкент пахта пунктининг собиқ мудури), Орзиқул Қуватов (42 ёшда, ўзбек, Нарпай райони, Чоркент қишлоғидан, қулоқ, колхознинг собиқ котиби ва аъза), Зайниддин Хўжаев (31 ёшда, ўзбек, Нарпай райони, Қадрис қишлоғидан, собиқ кўрбоши, КП(б) аъзоси)лар отувага ҳукм қилинганлар.**

**ОГПУ органлари тайёрлаган 6322-сонли айбон хулосада айтилишича, 1933-йил декабрида ўз олдига партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги қурилиши соҳасидаги тадбирларига қаршилиқ кўрсатиш ва қуроли кўзёлон тайёрлаш йўли билан Совет ҳокимиятини аъдариш вазифасини қўйган аксилқилобий ташкилот тугатилган. Мазкур иш бўйича тергов материаллари ва мазкур аксилқил**

**лобий ташкилотнинг 40 нафар аъзосидан 34 нафари “жиноят”ларини бўйнига олган.**

**Советларга қарши кайфиятда бўлган ижтимоий ёт унсур шахслар Каттақўрғон районидан 1928-1929 йилларда тор-мор қилинган “Миллий иттиҳод”чиларнинг қолган-қутганлари атрофига тўпланиб олганлиги қайд қилинган. Бу иш юзасидан 40 киши жавобгарликка тортилди: Бехбудий районидан 3 киши, жумладан, сургун қилинган 1 қулоқ ва 2 савдогар, Бухоро районидан 4 киши, шундан 2 қулоқ ва 2 савдогар, Митан районидан 25 киши, барчаси қулоқ, Каттақўрғондан 8 киши, жумладан 6 собиқ амалдор, 1 эшон ўғли.**

**Ташкилотнинг Бехбудий, Бухоро, Каттақўрғон ва Митан гуруҳлари бўлган. Митан гуруҳини Нарзулла Махсум Абдуллаев бошқарган. У айни вақтда Каттақўрғон филиалининг ҳам раҳбари бўлган.**

**Митан ташкилотининг 7 гуруҳ ячейкалари бўлган. Биринчисига Қўшработ, Қайботин ва Қоратоп қишлоқ советлари, иккинчисига юқори Сарой, Бозоржўй ва Қўлтўсин**

**қишлоқ советлари, учинчисига Қурлан қишлоқ совети, тўртинчисига Бардас қишлоқ совети (Барлос бўлса керак – Р.Ш.), бешинчисига Чимқўрғон ва Митан қишлоқ советлари, олтинчисига Оқтепа ва Зарбанд қишлоқ советлари, еттинчисига Қўнғирот қишлоқ совети кирган.**

**Ташкилотнинг мақсади Совет ҳокимиятини аъдаришга йўналтирилган. Ташкилот раҳбари Н.Абдуллаев бундан мафқуравий жиҳатдан асослаб шундай деган: “Совет ҳокимияти ҳар қандай динга, жумладан, исломга қаршидир. Биз бундан хоҳламаймиз ва мамлакатимиздаги барча мусулмонлар ҳам бундан хоҳламайди. Биз Муҳаммаднинг исломи ва шариасти гуллаб-яшнашини истаймиз. Шарқнинг бошқа мамлакатларида ислом гуллаб-яшнмоқда, ислом билан биргалликда уларда маданият ҳам тараққий этмоқда. Бутун ташкилотимизнинг ҳаракати ва хоҳиши исломни Совет ҳокимияти зулмидан озод қилиш, бунинг учун эса уни аъдариш ва мусулмон давлатини тиклашдир. Бу мақсадга эришмоқ учун пахта экинларига зарарқундалик қилиш, колхозлар ишида нонормал**

шароитлар яратиш, колхозлардаги даромадларни баб-баравар тақсимлашни жорий этиш, колхоз мулкани ўзгирлаш ва талон-тарож қилиш, бу билан колхозлашган оммада Совет ҳокимиятига қарши халқ норозилигини кўзга, партия-совет органлари аппаратларидаги раҳбарлик лавозимларни эгаллаб олиш, камбағаллардан чиққан совет фаолларини террор қилиш, бир вақтнинг ўзида ташкилотда мулк тўплаш, қурол, от ва ем-хашак тайёрлаш керак” дейилади Михеев, Зеленцев, Врачевлар томонидан 1934 йил 25 мартда ОТПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилиги ҳузуридаги училикка тақдим этилган айблов хулосасида. Айблов хулоса 50 бетга яқин бўлиб, ташкилотнинг ҳар бирига хилма-хил айблов қўйилган, маҳбуслар ва гувоҳлар кўрсатмалари келтирилган. Ушбу 40 нафар кишига ЎзССР Жиноят Кодексининг 67-моддаси қўлланилган. Айблов хулоса Тошкентга юборилган ва уни ОТПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилиги раиси ўринбосари Райский тасдиқлаган.

Айбланганлардан Аминов Ҳикматулла, Остонов Тўра, Элмуродов Ғулом, Латипов (Мурод) Вали, Рўзимуродов Саидкул бойбачча ва Турсунов Ҳайдарлар ОТПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилиги сиёсий маҳбуслар уйида қамоқда, Шарипов Ҳаким – Ҳаким Холвазар Бехбудий (Қарши) Меҳнат тузатув бошқармаси қамоқхонасида, Нарзулла Махсим Абдуллаев, Эгамкул Жонибеков, Йўлдош Бойбусунов, Қилич Ботиров, Муртаза Жонибеков, Абдулқосим Эргашев, Эрмухаммад Эрназаров, Ҳотам Исломов, Абдусамат Исмоилов, Бекмурод Эшқобилов, Нўмон-қорабоев, Абдуразоқ Каримов, Қобил Норматов, Мирзаотакул Нормухамедов Тўзон Наврузов, Мулла Мурод Расулов, Норқул Рустамов, Мирза Соибов, Нормухаммад Махсум Сафаров, Навруз Муҳаммад Сафаров, Дўстмурод Турсунов, Ашур Турсунов, Бекпўлат Холманов, Тўракул Йўлдошев, Эшқобил Янгибоев, Муллаурсун Абдуғафоров, Мирза Юсуп Аминов, Худойназар Бекматов, муллалардан Камолов, Абдулла Махсим Салимов, Нормухаммад Холманов, Жалил Хотамов, Рўзи Ёрматовлар, ОТПУнинг Самарқанд сектори сиёсий маҳбуслар уйи қамоғида ушлаб турилганлар.

Ана шу айблов хулосани училик (Райский, Жуков, Вальтер, прокурор ёрдамчиси Иваницкий ва котиб Копеев) 1934 йил 29 мартдаги йиғилишида кўриб чиқади. 22 нафар митанликлар қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Улар қуйидагилар эди:

1. Абдуллаев Нарзулла Махсим – 39 ёшда, ўзбек, Қи-Ким қишлоғидан, қулоқ, ўтмишда мулла.

2. Жонибеков Муртазо – 39 ёшда, ўзбек, Қамар қишлоғидан, қулоқ.

Бу икки маҳбус 10 йил муддат билан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинди, қамоқ жазоси Абдуллаев учун 1933 йил 12 декабрдан, Жонибеков учун 1934 йил 21 январдан ҳисобланган.

Митанликлардан Йўлдошев Тўракул (33 ёшда, ўзбек, Бағрин қишлоғидан, қулоқ), Турсунов Дўстмурод (26 ёшда, ўзбек, Қамар қишлоғидан, қулоқ)ларга 8 йил қамоқ жазоси берилди.

5 йил қамоқ жазосига қуйидагилар ҳукм қилинди: Наврўзов Тўзон (31 ёшда, ўзбек, Шоназар қишлоғидан, қулоқ), Норматов Қобил (33 ёшда, ўзбек, Ўрта-Турсун қишлоғидан, қулоқ), Ботиров Қилич (37 ёшда, ўзбек, Субут қиш-

лоғидан, савдогар), Рустамов Норқул (23 ёшда, ўзбек, Жумабозор қишлоғидан, қулоқнинг ўғли), Соибов Мирза (37 ёшда, ўзбек, Қамар қишлоғидан, қулоқ), Нормухамедов Мирзаотакул (49 ёшда, ўзбек, Қўл қишлоғидан, қулоқ), Бойбўсинов Йўлдош (35 ёшда, ўзбек, Туёқли-Бахрин қишлоғидан, қулоқ), Абдуҷабборов Эгамкул (38 ёшда, ўзбек, Бойтўба қишлоғидан, қулоқ), Холманов Бекпўлат (25 ёшда, ўзбек, Ҳасанбобо қишлоғидан, бой), Каримов Абдуразоқ (30 ёшда, ўзбек, Қорақасмоқ қишлоғидан, қулоқ), Сафаров Нормухаммад Махсим (35 ёшда, ўзбек, Қи-Ким қишлоғидан, қулоқ), Сафаров Наврўз Муҳаммад (29 ёшда, ўзбек, Токсан қишлоғидан, қулоқ), Исломов Хотам (33 ёшда ўзбек, Қи-Ким қишлоғидан, қулоқ), Эшқобилов Бекмурод (21 ёшда, ўзбек, Работ қишлоғидан), Исмоилов Абдусамат (57 ёшда, ўзбек, Чигатой қишлоғидан, қулоқ) ва Янгибоев Эшқобилни (55 ёшда, ўзбек, Работ қишлоғидан, қулоқ) Ўрта Чирчиқ району-га 3 йил муддат билан сургун қилишга ҳукм этилган.

Турдиев Ашур билан (30 ёшда, ўзбек, Бош Чигатой қишлоғидан, қулоқ), Эрназар Эрмухаммад (37 ёшда, ўзбек, Давурқўрғон қишлоғидан, бой)лар ҳибсга олиниб, қамоқда тергов қилингани эътиборга олиниб, қамоқдан озод қилинган.

Қамоққа ҳукм этилган Абдуллаев Нарзулла Махсумдан тортиб олинган 4011 килограмм буғдойни мусодара қилишга ва  Қизил қуёш» колхозига топширишга, 4141 килограмм буғдойни  Зарафшон» колхозига қайтариб беришга, 5 та отни район колхозларига беркитиб қўйишга ҳукм қилинган.

1933 йил 25 ноябрда ОТПУ органлари томонидан Нарпай районидан 5 киши устидан жиноий иш қўзғатилиб, 6266-сонли бу иш 1934 йил 14 мартда яқун топади.


3 мартда Самарқанд сиёсий бўлими 2 – бўлим вакили Фурмонов тақдим этган, бўлим бошлиғи Зеленков ўз розилигини билдирган, ОТПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилиги Самарқанд бўлими бошлиғи Врачев тасдиқлаган маълумотнома Тошкентга, ОТПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилиги ҳузуридаги  училик»ка юборилади.

Унда айтилишича, 1930 йил охири 1931 йил бошларида районда масъул совет – партия лавозимларини эгаллаш учун шу вақтгача кураш олиб бораётган 2 гуруҳ умумий аксилинқилобий платформада бирлашганлар. Ҳар икки гуруҳ раҳбарлари тузилган бу ташкилотни бошқаришни ўз қўлларига олганлар. Ташкилот ўз олдида партия ва ҳукуматнинг қишлоқда ўтказаятган социалистик қурилиш тадбирларига уюшган ҳолда қаршилик кўрсатиш ва очиқ-ошқора қуроли қўзғолон кўтариш йўли орқали совет ҳокимиятини ағдариш вазифасини қўйган.

Ташкилот таркибида 100 дан ортиқ аъзо бўлган. Ундан 57 аъзонинг иши 1933 йил 10 декабрда ОТПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилиги училиги томонидан кўриб чиқилган, айбланувчиларнинг катта қисми бошқа суд органлари томонидан жазого тортилган.

Ана шу ташкилот аъзоларидан 5 нафарининг ишини училик 1934 йил 14 мартда кўриб чиққан:

1. Раимқулов Мардон, 1906 йили (ҳужжатлар бўйича 1908 йили) туғилган, Нарпай району Харсон қишлоқ совети Харсон қишлоғидан, ўзбек, қулоқнинг ўғли, саводли, оилалик, Ўзбекистон Компартиясининг собиқ аъзоси,



ҳибсга олингунга қадар район назорат комиссияси ва ишчи-деҳқон инспекцияси раиси лавозимида бўлган. 1933 йил 14 ноябрда қамоққа олинган. ЎзССР Жиноят Кодексининг 67-моддаси билан айбланган.

2. Хушманов Умрзоқ, 1899 йили туғилган, Нарпай райони Қоракўл қишлоқ совети Тиякли қишлоғидан, ўзбек, қулоқнинг ўғли, собиқ имом, саводли, оилалик, икки марта партиядан ўчирилган, ҳибсга олингунга қадар Вобкент халқ маорифи бўлими мудури бўлиб ишлаган, 1933 йил 28 октябрда қамоққа олинган.

3. Мавлонов Шомурод, 1900 йил туғилган, Нарпай райони Месит қишлоқ совети Зиаддин қишлоғидан, ўзбек, қулоқнинг, амир оқсоқолининг ўғли, саводли, оилалик, 1933 йил июлида партиядан ўчирилган, машаулати аниқ эмас, сўнги иш жойи Саросиё район назорат комиссияси ишчи-деҳқон инспекцияси раиси, 1933 йил 11 ноябрда қамоққа олинган. Унга ҳам юқоридаги айблар қўйилган.

4. Ёрқулов Эргаш, 1901 йили туғилган, Нарпай райони Пўлатчи қишлоқ совети Пўлатчи қишлоғидан, ўзбек, саводли, оилалик, собиқ қулоқ, собиқ партия аъзоси. 1933 йил 17 январда қамоққа олинган.

Унга ҳам антисовет гуруҳининг фаол қатнашчиси айби қўйилган.

5. Ашуров Махсим, 1906 йили туғилган, Нарпай райони Мирбозор қишлоқ совети Мирбозор қишлоғидан, ўзбек, амир амалдори – ноибнинг ўғли, саводли, оилалик, собиқ партия аъзоси, ҳибсга олингунга қадар Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Давлат университети талабаси, 1933 йил 13 ноябрда қамоққа олинган.

У Нарпай район партия комитетида маданият бўлими мудури бўлиб ишлаб бир вақтнинг ўзида Тожикистон аксиланқилобий миллатчи ташкилотчи бўйича қамоққа тортилган акаси Рўзи Ашуров билан биргаликда советларга қарши райондаги гуруҳнинг раҳбари бўлганликда айбланган.



Маъмур маҳбуслар тўғрисидаги айблов хулосани Тошкентдаги ушлик 1934 йил 14 мартда кўриб, Раимқулов Мардон, Хушманов Умрзоқ, Мавлонов Шомуродларни 5 йилдан қамоқ жазосига, Ашуров Махсимни 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ёрқулов Эргашни тергов давомида қамоқда бўлганлиги ҳисобга олиниб қамоқдан озод қилишга ҳукм этди.

Жазо олганлардан ҳибсга олиш чоғида тортиб олинган қурол, ҳайвонларни мусодара қилишга ҳукм қилинди. 1935-1936 йилларда ҳам давом этган қатагон 1937 йили юқори чўққига чиқди. Бу мудҳиш фожеа ВКП (б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг 1937 йил 2 июлда қабул қилинган Советларга қарши унсурлар тўғрисида»ги директиваси асосида юз берди. Унда ўз вақтида турли вилоятлардан Шимолий районларга сургун қилинган, сургун муддати тугаб, ўз юрталарига қайтиб келган собиқ қулоқ»лар ва бошқа жиноятчи»ларни колхоз ва совхозлардаги, транспорт ва sanoat корхоналаридаги ҳар қандай советларга қарши унсурлар сифатида ҳисобга олиш, энг ашаддийларини зудлик билан қамоққа олиш, учликлар» қарори билан отиб ташлаш, унча фаол бўлмаган унсурларни эса НКВД кўрсатмаси бўйича белгиланган ра-йонларга сургун қилиш вазифа қилиб қўйилади.

Шунингдек, бу директивада 5 кунлик муддатда Марказ-қўмга учлик»лар таркибини, отиладиган, қамоққа олинадиганлар, сургун қилинадиганлар миқдорини тақдим этиш талаб қилинган.

ВКП (б) МК Сиёсий бюроси Ўзбекистон бўйича Икромов, Болтабоев, Загвоздин (раис)лардан иборат учлик» таркибини тасдиқлаб, Ўзбекистон бўйича отилиши керак бўлган 1489 киши, сургун қилинадиган 3952 киши ҳақидаги маълумотни тасдиқлайди.

СССР Ички ишлар халқ комиссари Николай Ежов Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва советларга қарши бошқа унсурларни қатагон қилиш бўйича операция тўғрисида»ги 00447-сонли мутлақо маҳфий буйруқни имзолайди. Унга мувофиқ 1937 йил 5 августда бутун мамлакатда собиқ қулоқлар», фаол унсурлар ва жиноятчиларни қатагон қилиш бўйича операция ўтказиладиган бўлди. Ўзбекистонда машҳур иш 10 августдан бошланган. Республика бўйича режага кўра 1-тоифа бўйича 750 киши отувга, 2-тоифа бўйича 4000 киши сургун қилиниши белгилаб қўйилади. 1938 йил 1 январгача 1376 нафар собиқ қулоқ» отилади, 4548 нафар қулоқ» эса НКВД йўли билан қамоққа ҳукм этилиб, ГУЛАГ лагерларига жўнатилади. Бу жазоланган, айбсиз айбланганлар орасида пойариқликлар, нарпайликлар ҳам бўлган.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги ушликнинг



биргина 1937 йил 26 сентябрдаги йўғилишида ўша вақтдаги Пойарик, Митан ва Нарпай районларидан бир қанча кишилар отувага, 10 йил концлагер қамоғига ҳукм қилинган. Уларнинг барчасига ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси, 1 қисми, яъни советларга қарши аксиланқилобий тарғибот олиб борган, деган айб қўйилган.

1. Нодиров Абдулаҳат, 1875 йили тузилган, Пойарик райони Буркут қишлоқ совети Турк-Поён қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, 1933 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар руҳоний, имом.

2. Муллажонов Сафарбой, 1900 йили тузилган, Пойарик район, Бирлашган қишлоқ совети Қўштепа қишлоғидан, ўзбек, қулоқ 1935 йили ВКП(б) сафидан чиқарилган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи.

Унга ҳам деярли юқоридаги айб қўйилган, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 й и л 17 августдан ҳисобланган.

3. Эшматов Эшонқул, 1889 йили тузилган, Пойарик райони Ўрта-Саидов қишлоқ совети Чолмуин қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, помещик ўғли, ҳибсга олингунга қадар колхозчи.

4. Шаропов Ғани, 1878 йили тузилган, Пойарик райони Айтмамғалин қишлоқ совети Раим қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ. Колхозга кириб олиб пахта экишни барбод қилишга қаратилган аксиланқилобий, советларга қарши тарғибот олиб борган, аксиланқилобий фикрлар айтган, аксиланқилобчи, СССРга қарши уруш тайёрлаётган фашистлар Германиясини ва бандит Троцкийларни маъқуллаганликда айбланиб, отувага ҳукм қилинган.

5. Абдуллаев Мулла Эшон Мулла Яҳё, 1904 йили тузилган, Митан райони Сувати қишлоғидан, ўзбек, қулоқ.

Унга ҳам юқоридаги айб қўйилиб, 10 йил концлагер қамоғига ҳукм этилган, қамоқ жазоси 1937 йил 18 августдан ҳисобланган.

6. Тоғаев Бекназар, 1878 йили тузилган, Пойарик райони Бирлашган қишлоқ совети Байрачи (Бўйрачи бўлса керак – Р.Ш) қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ.

Колхозга кириб олиб СССР мудофааси заёмига қарши қаратилган советларга қарши аксиланқилобий тарғибот олиб борган, маълумиятчилик кайфиятини билдирган, троцкийчиларни маъқуллаган. Ўзбекистонда мусулмонбод яратилади, деганликда айбланиб, отувага ҳукм этилган.

7. Тўхтамишев Ҳидоят, 1904 йили тузилган, Нарпай райони Косачарак қишлоғидан, ўзбек, амир амалдори Мирхўрнинг ўғли, собиқ қулоқ, 1931 йили қулоқлар гуруҳбозлигида иштирок этгани ва давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, қамоқ муддатини ўтаб келган, ҳибсга олингунга қадар колхозда қоровул бўлиб ишлаган.

8. Муҳамедов Ҳайдар, 1900 йили тузилган. Нарпай райони Ўзбеккент қишлоғидан, ўзбек, қулоқнинг ўғли. 1925 йилдан 1930 йилгача босмачи бўлган, ҳибсга олингунга қадар яқка хўжаликка эга бўлган.

Аксиланқилобий кайфиятда бўлганидан колхозчилар орасида уруш тўғрисида, ҳукуматдаги ўзгариш ва Мусул-

монободни тиклаш тўғрисида аксиланқилобий, извоғарлик тарғиботини олиб борганликда айбланиб, отувага ҳукм қилинган.

9. Йўлдошев Остона, 1892 йили тузилган, Жўчин қишлоқ совети Агай қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, имом.

Диний маросимлардан советларга қарши тарғибот олиб боришда фойдаланган, колхозчиларни Совет ҳокимияти тадбирларини бажармасликка чақирган, тез орада Совет ҳокимияти қулайди, деб айтганликда айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, ҳукм ижроси 1937 йил 18 августдан ҳисобланган.

10. Рўзиев Эргаш, 1902 йили тузилган, Нарпай райони Қорақўл қишлоқ совети Олчин қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, босмачи.

Колхозчилар орасида доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб борган. Халқ душмани Ф.Хўжаевнинг ишдан олингани тўғрисида ҳамдардлик изҳор этган, колхозчиларни колхоздан чиқаришга даъват этганликда айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, қамоқ муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

11. Қурбонов Мулла қори, 1876 йили тузилган, Нарпай райони Қорақўл қишлоқ совети Аҳакчи қишлоғидан, ўзбек, савдогар ўғли, собиқ имом, руҳоний.

Колхозга кириб олиб аксиланқилобий, советларга қарши тарғибот олиб борган, шу мақсадда диний кайфиятдаги колхозчиларнинг бир қисмидан фойдаланган, уларни фақат шарият қонунларини бажаришга чақирган, тез орада Совет ҳокимияти қулаб Мусулмонбод қурилади, деб айтганликда айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, қамоқ жазоси 1937 йил 19 августдан бошланган.


Қамоқ жазосига ҳукм этилган юртдошлар бошқа юртлардаги ТУЛАГ ва меҳнат-тузатув лагерларига юборилган. Улар орасида нарпайликлар ҳам бўлган. Масалан, Саидов Жўра. У 1899 йили Нарпай районида Қарноқ қишлоғида тузилган, ўзбек, қулоқ, савдогар, партиясиз, қуйи маълумотли, оилали, хотини Бари 30 ёшда, ўғли Насриддин 6 ёшда бўлган.

Маҳбус Саидов Жўра 1938 йил 22 февралда Димитлагда қамоққа олинди. Унга маҳбуслар орасида мунтазам равишда партия раҳбарлари, ҳукумат аъзоларига бўҳтон қилувчи, халқ душманларини мадҳ этувчи аксиланқилобий тарғибот олиб борган, деган айб қўйилиб, □учлик» томонидан 1938 йил 2 мартда отувага ҳукм этилган, ҳукм 8 мартда ижро этилган. 1990 йил 10 февралда оқланган.

Қизил салтанатнинг турли комиссиялари ва □учлик» лари томонидан ноҳақ айбланиб, жисмонан йўқ қилинган миллатдошларимиз хоки собиқ Иттифоқнинг барча махфий, киши билмас қабристонларида абадий сукут қўйишда ётибди. Жабр-зулм ва мислсиз адолатсизлик қурбонлари бўлган ушбу ва бошқа юртдошларимизнинг охи-ратлари обод бўлсин.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,

Андижон Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Ўзбек маданияти ва санъати тарихи узоқ даврларни ўз ичига олади. Тарихий манбалар, турли археологик қазилмаларнинг гувоҳлик беришича, шарқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон маданияти қадимдан ривожланиб келган ва жаҳон маданиятининг юксалишига муносиб ҳиссасини қўшган.

Мустақиллигимиз туфайли миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз тикланмоқда, тарихимизнинг ҳақиқий кўриниши баён этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг тарихи қайтадан ўрганилиб, уларнинг қутлуғ саналарига бағишлаб тўй-тантаналар ўтказилиши белгиланмоқда.

Муҳтарам Президентимиз фармонлари билан ана шундай анжуманлардан бири — 2007 йилда Ўзбекистондаги кўҳна ва навқирон шаҳарлардан бўлмиш Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш белгиланди.

# МАРҒИЛОН

Марғилон шаҳрининг ушбу 2000 йиллик тўйи олдида унинг барча соҳалар бўйича босиб ўтган йўлини эслар эканмиз, бу шаҳарнинг маданияти, санъат соҳасидаги тарихини ҳам гапирмасдан иложимиз йўқ.

Марғилон шаҳри ҳам азал-азалдан маданият, санъат соҳасидаги бошқа шаҳарлардан кам бўлмаган ҳолда ривожланиб келган. Санъатнинг деярли барча соҳаси, айниқса, ашулачилик, созандалик, қизиқчилик, аския, театр, рақс каби санъат турлари Марғилонда доим юксалиб келганлиги маълум. Марғилон санъаткорлари, уларнинг ижодлари ҳақида жуда кўп мисоллар, далиллар келтириш мумкин. Биргина ашулачилик соҳасини олиб қараганимизда ушбу шаҳарлик машҳур ҳофизлар Мадалихофиз Раҳматуллаев, Муҳиддин қори Ёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Тамараҳоним, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маматбува Сатторов, Болтабой Ражабов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар ўзларининг ноёб санъатлари, бетақрор овозлари билан бутун Марказий Осиёни забт этганлар. «Шошмақом»нинг Фарғона — Тошкент йўлларини, «Фарғона чор мақоми», айниқса, фақат водийда машҳур бўлган «Катта ашула» (Патнисаки ашула) жанрини ушбу ҳофизлар маромига етказиб куйлаганлар. Улардаги ноёб овоз имкониятларининг ўзига

хослиги, диапозони кенглиги, тембри жиҳатдан кучли эканлиги билан ҳар қандай мусиқий асарни бемалол куйлаганлар. Шунингдек, улар ўзлари ҳам янги-янги ашулалар яратиб, тингловчиларни мафтун этганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг номлари ўчмасдан, фахр билан тилларда, дилларда мудом ёд этилмоқда. Ушбу мумтоз ҳофизлар яратган асарлар ҳозирги кунда ёш ҳофизлар томонидан қайтадан ўрганилиб, иккинчи умрини ўтамоқда. Бунга мисол қилиб Мадали хофиз Раҳматуллаев куйлаган «Абдураҳмонбеги», Тамараҳонимнинг «Эрта билан тураман», Чаманнорингдан», Муҳиддин қори Ёқубов ижро этган «Омон ёр», Маматбува Сатторов куйлаган «Бир келиб кетсун», «Кўп эрди ҳасратим жоно», «Қулинг», «Айладинг», «Эй дилбари жоним», Болтабой Ражабов ижро этган «Келибман», «Эй санам», «Жудо қилма», «Бу гулшан», Жўраҳон Султонов ижросидаги «Нигорим қани», «Оҳким раҳм айламас», «Чор зарб», «Чаман ялла», «Боғ аро», Маъмуржон Узоқов куйлаган «Ёр истаб» ва «Мустаҳзод», «Якка бу Фарғонада», «Фигонким», «Жонон бўламан деб», «Жонон келадур», «Айрилмасун», каби ашулаларни келтиришимиз мумкин. Мадали хофиз Раҳматуллаев, Болтабой Ражабов





ва Маматбува Сатторовлар ҳақи равишда «Катта ашула» мактабининг пири комиллари сифатида тан олинган. Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар дастлаб шу мактаб вакиллари ҳисобланиб, 1950 йилларгача биргаликда — ҳамнафас бўлиб фаолият юритганлар. Кейинчалик Жўраҳон Султонов Ўзбекистон радиоси қошидаги мақомчилар ансамблида, Маъмуржон Узоқов эса бир неча йиллар мобайнида Муқимий номидаги Ўзбек Давлат музыкали драма ва ҳажвия театрида

қа шаҳарлардан ҳам машҳур санъаткорлар таклиф қилинади. Ўтмишда Тошкентдан машҳур ҳофиз Муллаўйчи Тошмуҳаммедов, хўжандлик Содирхон ҳофиз, Маъруфхўжа Баҳодиров, Андижондан Орифгармон Тошматов, Қўқондан Эркақори Каримов ва бошқа ҳофизлар ушбу анжуманда қатнашганлари маълум. Бу йиғинда санъаткорлар ўртасида қизиқарли ижодий беллашувлар, ашулапазликлар бўлиб келган. Бундай анжуманни томоша қилгани минглаб кишилар

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз маданияти, санъати ривожига янада катта эътибор берилди. Турли кўрик-танловлар, муסיқий анжуманлар ўтказилгани сўзимизга далил. Ана шундай тadbирлардан бири — Маъмуржон Узоқов номидаги ёш хонандалар 1-2-3 — Республика кўрик-танлови 1997-1999-2001 йиллар мобайнида, санъаткорлар шаҳри Марғилонда ўтказилди. Ушбу танловда Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келган, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган юзлаб

# САНЪАТКОРЛАР ШАҲРИ

ашулачи-актёр, сўнгра Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев раҳбарлик қилган ўзбек миллий эстрада ашула ва рақс ансамблида яккахон ҳофиз сифатида фаолият кўрсатган. Маъмуржон Узоқов ижодининг энг гуллаган даври ана шу эстрада ансамблида ишлаган кезларига тўғри келади.

Ушбу мумтоз ҳофизларимиз бошқа юрт санъаткорлари билан ҳам биргаликда ижодий ҳамкорлик қилиб, Фарғона йўлларида ташкари Хоразм, Бухоро каби воҳа ашулаларини маромига етказиб ижро этганлар. Бу тўғрида хоразмлик устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳожихон Болтаев шундай деган эди: «Жўраҳон, Сиз Хоразм йўлларидаги ашулаларни биздан ўрганасиз-да, уни пардозлаб, ясантириб, янада жозибали қилиб ижро этасиз. Биз бунга тан бермоқдамиз».

Мумтоз ҳофизлар ўз санъатларини турли халқ сайилларида, концертларда, тўйларда, халқ олдида намойиш қилганлар. Шу ўринда ўтмишдан Марғилонда ҳар йили ўтказилиб келинаётган, анъанага айланиб қолган санъаткорлар йиғинини айтиб ўтиш жоиздир. Ҳар йили баҳорда Марғилон яқинидаги «Хўжамағиз» сайилгоҳига барча санъаткорлар тўпланадилар ва бу ерда ўз ижодларини намойиш этадилар, ушбу анжуманга ҳатто бош-

тўпланганлар, санъаткорларнинг серфайз чиқишларини олқишлаб турганлар.


Ўтмишдаги машҳур ҳофизлар ва уларнинг бетакрор санъатларини кейинги йилларда марғилонлик иқтидорли ашулачилар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шокиржон Эргашев, хушовоз хонандалар Иброҳимжон Исҳоқов, Мусожон Орипов, Ботирали Юсупов ва аёл ашулачилардан Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова кабилар давом этириб, эл-юртга беминнат хизмат қилиб келдилар. Ушбу анъанани — устоз ҳофиз ашулачиларнинг йўлларини ҳозирги кунда ҳам давом эттириб келаётган иқтидорли, навқирон ва ёш санъаткорлар борки, улар билан барча марғилонлик ҳамшаҳарлари ҳақли равишда фахрланадилар. Ўзининг ноёб ва жозибали овози, сермаҳсул ижоди билан ўзбек санъатини жаҳонга танитаётган Юлдузхон Усмонова, Илҳомжон Иброҳимов, Камолидин Раҳматов, устоз, хушовоз хонандалар ака-ука Кўпайсинжон ва Имяминжон Қирғизовлар, Каримжон Раҳматов, Райимжон Холбеков, ёш хонандалар Аъзамжон Аҳмадалиев, Нуриддин Асқаров, Абдуҳаким Ортиқов, Мўъсинжон Раҳмонов, Комилжон Азимов, Юлдузхон Абдуллаева ва бошқалар шулар жумласидандир.

иқтидор эгалари қатнашдилар. Анжуманлар тантанали тарзда ўтди. Марғилон шаҳрининг маданият ва истироҳат боғида ўтказилган бу кўрик-танловнинг ҳар бирига минглаб томошабин-шинавандалар йиғилдилар ва ҳофизларнинг ҳар бир чиқишларини олқишлаб турдилар. Хонандаларнинг ижроларини ҳайъат аъзолари — Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Сайиджонов, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор ва созанда Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, устозода, бастакор ва созанда Мамасиддиқ Мадалиев ва бошқа шоиру олимлар баҳолаб бордилар. Ушбу мисолдан ҳам кўришиб турибдики, Марғилон шаҳри ҳозирги кунда ҳам ҳақиқий санъат марказига айланиб бормоқда.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйига атаб қурилиш, ободонлаштириш ишлари қизгин давом этаётган ҳозирги кунда марғилонлик санъаткорлар ҳам ушбу тантананага атаб янги-янги ижод намуналарини тайёрламоқдалар.

**Аъзамжон УМАРОВ,**  
ФарДУ доценти, Ўзбекистон  
халқ маорифи аълочиси.

**Ҳамдамжон УМАРОВ,**  
ФарДУ ўқитувчиси.



**Республикамизда иқтисодиёт фанининг тараққиётига ўзларининг муносиб ва салмоқли ҳиссаларини қўшиб келатган ва бу соҳада оламшумул мўъжизалар яратишга қодир бўлган ўта камтарин ва меҳрибон ўзбек олимларимиздан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Саидахрор Саидахмедович Гуломов айни шу кунларда ўз умрларининг 60 баҳорини қаршиламақдалар.**



Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган Саидахрор Гуломов 1964 йилда ўрта мактабни «аъло» баҳога тугатган. 1969 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институти имтиёзли диплом билан муваффақиятли тавомлагандан сўнг, мазкур институтнинг «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида тадқиқотчи-шогирд лавозимига ишга қолдирилди.

1970-1973 йилларда Г. В. Плеханов номидаги Москва Халқ хўжалик институтининг кундузги бўлими аспиран-

нинг бевосита раҳбарлигида 50 дан зиёд докторлик ва номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинган.

Академик Саидахрор Гуломов республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтишига бағишлаб, «Бозор иқтисодиёти ва жамиятни ахборотлаштириш», «Бозор иқтисодиёти ва ишбилармонлик», «Бозор иқтисодиёти моделлари», «Ижтимоий ўналтирилган бозор иқтисодиёти», «Кичик ва хусусий тадбиркорлик асослари» каби йурик илмий асарлар яратди. Гуломов бозор иқтисодиё-

## ЗАБАРДАСТОЛИМВА

ти бўлиб, 1973 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1973-1980 йилларда Тошкент Халқ хўжалик институтининг «Иқтисодий кибернетика» кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган.

1980-1981 йилларда М. В. Ломоносов номи Москва Давлат университетида катта илмий ходим лавозимида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1982-1988 йилларда Тошкент Халқ хўжалик институтида профессор, декан, ўқув ишлари бўйича проректор вазифаларида ишлаб келди. 1988 йилдан ректор лавозимида 10 йил сикқидилдан ишлади.

1992-1995 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутаты Саидахрор Гуломов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 июлдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги этиб тайинланди ва у 2004 йилгача шу лавозимда фаолият кўрсатди.

2003 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» фонди раиси лавозимида сайланган Гуломов 2004-2006 йилларда (ТДИУ) ректори лавозимида ишлади. 2006 йил февралдан эътиборан ҳозиргача (ЎЗР) ФА вице президенти лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Саидахрор Гуломов ўзининг илмий, меҳнат фаолияти давомида 20 дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар, 30 дан зиёд монографиялар ҳамда 300 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этди. Унга 1991 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди.

1995 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди. Академик С. Гуломов-

тини компьютер-ахборотлаштириш технологиясига бағишланган кўплаб монографияларнинг («Экономика и информатика», «Современные информационно-коммуникационные технологии», «Фирма фаолиятини бозор иқтисодиёти шароитида моделлаштириш» ва бошқалар) муаллифидир. Академик Гуломовнинг «Экономическая теория», «Ижтимоий ўналтирилган бозор иқтисодиёти асослари», «Иқтисодиёт информатика», «Компьютер оламида», «Худудий тизимларни оптималлаш моделлари ва усуллари», «Ўзбекистон Республикаси: бозор иқтисодиётига ўтиш», «Микроиқтисодиёт» каби дарслик ва ўқув қўлланмалари олий ўқув юртларида мутахассислик бўйича асосий адабиёт сифатида фойдаланилмоқда. Гуломов томонидан Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим қониқчилиги яратилди.

Ўзига топширилган ҳар қандай лавозимда илмий, ижодий ва тадбиркорлик билан ишни ташкил қилади. ТДИУда Ихтисослаштирилган Илмий Кенгашга раҳбарлик қилиб, илм-фанга интиланган ёшларни муваффақиятли диссертация ҳимоя қилишларини самарали ташкил этмоқда. Академик Гуломов йурик ташкилотчи раҳбар ҳамдир. Унинг бевосита ташкилотчилиги асосида ТДИУга қарашли иқтисодиёт коллежи, академик лицей ва гимназия, «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Халқаро бизнес», «Халқаро туризм», «Иқтисодий информатика ва педагогика» факультетлари очилди. Республикаимизнинг олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, халқ хўжалигининг турли тармоқ ва соҳаларида фаолият кўрсатаётган иқтисодий мутахассисларнинг иқтисодий билимларини оширишга мўлжалланган Малака ошириш институти ташкил этилди.

Республикамызда биринчи бўлиб ТДИУ қошида «Бизнес мактаби», «Иқтисослаштирилган Олий бизнес мактаб» ларининг очилишига академик Саидахрор Ғуломовнинг хизматлари беқиёс. Академик Ғуломов талабаларнинг талабини замонавий ўқув ва илмий адабиётларга тўлароқ қондириш мақсадида Университет кутубхонасига 30 минг нусхадан ортиқ китоб совға этдилар. Иқтисодий йўналишларга мўлжалланган «Иқтисодиёт ва таълим» журналининг бош муҳарриридир.

У киши ректорлик даврида йирик қурилиш ва хўжалик ишларини амалга оширишга бош-қош бўлдилар. Жумладан, Университетнинг 14 қаватли маъмурий биноси, чет эл адабиётларига бой бўлган замонавий кутубхонаси иқтисодий факультетининг барча талабларига жавоб берадиган замонавий, шинам бинолари фойдаланишга топширилди.

ўқитувчиларининг қарийб учдан икки қисми чет элларда ўз малакаларини оширди. Ғуломовга Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг фахрий доктори унвони берилди. У Нью-Йорк ва Халқаро олий мактаб академияларининг ҳақиқий аъзоллигига сайланди.

Университет турли лойиҳалар ва фондларда (Жаҳон банкининг «Иқтисодий ривожланиш институти», Жаҳон Банки қошидаги Вена мактаби, Бирлашган Банклар ва молия ташкилоти (JBF), ТАСИС, TEMPUS, DAAD, ACCELS, ЕВРОСИЁ, СОРОС, ЖЕКА, Британия Кенгаши) иштирок этиш орқали 12 млн. АҚШ долларига яқин инвестиция келтиришга ҳисса қўшди. Бевосита Ғуломов бошчилигида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлиари билан АҚШнинг Нью-Йорк университети ўртасида халқаро ҳамкорлик дастури очилди, Германиянинг

технологиялардан дарс жараёнида фойдаланиш, таълим жараёнидаги замон талабига мос ўзгаришлар ҳам бевосита Ғуломов номи билан чамбарбас боғлиқдир.

У кишининг узоқ йиллик самарали фаолияти ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоналиб, «Меҳнат шуҳрати» ва «Халқлар дўстлиги» орденлари билан муносиб тақдирланди.

Забардаст олим ва меҳрибон устоз Саидахрор ака умр йўлоши Тошкент шаҳар Чилонзор тумани академиясининг муҳандис-иқтисодчиси Солиҳа опа билан бирга уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар. Ғуломовлар оиласининг тўнғич фарзанди Саъдулла Ғуломов юридик фанлари докторидир. Катта қизлари Умидахон Муҳиддинова-Иқтисодиёт коллежининг доценти ва кенжалари Дилоромхон Алматова иқтисодиёт бўйича номзодлик

# КАМТАРИНИНСОН

Университетнинг «Иқтисодчи» дам олиш зонаси қурилишида, Отчопар бозорининг яқинидаги «Москва» номи жамоа хўжалигидан ва Қоравул-бозордан 50 гектар ер участкалари профессор-ўқитувчилар ва хизматчилар учун дала-ҳовлилар сифатида ажратилишида академик Ғуломов бевосита раҳбарлик қилди, «Минводли» дам олиш зонасида университет профилактикаси қурилишининг бошланишига асос солди.

Академик Ғуломов ТДИУнинг йирик ва нуфузли чет эл университетлари билан узвий алоқа ўрнатишга катта ҳисса қўшди. Университетда В. Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали очилди. Бевосита академик Ғуломов бошчилигида Москва Давлат университети, Кембриж, Гарвард, Сарбонна, Буюк Британиянинг Ноттингем Трент университети, Вестминстер университети, Голландиянинг Фотис университети каби жаҳон миқёсида нуфузли олий ўқув юртлиари билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатилди. Бунинг натижасида 200 дан зиёд талаба хорижий давлатларда таълим олиб қайтишди. Университет раҳбарлари ва профессор-

Бавария ОВЦ менежерлар малакасини ошириш маркази ТДИУда очилди ва тингловчилар учун компьютерлар ва махсус ўқув дастурлари келтирилди.


Саидахрор Саидахмедович Ғуломов ректорлик лавозимида оширган тажрибаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги лавозимида муваффақиятли ишлашига замин бўлди. Ўзбек тилида ўқув адабиётларининг етишмаслиги ва талабаларни илмий адабиётлар билан таъминлашда энг оқил йўлни танлаш ҳам вазирнинг номи билан боғлиқ. Вазирлик бўйича барча фанлардан маъруза матнлари тайёрлаш, ҳар бир талабага етказиш, кутубхоналарда камида 10 та нусхасининг бўлишига эришиш, кейинчалик улар асосида ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратиш амалга оширилаётган улкан тадбирлар сирасига кирди. Кутубхоналар фаолиятини мукаммаллаштириш, компьютерлар орқали халқаро «Internet» тармоғидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнининг «фаол» қисмини ривожлантириш, факультет деканлари ва кафедра мудирилари, профессор-ўқитувчилар фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илгор педагогик

диссертациясини ёқлаш арафасидадир.

Саидахрор Саидахмедович Ғуломов ўзларининг илмий-педагогик, ижтимоий-сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятлари давомида нафақат кадрон университетлари, балки республикамыздаги бошқа олий ўқув юртлиари ҳамда хорижий университетлар профессор-ўқитувчилари ва зиёлилари орасида ҳам катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиб келмоқдалар. Дарҳақиқат, қирқ йиллик илмий-педагогик фаолиятлари давомида илм-фан соҳасида бу қадар салмоқли ютуқларга эришиш, мураббийлик ва раҳбарлик ишларида ишлаш, шогирдлари ва ҳамкасбларининг чуқур ҳурматларига сазовор бўлиб, кексаликка етишиш чин бахт.

Меҳрибон устоз, камтарин инсон ва самимий маслаҳатгўй, баракали ижод соҳиби Ғуломов каби ўзбек зиёлиларимиз билан ҳақли равишда фахрланганимиз ҳолда, уларга изланишлар ва барча мақсадлари йўлида яна ҳам узоқ умр тилаймиз!

**Суннатилла РИЗАЕВ,  
ТДИУ профессори**



# ОҒАРИН, ЖАҲОНГИР

**Ж**аҳонгир Иброҳимов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» унвонига сазовор бўлди. Бу хабар ажойиб мусиқачи тўғрисида ўз дил сўзларимни изҳор қилишга ундади.

Биз Жаҳонгир билан Тошкент Давлат консерваториясида виолончель классига бўйича иқтидорли педагог Илёс Иброҳимов курсида таҳсил олганмиз. Жаҳонгир шундоққина кўз олдимда бетимсол ижодий шахс сифатида такомил топиб улкан мусиқачи, доно педагог, фаол жамоат арбоби

айланди. У виолончелистларнинг Республика танлови, Минтақалараро ва собиқ иттифоқ танловлари лауреати.

Жаҳонгир мусиқачи касбини жон-дилидан севадиган, ўз устидан тинимсиз ишлайдиган виолончелист, Петербург виолончель мактабини битирган устози И. Иброҳимовнинг ижрочилик ва педагогик анъаналари давомчиси ҳамдир. Жаҳонгир талабалик йилларидаёқ ўзининг ҳавас қиларли тиришқоқлиги билан ажралиб турарди, бинобарин, у тинимсиз виолончелда шуғулланарди. Уни кўпинча эски Консерваториянинг

учинчи қаватида спорт залининг ёнидаги зинапоя майдончасида виолончелда шуғулланаётганлигини кўриш мумкин эди. Биз ҳар доим мутахассислик бўйича машғулотларда қатнашиб, бир-биримизни тинглардик, шу тариқа касб маҳоратимизни оширишга ҳаракат қилардик.

И. Иброҳимов классига доим жуда кўп талаба қатнашарди, машғулотларда кўтаринки ижодий руҳ ҳукмрон бўларди: танлов, концерт, имтиҳонларга биз доим баҳамжиҳат тайёрланардик. Аудитория иккинчи «уй»имизга айланганди. Жаҳонгирнинг фаолиятларини гапиратуриб, унинг устози, Илёс Иброҳимов таърифни келтирмасликнинг иложи йўқ. Илёс Иброҳимов номи билан Ўзбекистонда виолончель мактабининг ривожига, камончали, камер ансамбли ижрочилик ва мусиқа таълими тарихи чамбарчас боғлиқ. И. И. Иброҳимов Санкт-Петербургда юқори малакали педагог-профессорлар Э. Г. Фишман ва А. Я. Штримерлардан таълим олди. Тошкентга қайтиб келгач, унинг фаол педагогик, ижрочилик ва жамоат ҳаёти бошланади.

Илёс Иброҳимов ўзининг 30 йиллик иш фаолияти давомида виолончель ва камер санъатини юксак профессионал даражага кўтар



ди. Устоз барча талабаларга камоли эҳтиром ва ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлар, уларнинг истеъдодини намоён қилиш учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қиларди.

Улар орасида Жаҳонгир Иброҳимов ҳам бор эди. Унинг «Концертино Прага» (1967 й) Халқаро танлов лауреати, Камер ансамбллари Республика танлови лауреати бўлиши ҳам устозининг беиннат меҳнатлари маҳсулидир. Жаҳонгир фақат виолончель асбобида эмас, балки таркиби жиҳатдан хилма-хил бўлган камер ансамблларида ҳам қатнашади. У кенг қамровли фикрлашга, умуман, мусиқанинг кенг кўламини тушунишга ҳаракат қиларди. Жаҳонгир Иброҳимов 1975 йили Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясини битирди. Битириш имтиҳонларига фавақулдда мураккаб дастур тайёрлади:

1. И. С. Бах — 6 рақамли сюита — ре мажор.
- Прелюдия
2. С. Прокофьев — Концерт — симфониялар.
3. Дж. Фрескобальди — Токката.
4. Ўзбек халқ куйи — «Чаман ялла», виолончель учун Жаҳонгир Иброҳимов қайта ишлаган.

Концертмейстерликни профессор Илём Иброҳимов бажарди.

Мутахассислик бўйича давлат имтиҳони 1975 йилнинг майида бўлди. ДАК раиси Москва Давлат консерваториясининг профессори Д. Г. Григорян эди. У Жаҳонгир Иброҳимов ижросини жуда юқори баҳолаб, уни Москва Давлат консерваториясида ассистентура — стажировка ўташига тавсиянома берди! Лекин, афсуски, оилавий шароити туфайли у Москвага бора олмади.

Жаҳонгир Иброҳимов оркестр солисти, ансамбль концертмейстери ихтисослигини олгач, фаол ижодий фаолиятини бошлади.

1971 йилдан у Р. Глиэр номидаги мусиқа мактабида муаллим, 1976 йилдан эса мусиқа бўлими илмий мудири этиб тайинланди, шу даврнинг ўзида Тошкент Давлат консерваториясининг камер мусиқа кафедрасида концертмейстер бўлиб ишлай бошлади. 1986 йили эса Жаҳонгирни ТДК нинг халқ чолғу асбоблари кафедрасига ўқитувчиликка чақиришди.

1993 йили Жаҳонгир Иброҳимов доцентлик илмий унвонини олди, 2004 йилдан эса профессор вазифасида ишлай бошлади. Шу давр мобайнида у бас — кобус ва виолончель бўйича 50 дан ортиқ шогирд тайёрлади. Унинг шогирдлари орасида ўндан ортиқ Республика ва халқаро танлов лауреатлари бор.

Иброҳимовнинг шогирдлари мамлакат мусиқа ва концерт ҳаётида фаол иштирок этиб, соло, симфоник ва камер оркестрлари, радио ва телевидениеда чиқишлар қилишди.

Концерт дастуридан И. С. Бах, Г. Гендел, В. Моцарт, П. Чайковский, С. Рахманинов, С. Прокофьев, Д. Шостакович, Д. Кабалевский каби композиторларнинг асарлари ўрин олган. Шунингдек, виолончелчиларнинг репертуарида марказий ўринни Ўзбекистон композиторларининг асарлари олган. Жаҳонгирнинг энг иқтидорли шогирдлари Суннат Иброҳимов ва Дониёр Зупаров А. Дворжак, К. Сен-санс, П. Чайковский, Д. Кабалевский, Д. Шостакович асарларини оркестр жўрлигида маҳорат билан ижро этиб, тингловчилар олқишларига сазовор бўлишган.

Жаҳонгирнинг ўзи Андижон, Фарғона, Бухоро, Наманган, Россия, Литва, Латвия, Украинада концертлар берган. Унинг ижроси радиода ёзиб олиниб, грампластинка ҳам чиқарилган. У кўп марта Республика ҳамда халқаро танлов ҳайъати аъзоси бўлган.

2005 йили мусиқа бўйича 4-7-синфлар учун Оқилхон Иброҳимов билан ҳамкорликда дарслик яратди. Мазкур дарслик қардош халқлар — қирғиз, қозоқ, туркман, тожик тилларида ҳам нашр қилинди. Шунингдек, Жаҳонгир фикр — бас махсус классификация бўйича дастур яратган. 2002 йили консерваториянинг «Вопросы музыкального исполнительства и педагогики — II» тўпламида «Ёш созандаларни тарбиялашда танловларнинг аҳамияти» мақоласи босилди.


Буларнинг ҳаммаси Жаҳонгир Иброҳимовнинг кўп қиррали ижодий фаолиятдан дарак беради. Унинг ижодида педагогик фаолият ҳаётининг асосий мазмунига айланган. У ўз шогирдларига Санкт-Петербург виолончель мактаби аъёнларини синдиришга ҳаракат қилади. Жаҳонгир шогирдларидан аввало мусиқани юракдан тушунишни, услубий аниқликни ва техник маҳоратни талаб қилади. Шунингдек, мумтоз адабиёт ва мусиқага, айниқса, И. С. Бах асарларига муҳаббат туйғусини тарбиялашга тиришади.

«Орзуларингиз?» деган саволга Жаҳонгир Иброҳимов: «Иқтидорли ва маҳоратли шогирдларим кўпайса. Улар Республика ва Халқаро конкурсларда қатнашиб совринларни қўлга киритсалар. Озми-кўпми орзуларим ушалди. Шогирдларимдан хурсандман. Қилган меҳнатларим зое кетмади. Шогирдларим бутун дунёга танилдилар» — деб жавоб берди.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлган сафдошим, ажойиб қалб соҳиби, иқтидорли мусиқачи, Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган, ёш авлодни тарбиялашдек шарафли ишда ҳормай-толмай фаолият кўрсатаётган Жаҳонгир Иброҳимовга янгидан-янги ижодий парвозлар ва омад ёр бўлишини тилайман.

**Орзигул АХМАДИЕВА**





# БИНАФИШАЮ МУСАВВАРИМ

## УЧ

### ТАҚДИР

*Баҳор ям-яшил майсаларнинг ер бағрини тешиб чиқиб, теварак-атрофга яшил ёғду таратиши билан бошланади. Сунгра ариқ бўйларидаги майсалар орасидан бинафша-ю чучмомалар бўй чўзиб, чор атрофга ажиб бир уфор — баҳорнинг майин уфорини таратади. Майсалар... Турфаранг ва турфабўй гуллар... Баҳорнинг гўзал элчилари...*

*Бу илоҳий гўзалликни кўриб, кимнингдир кўнглида куйми, кўшиқми тугилади, кимнингдир кўнглида покиза ва эзгу туйғулар шалоласи жўш уради, аммо кимдир табиатнинг бу фусункор манзарасидан завқ-шавқ туймай, ям-яшил майсаларни ҳам, бинафшаю чучмомаларни ҳам кирза этиги билан пайҳон қилиб ташлайди.*

**XX аср бошларида дунёга келган ўзбек хотин-қизлари орасида шундай бокира ва мунисалар бўлганки, уларнинг азиз умрлари даврининг кирза этиклари остида мажақланиб ташланган. Биз ушбу мақолада шундай аёллардан уч нафарининг фожиали тақдир ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Бу уч аёлни ўзаро бирлаштириб турган нарса уларнинг ўзбек хотин-қизлари «Саодат» журналининг илк муҳаррирлари бўлганлигидир.**

**1924 йил 1 январдан чиқа бошлаган хотин-қизларнинг «Янги йўл» газетаси 1925 йил декабрида журналга айлантирилди. 1927 йилнинг декабрь ойидан 1930 йилга қадар «Янги йўл» журналига Тожихон Шодиева муҳаррирлик қилди.**

**Тожихон Шодиева деганда катта ёшдаги кўшиларнинг кўз олдига 30-йилларда ижтимоий фаолияти билан машҳур бўлган аёл келади. Чиндан ҳам, бирорта ўзбек аёли ўша йилларда Тожихон опадек эл-юрт ўртасида шўҳрат қозонган эмас. Унинг ҳасратли тунлари ва шавкатли кунлари Малик Қаюмовнинг ҳужжатли фильмида муҳра-нибгина қолмай, чех журналисти Юлиус Фучикдан тортиб қанчадан-қанча шоир ва ёзувчиларга илҳом берган. Аммо бу ажойиб аёлнинг**

ҳаётида саодатли кунлардан кўра кулфатли йиллар бисёр бўлган.

**Тожихон опа 1905 йилда Фарона шаҳрининг Янгичек маҳалласида умргузаронлик қилган Тошмат аканинг оиласида туғилган. Умри кўмир конида ўтган Тошмат ака билан 12 нафар болани катта қилган Рўзвон биби азбаройи муҳтожликда яшаганлари учун Тожихонни 11 яшар пайтида кўп хотинли табиб Ҳожи Шодиевга турмушга беришган. Ҳали кўғирчоқ ўйнашдан бошқа нарса билмаган қизалоқ шу йилларда не-не кулфатли кунлар, ойлари ва йилларни бошдан кечирмади. Бағритош эрнинг зулми, кундошларнинг жорлаш ва хўрлашлари унинг сабр косасини тўлдириб юборди. Аммо бу мушкул вазиятдан қутулишнинг йўлини топмади у. Кунларнинг бирида опаси Фаридида ва унинг Жамбил волости ижроия кўмитаси раиси бўлиб ишлаётган эри Қирғизбоев Тожихоннинг ҳол-аҳволини кўриб, уни Қизилқияга кўчиб борган ота-онаси бағрига олиб бордилар. Ёш ва хушбичим хотинининг қўлдан кетаётганини кўрган табиб Тошмат ака билан Рўзвон бибини авраб, Тожихонни Тошкентга олиб келади.**

**Буни қарангки, куни кеча табиблик орқасида кун кечирган ҳожи бир думалаб ЧК ходими бўлиб олган экан. Тожихон эрининг Тошкентдаги Ўлка фирқа-шўро мактабида дарс бераётганидан хабар топиб, ўзи ҳам шу ерда ўқишни истайди. Ҳожи мазкур мактабга паранжидида қатнаб, паранжидида ўтириб маърузалар тинглаш шарти билан хотинининг ўқишига розилик беради.**

**1921 йили Туркистон Мухтор Шўро Республикаси Хоразм Халқ Шўро Республикасининг 2-қурул-**

тойини ўтказиш учун Д.Ю.Гопнер бошчилигида делегация юборди. Делегация таркибида Шодиев ҳам бўлади. Шу йилларда фирқа-шўро мактабини тугатган Тожиҳон эри билан Хоразмга йўл олади. Делегация бир ойдан кейин Тошкентга қайтади. Аммо Тожиҳон эри билан Хоразмда қолиб, ёшлар ташкилоти қошидаги драма тўрагида фаол иштирок этади... Ўша йилнинг ёзида эри билан она юртига қайтган Тожиҳон яна кўпгина азоб-уқубатларни бошидан кечиради. Ниҳоят, вилоят хотин-қизлар бўлими мудир О.И.Ермакова ёрдамида у ижтимоий ҳаётдан ўрин олиб, тенгдошларининг озодини ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларга эришишлари йўлида жонбозлик кўрсатади.

1927 йил сентябрида Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон хотин-қизлари қурултойидан кейин кўп ўтмай, Тожиҳон Шодиева “Янги йўл” журнаliga муҳаррир этиб тайинланади. Шу йилларда журнал атрофида Мажид Усмонов, Раҳимали, Хосият Тиллахонова, Маҳбуба Раҳим қизи сингари истеъдодли ёшлар тўпланган бўлиб, журнал уларнинг ижодий меҳнатлари туфайли журналхонлар эътиборини қозонади. Аммо кўп ўтмай, республика раҳбарлари уни партия ишига таклиф этадилар. Тожиҳон Шодиева 1937 йил 27 сентябрда Молотов туманидаги МТС (Машина-трактор станцияси) сиёсий бўлимига раҳбарлик қилаётган пайтида “халқ душмани” деб қамоққа олинади. 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган собиқ муҳаррир жазо муддатини ўташ учун шўро давлатининг борса-келмас жойларидан бири – Магадандаги азобгоҳга юборилади. У шу ерда Хусайнхон Ниёзий, Элбек, Усмон



Хосият Тиллахонова



Собира Холдорова



Тожиҳон Шодиева

Носир сингари ватандошлари билан бирга азоб чекади.

“Янги йўл” (“Саодат”) журнаliga 1930 йилнинг май ойидан 1931 йилнинг июнига қадар муҳаррирлик қилган Собира Холдорова Тожиҳон Шодиевадан икки йил кейин, 1907 йили, Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган. Оила бошиги вафот этганидан кейин бир ўғил, икки қизни парвариш қилиш Нусрат биби Худойберди қизига осон эмас эди. Бир томондан, очарчилик, иккинчи томондан, ўзига тўқ кишиларнинг хурмача қилиқлари уни фарзандларини олиб Қўқонга кўчиб кетишга мажбур этади. Унинг бахтига, 1919 йили Қўқонда етим-есирлар учун интернат ташкил этилган эди. Нусрат биби шу интернатга жойлашиб, қизининг ҳам шу ерда ўқиб, тарбияланишига муваффақ бўлади. Собира интернатни тугатгач, муаллимларни тайёрлаш 6 ойлик курсида таълим олиб, Чорсудаги қизлар мактабида ўқитувчилик қилади. 1923 йилнинг августида эса олти нафар дугонаси билан бирга Тошкентдаги Ўлка хотин-қизлар билим юртига ўқишга боради.

«Билим юртида, — деб ёзган эди Собира Холдорова, — шеъриятга, хабар ва мақолалар ёзишга ҳавасманд ёшлар кўп эди... Ҳар ойда икки марта чиқадиган «Қизил кўнғироқ» деворий газетаси атрофида ана шу талантларнинг катта қисми уюшган эди. Ҳар куни кечга томон мушоиралар ўтказардик, ғазаллар ўқирдик, ўқиб чиққан адабий асарлардан фикримизда қолган хотираларни ўзаро муҳокама қилишардик. Бу мунозаралар бадиий маҳоратимизни оширишга ёрдам берарди».

1924 йили Собира Холдорова Туркистон автоном республикаси Хотин-қизлар шўъбасининг янги ташкил этилган «Янги йўл» газетасига муҳаррир этиб тайинланди. 1925 йил ноябрида ҳозирги “Ўзбекистон овози” газетасига ишга таклиф этилиб, хотин-қизлар бўлимини бошқарди. Собира газета муҳаррири Комил Алимов, муҳаррир ўринбосари Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Аъзам Аюб, Санжар Сиддиқ каби моҳир журналистлар ёрдамида дунёдаги энг мароқли касбнинг сирини синоатларини эгаллаб борди. 1926 йили эса у Москвага – Журналистлар институтига ўқишга борди. Айни пайтда Москвадан хабар ва мақолалар юбориб турди. 1929 йили Собира марказқўмнинг Хотин-қизлар бўлимига ишга олинди. Айни вақтда “Шарқ ҳақиқати” ва “Ишчи” газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. 1930-1932 йилларда марказқўмнинг хотин-қиз-

лар ва матбуот бўлимларига мудираллик қилди. Сўнгра «Янги йўл» журнаlining муҳаррири сифатида фаолиятини давом эттирди. 1931 йилнинг охирида эса яна қадрдон газетага қайтиб, бўлим мудираси ва муҳаррир ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.

Республика Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси ўринбосари Мўмин Усмоновнинг 1937 йил 20 сентябрда қамоққа олиниши хотини Собира Холдорованинг ҳам кейинги тақдирини белгилаб берди. У турмуш ўртоғидан икки кун фарқ билан қамоққа олиниб, инсон зоти чидаши маҳол бўлган хўрлик ва таҳқирликларни бошидан кечирди. Шўро давлати олдида заррача айби бўлмагани, бунинг устига руҳий хасталикка чалинганга қарамай, таниқли журналист 1940 йилда 5 йиллик қамоқ муддатини ўташ учун Ёқутистонга сургун қилинди. Бир томони, даҳшатли урушнинг бошлангани, иккинчи томони, хасталиги туфайли Собира Холдорова 1942 йили озодликка эришди. Лекин заҳарланган ҳаётининг сўнгги йилларини ҳам тинч ўтказиш имконига эга бўлмади. У 1949 йилда яна Тошкентдан чиқариб юборилди. Илк аёл муҳаррирларимиздан бири сўнгги кунлари мустабид тузум ваҳшийликлари туфайли руҳий хасталар касалхонасида кечди.

Хосият Тиллахонова... Не-не йигитларнинг тушларига кириб, қалбларига муҳаббатнинг ўчмас оловини ташлаган соҳибжамол... Истеъдодли шоира ва журналист... Машҳур маърифатпарвар ва истиқлолчи Салимхон Тиллахоновнинг синглиси...

1927-1928 йилларда хотин-қизлар билим юрти талабаларининг нафис йиғилишларида қатнашган Зарифахоним “Ойбегим менинг” китобида шу мафтунокор

аёл тўғрисида бундай сўзларни ёзган: “Раисликни кўпинча Хосият Тиллахонова адо этар эди. Ўрта бўйли, қомати жуда келишган, қорачадан келган, гоё гўзал аёл эди у. Хосият опа биринчи бўлиб паранжисини ташлади. Мен унинг байрам минбарларида қизгин нутқлар сўзлаганини ҳам эшитганман. Афсуски, жуда ёш вафот этиб кетган”.

20-30-йиллардаги турли давраларнинг гули бўлган Хосиятхон 1907 йили Тошкентнинг Девонбеги маҳалласида туғилган. Дастлабки маълумотини маҳалласидаги эски мактабда олган. Унинг 1932 йилда ёзилган мухтасар таржима ҳолида бундай маълумот берилган:

*“...Отамнинг касби ёшлигида бўз тўқувчилик, мардикорчилик, энг охири касби эски кулф ва тунукаларни тузатадиган кустар бўлган. Отам ёш чоғида ўлиб кетиб, онам жияк тўқиб мени боқди.*

*1919 йили шўро мактабига кириб, интернатнинг таъминотидан фойдаландим ҳам шу ўртада тарбиячи муаллим ва ўқитувчи бўлиб юрдим. 1924 йилнинг охири – 1925 йилларда Тошкент Эски шаҳар хотин-қизлар бўлимида мудира бўлиб ишладим, шу чоғда ярим-ёрти ёпиниб юрган паранжимни ташлаб, ёшлар ташкилотига кирдим... Ўз сиёсий савиямни ўстириш, шу билан янги ҳаёт қурилишига хизмат қилиш ниятида 1925 йилнинг охирида Коммунистлар дорилфунунига ўқишга кириб, уни 1927 йилда битириб, Самарқанд округкомининг қизлар раҳбари бўлиб ишладим. 1928 йилдан эътиборан «Қизил Ўзбекистон» газетасида хотин-қизлар бўлими мудираси, 1929 йилларда «Янги йўл» журналида масъул котиб бўлиб ишладим... 1930 йили журналга муҳаррир муовини, 1931 йилдан бошлаб шу журналнинг масъул муҳаррири бўлиб ишлаб келаман. Шу йилларнинг ҳаммасида ҳам ёш болалик бўлишимга қарамай, топширилган нарузкаларни қўлимдан келганча адо этиб келдим”.*

Айрим манбаларда Хосият Тиллахонованинг 1919 йилда Ўлка хотин-қизлар билим юртида, 1920-1923 йилларда эса Хотин-қизлар маориф институтида таҳсил кўргани айтилган. Х.Тиллахонова шу йилларда ўқиш билан бирга педагогик фаолият билан ҳам шуғулланган. Чунончи, у 1923-1925 йилларда Зебуннисо номидаги мактабда дарс берган. 1928-1929 йилларда ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида хотин-қизлар бўлими мудираси, 1935 йилдан умрининг охирига қадар Тошкент Тўқимачилик комбинатининг кўп нусхали газетасида муҳаррир бўлиб хизмат қилган.

Хосиятхон 1923 йилдан бошлаб шеър ёза бошлади. Унинг шеърий истеъдоди ўзи ташкилотчиси ва муҳаррирларидан бўлган «Янги йўл» журналидаги фаолияти давомида тансиқ меваларини берди. Ёш шоиранинг шеърлари «Қизил Ўзбекистон» газетаси, «Янги йўл» ва «Аланга» журналлари ҳамда ёш шоираларининг «Интилиш» тўпламида эълон қилинган. Хосиятхоннинг шу нашрларда чоп этилган шеърлари ҳамда «Орзу» ва «Хумор» дostonларида эркин нафас олиш, ўқиш ва халққа хизмат қилиш мақсади билан яшаган тенгдошларининг руҳий олами ўз ифодасини топган. Чунончи, унинг 1923 йилда ёзилган «Интилиш» шеъри бундай сатрлар билан бошланган:

*Ёзлик кечанинг салқинларини,  
Умид юлдузининг ёлқинларини,  
Ўртоқларимнинг қалқувларини  
Кўпдан бери мен кутиб тураман...*

Ўзбек қизларига бағишланган «Баҳор» шеъри эса бундай сатрлар билан ақулланади:

*Садафдек оқ қорлар ўйноқлаб кетдилар,  
Кумушдек сувлари далани босдилар.  
Замҳарир совуққа розилик бермаган  
Баҳорнинг энг гўзал чоғини пойлаган  
Эргаш ҳам далага севиниб кетади,  
Ҳар кетмон изидан олтинлар кутади.*

Хосиятхоннинг шеърларидаги бундай майин мавжлардан шоиранинг лагиф овози эшитилгандек, шоира қалбининг нозик туйғулари оқайтгандек бўлади.

Хосият Тиллахонова 1934 йилга қадар «Янги йўл» журнаliga муҳаррирлик қилди. Шу вақтда журналнинг ҳам, муҳаррирининг ҳам обрў-эътибори ошди. Аммо 1935 йилда, бизга номаълум сабабларга кўра, у ишдан олиниб, маҳаллий аҳамиятга эга газетга муҳаррир этиб тайинланди. 1937 йилда эса у бахтсиз ҳодиса орқасида ёруғ дунё билан видолашди. Юқорида тилга олинган таржимаи ҳолнинг охирига турмуш ўртоғи Арслон қори Валиевнинг қўли билан бундай сўзлар ёзилган: «1937 йилнинг 12 августида ҳомилдорлик сабабли тўсатдан вафот этди».

Ким билади, балки бу бахтсиз ҳодиса истеъдодли шоира ва журналист аёлни бундан ҳам мудҳиш ҳодисалардан, даврнинг кирза этиклари остида мажақланишдан сақлаб қолгандир.

Биз ҳикоя қилган «Янги йўл» – «Саодат» журналининг дастлабки муҳаррирларидан иккитаси – Собира Холдорова билан Хосият Тиллахонованинг туғилганига бу йил роппа-роса 100 йил тўлади. Улардан бир-икки кўйлакни ортиқ йиртган, ўлимларни доғда қолдириб, 50-йилларнинг ўрталарида она юртга соғ-омон қайтиб келган, эркин ҳаётдан узилган йиллари учун ҳам кеча-кундуз тер тўкиб, Марғилонда боғдорчилик-узумчилик хўжалигини ташкил этган Тожиқон Шодиевнинг таваллудига эса бундан икки йил аввал бир аср бўлган эди.

Ўз халқининг эркин ва бахтли яшашини, мамлакатининг озод ва фаровон бўлишини орзу қилган бу уч ажойиб аёлнинг охираги обод бўлсин.

**Наим КАРИМОВ**

2003 йилда “Golden-Hill” ресторани каминани ишлаб чиқариши мудири лавозимига таклиф этишди. У ерда ишлаган давримда шу ресторанининг қурилишидан бошлаб ташкил этилишигача ўзининг маслаҳати ва хизмати билан ҳиссасини қўшиб келган ошпаз-кабобпаз Абдусаттор Самадов билан ҳамкорликда ресторани очдик. Шу вақт давомида бу йигит ўз ишига содиқ-тиришқоқ эканлиги намоян бўлди ва менда ўзига нисбатан яхши таассурот қолдирди. Ресторанининг очилиши кунига дастурхон беазаги учун қовун, тарвуз, қовоқ ва сабзавот-мевалардан шакли гуллар ўйиб тортиқ қилдим. Менинг бу санъатимга қизиқиб қолган Абдусаттор шу санъат турини ўргатишимни ва шогирдликка олишимни илтимос қилди. Унга бу жуда оғир меҳнат ҳамда сабр-тоқат ва матонат талаб этишини уқтирдим, ундан ташқари озгина бўлса-да наққошлик ва заргарлик санъатидан ҳам хабардор бўлиши лозимлиги ҳақида айтдим. Абдусаттор бу машаққатларга сабр-тоқат ва қунт билан киришди.


Унга сабзавотлардан гулларни, қовун-тарвузларга гуллар тушириш, қовоқдан гулдон ясаш йўлларини ўргатдим. Ўз касбига қизиқувчан бу йигит ҳунарни жуда оз вақт ичида ўзлаштириб олди. Кейинги йилларда у дунё миқёсига чиқиб ўзбек пазандаларининг нимааларга қодир эканлигини намоян этди.

А. Самадов 2004-йилда Халқаро “Тасанно” кўрик танловида қатнашиб “Гран при” соҳиби, 2005-йилда Тошкент шаҳар пазандалар кўрик танловида Кумуш медал соҳиби бўлди. 2005-йилда эса ЮНЕСКО томонидан ўтказилган “Бойсун баҳори” фестивалида диплом билан тақдирланди. 2006 йилда Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган Халқаро ЕВРО-ОСИЁ Кулинария фестивалида бронза медал соҳиби, 2007-йилда эса Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган Пазандалик фестивалида бир йўла уч ўринни эгаллади, — олтин, кумуш, бронза медаллар олиб, Гран-при соҳиби бўлди.

Бу фестивалда дунёнинг 34 та давлатидан 500 дан ортиқ пазандалар иштирок этишган эди. Бу пазандалар ичида ўзбек пазандаси тарихда илк мартаба юқори ўринни олиб, Гран-при соҳиби бўлди. Бу Ўзбекистон учун катта шараф ва ифтихордир. Мен шогирдим Абдусатторнинг пазандачилик санъатига ривож, хонадонига тинчлик, файз-барака, турмушига фаровонлик ва бахт-саодат тилайман.

**Суннатилла СУЛАЙМОНОВ,**  
Ўзбекистон Пазандалар  
Ассоциацияси бош мутахассиси








Накурт қишлоғи.  
Ўзбекистон халқ шоири,  
Ўзбекистон қаҳрамони  
Абдулла ОРИПОВ шоир  
Азим СУЮН ўқиган  
мактаб меҳмони





Шарқ адабиётида тазкиранавислик узоқ анъанага эга. Авфий Бухорийнинг «Лубоб ул — албоб»и (XIII аср), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро»си (XV аср) бу борада яратилган эътиборли асарлардандир. Лекин ушбу тазкиралар форс тилида битилган эди. Туркий тилда битилган илк тазкира Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридир. Улуғ мутафаккирнинг ушбу асарини тил, ҳажми, услуб ва материал жиҳатидан давом эттирган тазкира Ўрта Осиё тарихи ва адабиётининг катта билимдони, таниқли маърифатпарвар олим Пўлатжон домулла Қайюмов (1885-1964)нинг «Тазкираи Қайюмий»сидир.

Асарнинг мазмуни ва ундаги адиблар яшаган жуғрофий доира кенг бўлиб, умумтуркий адабиётнинг улуғ намояндаларидан Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий ва Алишер Навоийдан тортиб, тазкира битилаётган пайтгача (XX асрнинг 60-йиллари) яшаган шоирлар ижодини ҳам қамраб олади.

«Тазкираи Қайюмий»нинг манбалари сифатида Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», Қори Раҳматуллоҳ Возеҳнинг «Тухфат ул —

аҳбоб фи тазкират ул — асҳоб», Афзал Пирмастийнинг «Афзал ул — тезкор фи зикр ул — шуаро вал — аншор», Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон», Садриддин Айнийнинг «Намунаи адабиёти тожик», «Баёзи маҳаллий»(1915), «Баёзи Маҳдий» (1915), «Совгаи Хислат» (1913) каби баёз, тарихий асар, хотира ва ўз даври газета-журналларни кўрсатиш мумкин.

Илмийлик, далиллаш услуби ва теран мушоҳадалар билан етарлича хулосалар қилиш — тазкиранинг бош мезонидир.

# «ТАЗКИРАИ ҚАЙЮМИЙ»ДА

## РАШИДИЙ

Тазкирада «бу шоир тўғрисида маълумотга эга эмасмиз... 1911 йили босдирилмиш Хислатнинг «Баёзи маҳаллий»сида бу киши Рашидий, деб кўрсатиладирки, бул тарихда бўлмагандур» дейилади.

Рашидий — Султон Абдурашидхон (1510-1560)нинг адабий тахаллуси бўлиб, у Султон Саидхоннинг катта ўғлидир. Абдурашидхон Андижон шаҳрида дунёга келган. Болалиги ва ўқиш йилларини Фарғонада ва амакиси Бобуршоҳнинг Кобуддаги қароргоҳи ўртасида ўтказган. Ёркент хонлиги (1514-1680) тиклангандан кейин Ёттисув ва Оқсув райони волийси бўлган, милодий 1533 йили Ёркент хонлиги тахтига ўтирган.

Шоҳ Маҳмуд Журас (1620-1698) давом эттириб ёзган «Тарихи Рашидий»да ва мулло Мусо Сайрамий (1836-1917) «Тарихи Ҳамидий»да «Султон Абдурашидхон... фозил шоир бўлиб, форсий ва туркий назмларни яхши айтур эди» дея маълумот берган. Тадқиқотларга кўра, Абдурашидхон «Девони Рашидий» номи шеърлар девони тузган. Аммо девони бизгача етиб келмаган.

Рашидий нақшбандия тариқатининг содиқ муриди бўлиб, шоирнинг:

*Эй Рашидий, бўлмағил мағрур жаҳон гулзорига,  
Қайси гулшаннинг гули нотавони пеш эмас.*

Мақтаъли вазалида худди шу руҳ кучли ифодалангани билан ажралиб туради. Форсий вазалининг ҳозиргача сақланиб қолган қуйидаги байтида ёр гўзаллигини жозибали ўхшатиш воситасида таъсирчан тасвирлаб беради:

*Гар қадатро сарве гўям сарверо рафтор нест,  
Гар лабатро фунча хонам, фунчаро гуфтор нест.*

*(Гар бўйингни сарв десам, сарвнинг йўқ юрмоғи,  
Гар лабингни фунча десам, фунчанинг йўқ гапурмоғи).*

Абдурашидхон ҳукмронлиги даврида адабиёт ва санъат равнақиға катта ҳисса қўшган.

## АРШИЙ

Тазкирада «Бу шоир қайдан ва қачон ўттани тўғрисида бирор маълумотга эга эмасмиз» деб кўрсатилган. Шоирнинг асл исми Хўжа Жаҳон (1685-1755) бўлиб, Арший унинг адабий тахаллусидир.

Хўжа Жаҳон даставвал Хўжандада, сўнгра эса Самарқанд билан Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. «Қоратовлик» хўжаларнинг сардори Дониёл хўжанинг

**«Асарда ҳаёти ва ижоди ҳақида аниқ ёки тўлақонли маълумот берилмаган шоирлар озчиликни ташкил этади. Аммо буларда ҳам Қайюмийнинг шоирлар хусусида маълумот бериш учун қанчалик эътибор билан тинимсиз изланганлиги аниқ акс этади». Эътиборга лойиқ томони шундаки, Қайюмий ўзига анчайин нотаниш шоирлар ҳақида «Биз ўртага қўямиз, адабиёт аҳллари тўлдирурлар», деб умид этган. Худди мана шу нуқтаи назарни кўзда тутиб, тазкирага киритилган бир неча уйғур классиклари ҳақида сўз юритилади.**

шоир ўғли — Футуҳий ҳам бор эди. Замонасининг улкан шоири Залилий бу фожеа муносабати билан шеърий таърих битган. Унда Бурҳониддинни қоралаб, Аршийга бўлган чуқур муҳаббати ва бу фожеадан қаттиқ ларзага тушганини ифодалаган.

Арший ҳаётининг жуда тифиз ва таҳликали дамларида ҳам ижод қилишдан тўхтамади. Шоирнинг айрим шеърлари «Тазкираи Азизон» билан «Баёз» (1813 йилларда Қумул Ванг ўрдасида тузилган) да сақланган. «Девони Арший» 1995 йили Урумчида чоп этилган. Яна бир де-

*Олам ичра тўрт бозори аносири кезиб,*

*Бор халойиқ гавҳаридек бир жилое топмадим...*

Ундан ташқари, шоирнинг «Айлади охир ишин» деб бошланадиган мусаддасида ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалаларининг кенг ёритилиши Арший ижодини характерловчи реалистик шеърият намунаси.

### ЗАЛИЛИЙ

Тазкирада арабча «хорликнинг энг тубани» деган маънони билди-

## КОШҚАРЛИК АДИБЛАР ЗИКРИ

ўғли бўлиб, 1736-1756 йилларда Кошғарда ҳокимият юргизган. Унинг даврида раият осойишта бўлиб, маданият ва адабиёт гуллаб яшнаган. Масалан, Аршийнинг ташаббуси билан «Сияри шариф», «Тарихи анбиё» сингари китоблар арабий ва форсидан туркийга ўтирилган. Таниқли олим Муҳаммад Содик Кошғарий (1725-1849) «Тазкираи Азизон»да «ҳазрати Хўжа Жаҳон хўжам подшоҳ ҳамма вақтда умурларини олим ва солиҳлар била ўтказар эди. Шунга баъзилар унинг даврини Султон Хусайн мирзонинг вақтига ташбеҳ қилур эрдилар» дея ёзган, кейин Кошғарда Жўнғор қалмоқларининг ҳомийлигида Офоқхўжанинг невараси, «оқтоғлик»ларнинг сардори Хўжа Бурҳониддин ҳокимиятни эгаллагач, 1755 йили Хўжа Жаҳон Арший бутун оиласи билан қатл қилинган. Афсуски, бу қирғинда Аршийнинг


вони ҳозирда Тожикистон ФАШИ қўлёзмалар фондида № 2227 / II инвентар рақам остида сақланади.

Арший Шарқ классикларидан Абдураҳмон Жомийга назира, Машрабга татаббуълар бовлаган. У бир ғазалида:

*Диёри назм аро шоҳлик  
Навойи гарчи кам сурди,  
Ғадо Аршийму ҳам сўз мулкида  
Йиллар қадам сурди —*

дея ёзиб, бир томондан, ҳазрат Навойига ҳурматини ифодаласа, иккинчи томондан, фахрия қилади. Замонасига кўра, Арший кенг авомнинг кўз ўнгида ҳукмрон бўлса-да, шоир сифатида назмларида пантеизм фалсафасини илгари сурган. Оламни тўрт унсурдан шакланган, деган дунёқараш шоирнинг ашъорларида тасаввуфдаги «вахдати вужуд» ва гуманизм — инсонпарварлик ғоялари билан уйғундир.

рувчи сўзни ўзига нисбат бериб «Залилий» деб аташни ихтиёр этмишдурки, бу тасаввуф аҳли характеридур. «Уйғуристон томонда нашъу намо этмиш» ва «қашқарли шоир жуда кучли ва хушоҳанг туркий шеърлар сўзламишдур», дея таърифланган мазкур адибнинг асл исми Муҳаммад Сиддиқ бўлиб, XVIII аср уйғур реалистик шеъриятининг йирик намояндаси ва кўп асрлик туркий адабиёт анъаналарини муносиб давом эттирган оташнафас шоирдир. Пўлатжон домулла туркман шоири Залилийдан бошқа шу тахаллусдаги бир истеъдодли шоирни кашф қиладиларки, домулланинг тадқиқ этиш усулидан ибрат олса арзийди, дея ёзади профессор Насимхон Раҳмонов китобнинг сўзбошида. П. Қайюмов тазкирада Амир Умархоннинг Залилий ғазалига тахмис ёзган вақти билан туркман шоири Залилий



ижоди даврини қиёслаб ўрганиш орқали Гурбандурди (туркман шоири Залилийнинг асл исми)нинг улар орасида 30 йилдан ортиқ тафовут борлигини аниқлаган.

Дарвоқе, Муҳаммад Сиддиқ Залилий (1676-1755) Кошғарияда, Гурбандурди (1798/1800 — 1853/1854) Туркменистонда нашъу намо этган бўлиб, ўртадаги фарқ Пўлатжон домудла тадқиқотининг тўғрилигини, унинг зукко билимдон эканлигини исбот қилади.

Муҳаммад Сиддиқ Залилий ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шоир замонасида шарқ мумтоз шеърятининг улкан вакиллари қаторида машҳур бўлиб, шеърлари кенг тарқалган. Тазкирада келтирилишича, Залилий девони билан ўша давр Фарғона шоирлари яхши таниш бўлган. Умархон «Тайёр» радифли ғазалига, Нодира, Маҳмуд қорилар ҳам Залилий ғазалларига мухаммас боғлаган, назира ва татаббулар ёзган.

Тошкентда чоп этилган «Тухфат ул — Обидин», «Баёзи Муқимий» ва «Девони Маҳмуд қори» каби тўпламларга шоир ижодидан намуналар киритилган. Шу боис, Пўлатжон домудла қўлёзма баёзларда Залилийнинг кўплаб шеърлари учрашини, қўлида унинг бир неча шеърлари борлигини қайд этган.

Залилий соф туркона услубдаги лирикасида ошиқона ва суфиёна руҳиятни ифодалаган. Шарқнинг буюк мутасаввиф ва мутафаккирларидан Увайс Қараний, Мансур Ҳаллож, Боязид Бистомий, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбандий, Қосим Анвор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Бобораҳим Машрабларни такрор-такрор тилга олган. Катарсис (руҳий покланиш) ва комиллик мақомига эришиш учун ўн йил сафар қилган. Борган жойларини «сув сўрасанг шарбат берарлар», «жаннат бўлса тагида дурур» дея тараннум этган. Шоир бир қатор ғазалларида:

*Марҳабо Султон Сотуқий Буғрохоним, марҳабо,  
Машҳадингни Маккае, мулки Ажам дерлар раво...*

*Шаҳидона Хўтанни тавф этарга, эй мусулмонлар,  
Чу лола домани саҳро тутиб дашти Хўтан, келдим*

— каби сатрлари замирида ватанпарварликнинг туйғуси мужассам.

Муҳаммад Сиддиқ Залилийдан бой адабий мерос қолган. Анчагина лирик асарлар ва «Сафарнома», «Тазкираи Чилтон», «Тазкираи Хўжа Муҳаммад Шариф Бузургвор» каби дostonларни ўз ичига олган катта

девон 1985 йили Хитойда чоп этилган. Шоир шеърлари «Ўн икки мақом» туркумига басталанган, дарсликларга киритилган.

## ХИСЛАТ

XVIII аср охири — XIX аср бошларида яшаган бу шоирнинг асл исми Саид Ориф бўлиб, Хислат адабий тахаллусидир. «Тазкираи Қайюмий»да келтирилишича, шоир уйғурлардан бўлиб, Кошғар шаҳриданур. Қўқанд шаҳрига XIX аср бошларида келиб яшаб қолган.

Хислатнинг йилномаси аниқ бўлмаса-да, Кошғарда таваллуд топиб, Қўқонда вафот этгани аниқ.

Шоирдан бизга кўп лирик шеърлари ҳамда «Сичқон ва мушукнинг олишиши» номли шеърый масални ўз ичига олган «Совғаи Хислат» баёзи етиб келган.

«Сичқон ва мушукнинг олишиши» асари 208 байтдан иборат. Бу масалда шоир аллегория усулидан фойдаланиб, зўравонликнинг, айниқса, иттифоқсизликнинг инсон бошига келтирадиган фожеаларни таъсирчан ифодалайди.

Адиб асарлари замонасида кенг тарқалган ва ғазаларига ўзбек-тожик шоирлари тахмислар боғлаган. Рус шарқшуноси Боровков «Ўрта Осиё халқларининг маданият ҳаётида уйғурларнинг роли» номли мақоласида «XIX асрда тузилган «Мажмуат уш — шуаро»га Умархон даврида яшаган Кошғар шоири Хислатнинг ҳам шеърлари киритилган» дея келтиради. «Мажмуат уш — шуаро» муаллифи Фазлийнинг қуйидаги маснавийсида, бизнингча, Хислат ҳақида энг тўғри маълумот берилган:

*Эрур Хислат ул Кошғар шоири,  
Ки тўти билан булбулнинг улдуру бири.  
Кўнгил рижтасин Кошғардин узуб,  
Бу Хўқанд аро истиқомат тузуб.  
Эрур бу ғазал ул хирадпешадин,  
Фараҳ топди Фазлий бу андишадин.*

## ОРАЗИЙ

Уйғур мумтоз адабиёти намояндаси бўлган бу шоир ижоди деярли ўрганилмаган. Шоирнинг асл номи Алихон бўлиб, отасининг исми мулло Охунджон, Оразий унинг адабий тахаллусидир. Тазкирадаги маълумотта кўра, XVIII асрнинг ўрталарида «жуда кўп уйғурлар Фарғона водийсига ҳижрат этганлар. Шунда шоирнинг бобоси косиб кулол Муҳаммад Карим ҳам келиб, шунда жойлашгандир». «Оразий Шаҳрихон шаҳ-

рининг Кошвар маҳалласида 1869 йили дунёга келган ва бошланғич мактабни маҳалласида ўқиб, ота касбини давом эттирган. Шаҳрихон мадрасаларида араб тилини ўрганаётган пайтларидаёқ Оразийнинг адабий ижодиёти ҳам бошланган. Шу замон олимларидан Чархий домланинг айтишича, Оразий ўз даврининг «шуҳратшиор», шоири бўлган. Ўзбекистоннинг дастлабки давлат арбобларидан бўлмиш Йўлдош Охунбоев ҳам Оразий ижодини юқори баҳолаган.

Пўлатжон домудла шоир тўғрисида яна қуйидагича маълумот берган: «Шоир тараққийпарвар, мунаввар фикрли киши бўлгани татар газеталарини ўқиб турганидан кўрилади. 1924 йилдан бошлаб зиёли ўғиллари қарамовида тура бошлаганлиги унинг ижодий ишига ва фикрининг очилишига йўл берган». Булар Оразий ижодини ўрганишда жуда муҳим ўрин тутди. Шоир 1942 йил 1 сентябрда 73 ёшида вафот этган. Шундан кейин Шаҳрихондаги шоир туғилган маҳаллага унинг номи берилган. Ҳозирда ЎЗР ФАШИ қўлёзмалари фондида шоирнинг бир девони сақланади. Собих иттифоқ даврида унинг девони чоп этилган, шеърлари вақтли матбуотда эълон қилинган.

### ТАЖАЛЛИЙ

Уйғур мумтоз адабиётининг сўнгги вакилларида бири, энциклопедист олим Ҳусайнхон Акбар Тажаллий (1856-1925) Кошварда замонасининг машҳур кишиларидан бири Қутбиддин Шоҳ ҳазратлари хонадониди дунёга келган. Тажаллий бошланғич таълимни Маккада олган. Кейин отаси билан Ироқ, Ҳиндистон ва Афғонистонда бўлган. Араб, форс, урду ва ҳинд тилларини ўрганиб, турли илмларни эгаллаган. Илмий ижодий иқтидори учун Ҳиндистондаги Деҳли дорулулумида «Мавлавий» унвонининг соҳиби бўлган, Кобул дорулфунунини тамомлаши арафасида унга маслакдошлари «Тажаллий — Мужаллий» тахаллусини беришган. Бу хатми кутубдан сўнг Туркия ва Россия шаҳарлари бўйлаб савдо саёҳатига чиққан. Тажаллий истеъдодли ва маҳсулдор шоир сифатида ижтимоий-сиёсий ҳамда тасаввуф фалсафаси билан йўғрилган оригинал асарлар ижод қилган. Мумтоз шеъриятимиз анъаналарини давом эттириб, миллий маданиятимизни бойитган. Шоирнинг «Барқи Тажаллий», «Сабақи Мужаллий», «Девони арабий», «Сардорнома», «Тилсими ишқ» каби ўнлаб уйғурча, арабча, форсча девонларининг турли қўлёзмалари ўз даврида кенг тарқалган ва мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган. «Қуръон тар-

жимаси» (1910), «Соқийнома», «Тибби Аъзам», «Мураққайи калимаи шариф» сингари таржималари бизгача етиб келган. «Барқи Тажаллий» ва «Сабақи Мужаллий» асарлари 1899 йили Кошвардаги «Матбаъи Хуршид»да, сўнг Булворияда чоп этилган. 1908 йили Тошкентда босилган «Мифтоҳ ул-адаб»га шоирнинг кўпгина шеърлари киритилган.

«Тазкираи Қайюмий» маълумотларига кўра, Тажаллий асарлари ўз замонида Фарғона водийси фозиллари орасида катта қизиқиш билан ўқилган. Муқимий билан Фурқат шоирнинг туркий ва форсий ғазалларига мухаммаслар бовлаган. Пўлатжон домудла Қайюмов икки эл қардошлиги, адабий алоқалари ҳақида қуйидагича ёзди: «Адои ҳаж этиш учун Ҳижозга Кашмир орқали борганда Фурқат ила кўришмиш. Мусоҳаба этиб, Фурқатни Ёркентга Бомбой, Деҳли ва Кашмир орқали олиб ўтиб кетмишдур. Фурқат Ёркентда тургандин сўнгра Тажаллийнинг Хўққандаги фозиллар ва шоирлар ила алоқаси зиёдалашадур. Муҳйига ёзган рубойиси машҳурдур».

Хўққанд фозилларидан Мавлавий Йўлдошнинг Тажаллийни Хўққанда тақлиф этиб ёзган рубойисига Тажаллийнинг тубандаги мазмунда айтилган рубойиси бор. Ул ундай катта, гавжум шаҳарларга мен ўзим сиққанам билан мени ҳар кунги оҳу-воҳ, нола фиғонларим сивмайдур. Бизнинг сингари мажнунворларга Хўтан саҳросигина имкон берадур, дейди.


1984 йили Кошварда шоирнинг «Тажаллий — Мужаллий» номли шеърлар девони чоп этилган. Табиатдаги ранглар жилвалари воситасида «Қизил ва қора» номли фалсафий қасидаси Тажаллийнинг ижодий камолотидан дарак беради.

Умуман, уйғур адабиётининг мазкур намояндалари ижодида жамиятдаги ва инсон феъл-атворидаги турли иллатлар қораланиб, муҳаббат, ватанпарварлик, халқпарварлик, маърифий баркамоллик каби илғор ижтимоий ғоя ва ахлоқий-дидактик моҳият гўзал бадиий шаклда ифодаланган.

Юқоридаги адиллар ҳақидаги маълумотлар биз учун муҳим аҳамият касб этибгина қолмасдан, уни давримизгача етказиб мумтоз адабиётимиз тарихини бойитган Пўлатжон домудла Қайюмов уйғур адабиёти тарихини ўрганиш учун ҳам буюк хизматлар қилган.

**Турсун Қурбон Туркаш,**  
ЎЗМУ Ўзбек филологияси  
факультети тадқиқотчиси





Расул ҲАМЗАТОВ

# МЕНИНГ ДОФИСТОНИМ



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

**И**лгари мен ақл-ҳушимни олган шеърӣ ҳаяжонлар, қалбимдаги безовталик, юрагимни забт этган муҳаббат ўткинчи, вақт ўтиши билан унутилади деб ўйлардим. Мана сочимга оқ тушди, болаларим улғайди, китобларим сарғайди, лекин ўша туйғулар мени тарк этгани йўқ. Тўғрироғи, улар шеърӣят бўлиб ҳамон менга йўлдош. Шу боис, шеърӣят, сенга арзимни айтаман.

**ШЕЪРИЯТ**, турмуш сўқмоқларида, олис сафарларда мен билан бирга бўлдинг. Насрнинг чексиз уммонига чиқишга тайёргарлик кўраётган вақтда ҳам мен билан биргасан. Мен ҳам биламан, ҳикояни қофияга солиш ақлдан эмас. Шундай ижодга уриниш эса, яхши ҳикояни ёмон шеърга айлантиради. Аммо шеър ҳикояда мисоли таомга маза берадиган туздай бўлиши керак. Менинг ҳаётимда шеърӣят худди таомдаги туз. Шеърӣятсиз умрим тузсиз ва бемаза бўларди. Тоғликлар меҳмонга таом тортганда, дастурхонга туздон қўйишни ҳеч қачон унутишмайди.

Наср узокроққа учади, лекин шеърӣят баландроққа кўтарилади. Наср ер юзини бемалол айлаиб уча оладиган оғир самолётга ўхшайди. Шеърӣят эса, қирувчи-тутувчи самолёт, насрнинг оғир самолёти қанча баланд учмасин унга бир зумда ўқдай етиб олади.

Мен бу китобни турли жанрларда ёзаман, тутатганимдан кейин уни ўзга ўлкаларга сафарга йўллайман. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Ахир, шеърларимиз Доғистондан ташқарида яшаётган одамлар юракларига ҳам аллақачон йўл топишди. Айрим ҳикояларимиз ҳам аллақачон четдан ташриф учун таклифномалар олишди. Фақат драматургиямиз уйимиздан чиқмай ўтирибди. Эҳтимол, у анкета саволларига қараб четда ўзини қандай тутиш амалларини ўрганапти.

Агар мен драма ёзишни ўйлаганимда, унда воқеалар кечадиган жойлар Доғистон, овуллар, шаҳарлар, шунингдек, бутун мамлакат ва бутун Дунё бўларди. Унда тоғлар, дарёлар, денгизлар, осмон ва ер шари декорация вази-фасини ўтарди. Воқеа рўй берадиган вақт — ўтган асрлар, ҳозирги замон ва келажак — минг йилликлар бир лаҳзада намоён бўлишни назарда тутардим. Бу драманинг образларини ўзим, отам, болаларим, дўстларим, дунёдан аллақачон ўтган одамлар, дунёга ҳали келмаган одамлар яратишарди.

Бу драма менинг «Уруш ва тинчлик»дай, «Дон Кихот»дай ёки «Илоҳий комедия»дай асосий китобим бўларди. Мен ана шундай драма ёзишга чоғланипман, ҳозирча ушбу китобимга «драматик гишт»лардан қўйишга ҳаракат қиламан. Ҳа, драма ёзишни кечроққа қолдираман. Тўғрироғи, шундай драмани бошқа ёзувчиларимиз ёзишига ишонаман. Ҳозирча мен шеър ва наср ёзиш билан қаноатланаман, улардан ўз ўрнида галма-галдан фойдаланишга уриниб кўраман. Шеърӣят — отда елмоқ, наср — пиёда юриш. Пиёда юрсанг узокқа борасан, отда манзилга тезроқ етасан. Отимни етаклаб йўлга тушдим, агар шошсам эгарга сакраб минаман. Йўлда кўрганларимни ҳикоя қиламан, агар ҳикоя қилишнинг уддасидан чиқмасам куйлайман. Менда ёшликнинг гайрати ҳам, кексаликнинг андишаси ҳам бор. Майли, ёшлик куйласин, кексалик ҳикоя қилсин.

Менинг қалбимда ҳам ҳар хил одамлар яшайди: бири олдига оппоқ салфетка тутиб, чап қўлида санчқи ушлаб зодагонларга ўхшаб тушлик қилади, бири майса устига тоғликлар билан бирга ўтириб, бўзадан симириб, қўйнинг яхши пиширилган курагини икки қўллаб ушлаб кемиради.

Шаҳардан тоққа йўл олар эканман, шаҳарликларга ўхшаб мева ва узун бўйли шишадаги вино-



дан оламан. Меҳмондўст чўпонлар ҳузуридан шаҳарга қайтар эканман, улар отимнинг эгарига янги сўйилган қўйнинг битта сонини ўраб осиб қўйишади.

Ахир, денгиз ҳам гоҳ сокин, гоҳо тунд, гоҳо безовта, гоҳо дарғазаб бўлади. Менинг қалбимда ҳам ҳар хил феъл-атворлар шундай ўрин алмашади.

Бир гал қоя четида қучоқлашиб ўтирган йигит-қизни кўргандим. Улар бир-бирининг бағрига шундай сингиб кетгандики, узоқдан қараган одам қайси йигит, қайси қиз эканлигини ажрата олмасди. Худи шундай менинг қалбимда ҳам шодлик ва қайғу, табассум ва кўз ёш, қудрат ва ожизлик ёнма-ён яшайди.

...Чавандози минмади сакраб,  
От депсинмас сувлиқни чайнаб.  
Унинг оппоқ тишига қараб,  
Туриб қолдим қулди деб ўйлаб.

Шу ҳолати ростдан этди лол,  
От қуларди ўхшаб инсонга.  
У бош эгди, ерга тегди ёл,  
Елда ёллар тўзди ҳар ёнга.

Ажабландим, кетолмай йироқ,  
От олдига бордим яқинроқ.  
От қулмасди, эгиб бошини  
Тўкар эди кўздан ёшини.

От ҳолини кўзи қилди фош,  
Қуйиларди селоб-селоб ёш.  
Мен жилмайсам, яқинроқ кел ёр,  
Кўзларимга тикилгин бир бор.

**ЁН ДАФТАРЧАДАН.** Сиюх овулида яшовчи тоғлик қоя ёнидан сузиб ўтаётган оппоқ булутни кўрганда момиқ жун деб ўйлаб ўзини тошдан ташлаган экан. Лекин оппоқ булут қанчалик момиқ жун ёки пахтага ўхшамасин, ҳеч қачон жун ёки пахта бўлиб қолмайди.

Агар китобнинг шакли қанчалик янги бўлмасин, бу китоб шакл учунгина ёзилган бўлса, ўқувчилар юрагига йўл топа олмайди.

Фақат шаклга қараб хулоса чиқармаслик керак. Умри денгизда ўтган балиқчи бир куни ўрмонда чумолилар тўдасини кўрганда, бу ерга қора икра қандай келди деб ўйлаган. Ёки ҳеч қачон денгизда сузмаган тоғлик қора икрани кўрганда, нега чумолиларни банкага солиб қўйибди деб ажабланган экан.

## ЯНА ЁН ДАФТАРЧАДАН.

Ўқ ҳам, орден ҳам интилади битта кўкракка,  
Сор ҳам, каптар ҳам учса сигар осмон-фалакка.  
Ёш ҳам, қулги ҳам ёғилади битта афт-юздан,  
Бол ҳам, заҳар ҳам эриб ўтар битта бўғиздан.  
Сув ҳам, олов ҳам жо бўлгандир битта абрга,  
Тор ҳам, ханжар ҳам яккамихга илинар бирга.

**ЯНА ЁН ДАФТАРЧАДАН.** Илк бор ишқ дардига мубтало бўлган тоғлик қиз тонгда деразага қараб ҳаяжонланиб деди:

— Вой бўй, дарахт чаман бўлиб гуллабди!

— Гуллаган дарахтни қаерда кўрдинг? — эътироз билдирди кекса онаси. — Бу дарахт шохларига қор кўнган. Ахир, ташқарида қиш.

Ҳа, икки ёшга мансуб аёллар кўз олдига бир вақтнинг ўзида ҳам баҳор, ҳам қиш намоён бўлди. Менинг қалбимда эса, икки ёшга мансуб хислат мужассам: ёшлик ва кексалик, гулзор ва қор, баҳор ва қиш. Шу боис китобимда гоҳ шеърни, гоҳ насрни кўрсангиз ажабланманг.

— Ишқилиб, битта қўлтигингда иккита тарвузни ушламоқчи эмасмисан!


— Йўқ, ножўя ишга уринмайман.

Мен ҳар хил жанрлардан фойдаланаман деганда, айтайлик, турли меваларни тўграб, аралаштириб, мазали мева салати тайёрлашни назарда тутаяпман. Зинҳор-базинҳор, мен боғбонга ўхшаб у дарахт куртагини бу дарахтга пайванд қилиб янги нав яратмайман.

Ҳозир ёзаётганларимдан охир-оқибат нима пайдо бўлади, билмайман. Бундай фикр ҳар бир ижодий ишимни бошлаган пайтда хаёлимдан ўтади. Ахир, гугуртни ўт олдирганда унинг ҳамма оқибатларини олдиндан айтиб бўлмайди. Бу ҳар гал гугуртни ўт олдирганда унинг оқибатларини ўйлаб хавотирга тушиш керак дегани эмас. Мана мен гугуртни ўт олдирдим, тутантириқ билан ўтинни ёқдим. Гулханим ёнапти. Мен унинг алангаланиб қутурган ҳайвонга айланшидани, кейин бўйсундириб бўлмаслигидан хавотирланаётганим йўқ. Гугурт-ни ўт олдираётганимда, буни хаёлимга ҳам келтирмайман.

Шомил қиличига шундай сўзларини ўйиб ёздирган экан: «Ким жангга кираётган вақтда оқибатини ўйласа, ботирлик кўрсата олмайди».

**ДЕЙДИЛАР.** Донишманд табиб қўлида заҳар ҳам фойдали. Агар аҳмоқ қўлидаги асал бўлса ҳам бу асалдан синаб кўриб фойдалан.



**ДЕЙДИЛАР.** Агар ҳикоя қилишни билмасанг, куйла. Агар куйлашни билмасанг, яхшиси ҳикоя қил.

### УСЛУБ

*Кўшиқчини машқидан,  
Заргарни нақшидан билишади.*

**Кубачинликлар ёдгорлигидаги ёзувлар.**

— *Нега менга бақираяпсиз?*  
— *Бақирмаяпман, мен ўзи шундай гапираман.*

**Эр-хотин суҳбатидан.**

— *Шеърларинг ҳеч шеърга ўхшамаяпти.*  
— *Мен ўзи шундай ёзаман.*

**Шоир ва ҳаваскор суҳбатидан.**

Биз болаларни оқсоқолларнинг маслаҳат йиғини яқинига йўлатишмасди. Баъзан катта тошларнинг устига чиқиб, узоқдан оқсоқолларнинг давра суҳбатини кузатардик.

Бир гал Анди овулидан келган меҳмон бир сотача нима ҳақдадир гапирди, оқсоқоллар унинг сўзини бўлмасдан тинглашди. Биз ўзимизча ўйладик, оқсоқоллар шунча вақт давомида диққат билан тинглашдим, демак андилик меҳмон муҳим хабар тўғрисида гапирган бўлиши керак.

Уйда отамдан сўрадим:

— Андидан келган меҳмон қандай янгилик тўғрисида гапирди?

— Э-ҳа, у бугун айтган гапларини бизнинг цадаликлар ҳам йигирма мартача эшитгандир. Лекин у шундай сўзладики, яна диққат билан эшитгинг келади. Роса сўзамол экан, Оллоҳ унинг умрини узун қилсин.

**ЯНА УСЛУБ ҲАҚИДА.** Ҳар бир ҳайвон ўзига хос ҳийла-найранг, ишлатиб овчини доғда қолдиради. Ҳар бир овчи ўзига хос усулда ҳайвон овлайди.

Худди шундай ҳар бир ёзувчининг ўз услуби, ўз ижод вақти, ўз феъл-атвори, ўз йўналиши бор.

Ёш шоир-ёзувчилар қаторида Адабиёт институтига қабул қилинганимда, мен бутунлай янги муҳитга тушдим. Менга ҳамма ўргатарди — Москванинг ўзи, семинарлар, семинарларда сўзга чиққан таниқли шоирлар, дарс пайтларида профессорлар, талабалар уйда курсдошлар, ҳар тарафдан ўргатавергандан кейин қанчадир муддат ҳушимни жамлай олмай гангиб қолдим. Ҳатто, янги галати услубда ижод қила бошладим. Қайсики, бу услуб авар адабиётида умуман бўлган эмас.

Яшириб нима қиламан, ўша кезларда шеърларим рус тилига тезроқ ўгирилишини жуда-жуда истардим. Мен рус ўқувчилари томон интилардим. Ўйлардимки, менинг янги услубим рус ўқувчиларига яқин ва таниш. Ўша кезларда авар тилининг, шеърятнинг оҳангларига умуман эътибор бермай кўйдим. Шеърларимда ялтироқ тузилиш, баёнчилик бўртиб борарди. Ўзимча қандай ёзишни энди ўргандим деб ўйлардим. Аслида эса, ўшанда ўзимга ўнғайроқ жой излаган эканман.

Яхшиямки, шеърят ва сафсатабозлик бошқа-бошқа нарса эканлигини тезда англадим. Буни мендан аввалроқ кўпни кўпган отам пайқабди. Отам янги шеърларимни ўқиши билан мен бир туюр куйроқ ейман деб кўйларни сўйиб ташлаётганимни, ҳеч нарса унмайдиган тошлоқ ерни шудгор қилиб экин экаётганимни, осмонда булутни кўрмай ёмғир кутаётганимни дарҳол тушуниб етибди.

Отам буни билса ҳам мулоҳазали одам бўлгани учун бир суҳбат пайтида эҳтиёткорлик билан деди:

— Расул, кейинги пайтларда сенинг хатинг ёмонлашиб бораётгани мени ташвишга солаяпти.

— Ота, хат ёзишнинг яхши-ёмонлигини мактабда текширишади, мен у ёшдан ўтганман. Катталардан эса, қандай ёзганини эмас, нима ёзганини сўрашади.

— Эҳтимол, маълумотнома ёзиб берадиган милиционер ёки Қишлоқ кенгаши котиби учун шундайдир. Шоир учун унинг хати, унинг услуби — ижодий ишининг ярми дегани. Шеърда қандай янги фикр бўлмасин, албатта у жозибали бўлиши керак. Жозибали бўлганда ҳам ўзига хос жозибали бўлиши шарт. Шоир учун ўз услубини топиши ўзлигини топишидир, демакки, чинаккам шоир бўлишидир.

Сен шошаяпсан, аммо шошқин жилгалар ҳеч қачон денгизгача етиб бормади, улар вазмин оқувчи ирмоқ ёки дарёларга кўшилиб кетади.

Уясини тез-тез ўзгартирадиган қуш қайси бирини танлашини билмай охир-оқибат уясиз қолади. Агар у ўз вақтида уясини қурганда эди, танлашнинг ҳожати йўқ эди.

Ҳозир ёшим қирқдан ошганда, қирқдан зиёд китобимни варақлаб кўрдимки, бугдой сепилган экинзоримда бошқа экинзорларнинг ҳам донлари униб чиқибди. Тўғри, улар ёввойи ўт эмас, тўғри, улар арпа, сули, жавдар каби керакли донлар, лекин улар менинг бугдойзоримга бегона.

Мен ўз отаримда бегона қўйларни кўрдим. Улар баландлик ва тоғ ҳавосига кўника олмайди.

Баъзан менга ўзгаларнинг феъл-атвори ўтиб қолганини сезаман. Лекин мен ушбу китобимда ўзлимни сақлаб қолмоқчиман. Яхшиманми, ёмонманми, мени қандай бўлсам шундайлигимча қабул қилинг.

Тоғликлар тўйга борганда мезбонлардан аввалроқ сўз бошлайди.

— Даврангиз тўқисми ёки мен ҳам унга кўшилайми?

Тоғлик мезбон шундай жавоб қайтаради:

— Агар сен чиндан ҳам бор бўлсанг, меҳмонимиз бўл.

Мана менинг китобим. Унда сизга мен аслида ўзим эканлигимни исботлашим керак. Унда мен ёзувчиман, зинҳор-базинҳор ёзувчи ролини ижро этаётганим йўқ. Қаранг, актёр саҳнада коньяк ичяпти. У маст бўлди, тили гулдираб қолди, боши кўкрагига осилиб қолди. Аммо саҳнадаги шишага коньяк эмас, чой куйилган. Биламизки, чойни ичиб ҳеч ким маст бўлмайди. Ўйлашимча, бу фикримга умрида коньяк ичмаганлар ҳам эътироз билдирмайди.

Маълумки, агар драмада шоир образи бўлса, драматургнинг энг қийин вазифаси шоир образига шеър ёзишдир. Шунинг учун спектаклда шоир образи бўлса, у кўпинча ўзининг эмас, таниқли шоирларнинг шеърларини ўқийди. Шеърсиз шоир бўлар эканми? Бундай шоирнинг ойнаванд магазиндаги чиройли кийим кийдирилган маникендан нима фарқи бор?

Мен ҳеч кимга ўхшашни истамайман — ҳатто Умарга ҳам, Пушкинга ҳам, Байронга ҳам.

Айрим ўғрилар буйвол ўғирлашса, эгаси таниб қолмасин деб буйволнинг шохини уриб синдиришади ёки думини кесишади. Айрим ўғрилар автомобиль ўғирлашса, эгаси билиб қолмасин деб автомобилни бошқа рангга бўяшади. Лекин ўғрилар қанчалик айбини яширишмасин, ўғрилиқ ўғрилиқ бўлиб қолаверади.

Китобимни ўқиган китобхонлар суҳбатлашишганда, «Расул китобини Расулга ўхшаб, ўзлигига хос ёзибди», дейишса гоят хурсанд бўлардим.

Мен чирқиллаётган қушлардан кўра сайраётган қушларни кўпроқ яхши кўраман. Ахлат титаётган қушлардан кўра парвоздаги қушларни кўпроқ яхши кўраман. Бандаргоҳда турган кемадан кўра мовий денгизда сузаётган кемани кўпроқ яхши кўраман.

Қаранглар, енгил қайиқлар ҳар битта тўлқинда чайқалапти. Қаранглар, улкан кемалар бўронларни ҳам писанд қилмай сузаяпти.

Довдирлар ҳатто бир қултум вино ичса ҳам худди маст бўлиб қолгандай шовқин солади, тўполон қилади. Донолар катта шишасини бўшатишса ҳам вазмин, дўстона ва зийрак суҳбат қуришади.

Китобим, сен Расулнинг китобисан! Одамлар орасида ҳам Расулнинг китоби эканингни унутма.

Тоғликлар уйига нотаниш меҳмон келса, уч кунгача унинг исмини ва қаердан келганини суриштирмайди.

Сиз ҳам менинг китобимни таг-тагини суриштирмай қабул қилинг. Ўқиб чиқсангиз, у сизга ўзини таништиради.

Мен сизга яхши кўринишни ҳам, ёмон кўринишни ҳам истамайман. Ҳаддим сиққани учун кўнглимни қоғозга тўқдим. Рус халқида шундай нақл бор: Агар йигирма ёшгача кучга тўлмаган бўлсанг, энди билагинг кучга тўлишини кутма. Агар ўттиз ёшгача ақлинг кирмаган бўлса, энди ақлинг қуюлишини кутма. Агар қирқ ёшгача чўнтагинг пул турмаган бўлса, энди чўнтагингни пул тушини кутма. Тоғликларда эса шундай нақл бор: Агар одам қирқ ёшгача лочин бўлмаса, энди у уча олмайди. Майли, менинг аравам ўз йўлидан қолмасин.

Тоғда, овулимизда ёмғир ёғса, кўплаб жилғалар ҳосил бўлади. Бу жилғалар қуйида тўпланиб, кўл ҳосил қилади. Бу кўлдан эса, фақат битта ирмоқ оқиб чиқади.

Тоғдан жуда кўп сўқмоқлар орқали бизнинг овулимизга тушиш мумкин. Улар худди жилғалар каби овулда туташади. Агар овулдан туман марказига, шаҳарга ёки дунёга чиқмоқчи бўлсангиз, фақат битта равон йўл бор.

Билмадим, балки ўзимни дарёга ёки йўлга қиёслашим ноўриндир. Бироқ шуни яхши биламанки, юртдошларимнинг орзу-ўйлари, юртдошларимнинг дил сўзлари, юртдошларимнинг тоза туйғулари худди тоғдаги сўқмоқлар ёки жилғалар овулимизда туташган каби менинг онгимга болалигимдан сингди. Овулдан эса, мени ўз сўқмоғим, ўз йўлим шеърият сари етаклади.

Мен дунёнинг турли бурчакларида, кўплаб мамлакатларда бўлдим, ҳар хил одамлар билан учрашдим. Сафарларим давомида президент ёки қиролларнинг, бош вазир ёки оддий вазирларнинг, элчиларнинг тантанали қабул маросимла-

рида иштирок этдим. Бундай қабул маросимларида сийрак сочли бошлардан қора туфлиларгача ялтирайди, ёқаси очиқ бурама кўйлақларнинг кўзни қамаштирувчи тугмачалари қадалади, чиройли галстуклар дид билан тақилади, ҳар ёнда мулоийим таъзим-тавозелар, чеҳралардан табассум аримайди, ҳар бир айтиладиган сўз ва ҳар бир бажариладиган ҳаракат рисоладагидай бўлади. Қабул маросимларида артистлар амалдорларга, амалдорлар эса артистга ўхшайди.

Бундай қабул маросимларида мен ҳам ўзимга ўхшамайман. Ўзим бажаргим келмаган ҳаракатларни тавозе билан бажараман, ўзим айтгим келмаган сўзларни мулоийимлик билан айтаман. Қабул маросимлари чоғида баъзан кўз олдимда туғилган юртим Цада ва давра қуриб ўтирган қадронларим намоён бўлади ёки бирор меҳмонхонанинг хонасида чақчақлашиб улфатчилик қилаётган дўстларим хаёлимдан ўтади. Шундай кезларда столдаги юз хил ажнабий таомлардан татиб кўришни эмас, кўнглим ўзимизнинг аччиқ пиёз тўғралган қовурдоқларни тусаб қолади. Ўз уйингда, яқинларинг даврасида енгни шимариб, бармоқларинг орасидан ёғини оқизиб қовурдоқни аччиқ пиёз билан ейиш қандай маза?!

Айрим китобларни ўқисам, уларни тантанали қабул маросимларидаги кишиларга ўхшатаман. Уларда эркин ҳаракат, эркин мулоқот, эркин сўз йўқ.

Китобим, сен тантанали қабул маросимларидаги кишиларга ўхшама. Сенда таомилдаги сўзлар эмас, майли, фақат ўз феъл-атворингга хос сўзлар бўлсин.

Мен шундай одамларни кўп кўрганман, улар уйида, оиласи, хотини, дўстлари даврасида одамга ўхшайди, одамга ўхшаб гапиради. Бориб амалдорлик курсисига ўтирдими бас, қуруқ савлат, дағал, жаҳлдор, гўё уларни кимдир алмаштириб қўйгандай. Улар ҳар бир амал курсисига қараб, қиёфасини, сўзлаш оҳангини, юриш-туришини ўзгартиради.

Китобим, мен ўзлимга содиқ бўлгандай, сен ҳам ўзлингга содиқ бўл. Сен тантанали қабул маросимларига эмас, ўз уйингга, дўстлар даврасига интил, дабдабали концерт залларини эмас, бепоён далаларни сев, мажлисларнинг шовқинсуронини эмас, замин нафасини тингла. Баъзан шундай бўлади, мажлисда битта гапни сўзлайди, мажлисдан кейин умуман бошқача гапиради.

**ЁН ДАФТАРЧАДАН.** Доғистонда Сулаймон Стальскийнинг катта бўркини, қўй терисидан ти-

килган иссиқ пўстинини ва унинг бузоқ терисидан тайёрланган енгил чориқ кийиб юрганини билмайдиган одам топилмаса керак. Менимча, фақат доғистонликлар эмас, бошқалар ҳам Стальскийни бўрксиз, пўстинсиз, чориқсиз, яъни бошқача кийим кийган ҳолда тасаввур қилолмайди.

Максим Горький Сулаймон Стальскийни ХХ асрнинг Гомери деб атаган, унинг хизматлари эътироф этилиб орден билан мукофотланган. Орденни топшириш учун Сулаймонни Москвага чақиритган. Вокзалда уни доғистонлик министр кутиб олган.

— Вой бўй, ҳурматли Сулаймон, — деган министр шоирга, — Москвада овулдаги кийимда юриб бўлмайди. Кийимларингизни ўзгартиришимизга тўғри келади.

Доғистон ҳукумати топшириғига биноан Сулаймон учун костюм тикилди, дўкандан туфли ва қорақўл ёқали пальто сотиб олинди. Сулаймон уларни бирма-бир синчиклаб текширди: пальтони ёзиб, оғирлигини чамалади, туфлини олиб, тагчармини чертиб кўрди. Кейин барини яхшилаб тахлаб, чемоданига жойлади.

— Яхшилар, янги кийим-бош учун раҳмат. Бу кийим-бош ўғлим Мусойбга жуда мос экан. Мен Сулаймон бўлиб қолишни истаيمان. Ўз номимни туфлига ҳам, костюмга ҳам алишмайман. Мендан чориқларим хафа бўлиб қолади.

Отам ҳар сафар Сулаймоннинг ўзлигини сақлаб қолиш учун ташқи қиёфасини бир лаҳзага ҳам ўзгартирмаганини эслаганда, меҳр билан унга таҳсин айтарди.

**ЁН ДАФТАРЧАДАН.** Сулаймоннинг ўғиллари отасини хат-саводли қилиш учун кўп бор уриниб кўришди. Ҳар гал Сулаймон хат-савод чиқаришга иштиёқ билан киришарди, кейин ҳафсаласи пир бўлиб қоғозни бир четга суриб дерди:

— Болаларим, бекорга овора бўлманглар. Қаламни қўлга олишим билан мендан шеърларим қочиб кетаяпти. Чунки мен шеър ҳақида эмас, шу ярамас қаламни қандай ушлаш ҳақида ўйлайман.

**ЁН ДАФТАРЧАДАН.** Эфенди Капиев Сулаймон Стальскийнинг қалин дўсти эди. Айнан у шоирнинг шеърларини рус тилига таржима қилганди. Бу дўстлик, бу ижодий ҳамкорликка айрим қўлидан фойдали иш келмайдиган кимсалар ҳасад билан қарашарди. Улар Капиевни машҳур шоир кўзига ёмон кўрсатиш учун ҳар хил уйдирмалар тўқишарди. Ҳасадчилар Сулаймоннинг хат ўқий олмаслигидан фойдаланиб қолишга уринишди.

— Сулаймон, сен рус тилида ўқий олмайсан. Биз билганимиз учун айтаяпмиз, Капиев шеърларингни рус тилига бузиб таржима қилаяпти. Қарда хоҳласа қўшаяпти, қарда хоҳласа қисқартираяпти, кўплаб мисраларингни ўзича қайта ишляпти.

Бир куни бафуржа суҳбат чоғида Сулаймон гап бошлади.

— Дўстим, — деди у вазмин, — эшитишимга қараганда сен менинг болаларимни ураётган эмишсан.

Капиев гап нима ҳақда кетаётганини дарҳол англади.

— Сулаймон, сенинг шеърларинг сенинг болаларинг эмас. Улар сенинг ўзинг, ҳар бири Сулаймон Стальский.

— Ундай бўлса, мен қария болаларимга нисбатан кўпроқ ҳурматга сазоворман.

— Сулаймон, сен учун нима муҳим: шеърларингдаги мисралар соними ёки услуб ва руҳият? Мана қаршимизда вино турибди. Агар унинг ҳиди учиб кетса, биз маза қилиб ичаётган винога ўхшайдими? Гап винонинг миқдорида эмас, гап унинг хушбўй ҳидида, ширин мазасида, сифати ва қандай сақланганида.

— Нима ҳам дердим, сен ҳақсан.

Эндиликда шунга аминмиз: Сулаймон Стальскийни рус ўқувчиларига Капиев таништирди.

**ЁН ДАФТАРЧАДАН.** Эфенди Капиев Ҳамзат Цадасанинг шеърларини ҳам рус тилига ўгирган. У бир куни менга кўнглини очди:

— Отаннинг шеърларига сира калит тополмаяпман, отанг мисоли ўзига хос қулф. Ўйлайсанки, у кулаяпти, аслида қайғуга ботган. Ўйлайсанки, у роса койияпти, аслида мақтаётган бўлади. Нима демоқчи эканини тушунаман, фақат уларни рус тилида ифода эта олмаяпман, унинг шеърини услубини ва шеърларининг мазмунини сақлашим қийин кечаяпти. Таржималарим ҳам Ҳамзатга ўхшашини, рус ўқувчилари ҳам Ҳамзатни қандай бўлса шундайлигича қабул қилишини истайман. Ҳозирча таржималаримда Ҳамзат бошқа одамларга ўхшаб қолаяпти. Ахир, у ҳеч бир одамга ўхшамайди-ку.

Ҳа, ҳар бир шоирнинг шеъри шундай бўлиши керак.

Рус тилидан  
Асрор МҶМИН таржимаси.  
(Давоми келгуси сонда)

## ЙОХАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ ҲИКМАТЛАРИ

*Улуғ олмон шоири ва мутафаккири Йоханн Вольфганг Гёте (1749-1832) ўз ижоди билан нафақат олмон адабиёти, балки жаҳон адабиёти хазинасига ҳам салмоқли ҳисса қўшган даҳолардан биридир. Унинг «Фарбу Шарқ девони», «Ёш Вертернинг изтироблари», «Фауст» ва бошқа кўплаб ўлмас асарлари халқимизнинг маънавий мулкига айланган.*

*Буюк аллома, ўз ҳаётининг фикр ва мулоҳазаларини қайд эта бориб, бир ярим мингга яқин ҳикматли сўз ҳамда иборалар яратган. Табиат, инсон, ижод ва санъат ҳақидаги мазкур ҳикматларни донишмандлик ҳамда ўз-ўзини таҳлил қилишининг ўзига хос ва бетакрор намунаси деб аташ мумкин. Қуйида улардан айримлари эътиборингизга ҳавола этиляпти.*

### Табиат, инсон, ижод ва санъат ҳақида

Табиат ҳар бир саҳифаси чуқур мазмунга лиммолим ягона Китобдир.

\*\*\*

Табиат ўз ҳаракатида мудом тиним билмайди. Ҳар қандай фаолиятсизлик унинг душманидир.

\*\*\*

Табиат тўхтовсиз янги шакллار яратади. Ҳозирги мавжуд бўлган нарсалар илгари ҳеч қачон бўлмаган; бўлиб ўтган нарсалар ҳеч қачон қайтиб келмайди; ҳамма нарса янги ва шу билан бирга эски ҳам.

\*\*\*

Башариятни ўрганишнинг бош мавзуи — Инсон.

\*\*\*

Инсон бўлиш — курашчи бўлмоқликдир.

\*\*\*

Меҳнат устани яратади.

\*\*\*

Ажойиб уста яратган ҳамма нарса ҳам гўзал бўлавермайди.

\*\*\*

Қонун кучли, муҳтожлик ундан-да кучлироқдир.

\*\*\*

Ҳақиқатга бўлган меҳр-муҳаббат ҳамиша эзгуликни топиш ва қадрлай билишда намоён бўлади.

\*\*\*

Хурсандчилик билан ишга киришган ва қилган ишидан мамнун бўладиган одам бахтиёрдир.

\*\*\*

Тартиб вақтни тежашга ўргатади.

\*\*\*

Натижа — ишга берилган баҳо.

Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.



# ИЛМ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ

*Халқаро музейлар куни муносабати билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори Саидбек Ҳасановга қатор саволлар билан мурожаат қилди.*

— Бу йил Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фаолиятига ҳам қирқ йил тўлибди. Бу йиллар мобайнида музей фақат адабиётшуносларгина эмас, балки барча ижод ва илм эгалари, маданият ходимлари, шоир ва ёзувчилар, талабалар, шунингдек, хорижлик меҳмонларимиз ҳам қадам ранжида қиладиган илм ва маърифат даргоҳига айлангани сир эмас. Кейинги йиллар музейнинг республика миқёсидаги илмий ва илмий-маърифий маскан сифатида амалга ошираётган ишлари хусусида гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи 1968 йили Навоийнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан ташкил этилган бўлиб, халқимизнинг кўп асрлик адабий меросини жамлаш, уни муҳофаза қилиш, тарғиб ва тадқиқ этишда қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўтган давр давомида музейнинг XV—XX аср адабиёти тарихини намойиш этувчи бош экспозицияси яратилди. Томошабинлар кўп асрлик бой адабий тарихимизнинг ноёб дурдоналари билан танишибгина қолмай, Ўрта Осиё маданияти ва санъатининг бадиий намуналари — китоб, тасвирий санъат, хаттотлик, наққошлик, мусиқа ва меъморчилик асарлари билан ҳам танишиш имкониятига эгалар.

Музейда қўлёзмалар билан биргалликда унинг "Хазина"си — эски босма китоблар фонди ҳам мунтазам бойиб бормоқда. Бу фонда мингдан ортиқ қўлёлма ва тошбосма асарлар мавжуд бўлиб, улар орасида ўзбек классик шоирларининг нодир ва қадимий асарлари ҳам муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Адабиёт музейида 65000 ҳужжатларни ўз ичига олган XIX асрдан то ҳозирги кунгача булган даврни қамраб олувчи Ўзбекистон ёзувчилари архиви ҳам музейнинг фахри ҳисобланади.

Адабиёт музейи кўргазма залларида 17000 дан ортиқ тасвирий ва ўймакорлик санъат асарлари, портретлар, ноёб археологик ёдгорликлар, халқ амалий санъати намуналари намойиш қилиб келинади.

Адабиёт музейи биносининг ўзи ҳам (1933-1936 йиллар 7962,33 м<sup>2</sup>) ноёб архитектура ёдгорлиги сифатида диққат эътиборни ўзига жалб этади.

Қўлёзмалар фонди ва ёзувчилар архивида сақланаётган ҳужжатлар — музей илмий фаолиятининг асосини ташкил этади. Бу манбалар устида 1 академик, 5 фан доктори, 5 фан номзода, 8 илмий ходим мунтазам равишда илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Айниқса, қўлёзма ва архив ҳужжатларини бирламчи ишловдан ўтказиш, уларнинг илмий тавсифларини амалга ошириш ва каталог сифатида нашр қилдириб, уларни экспозицияда намойиш этиш ва илмий муомалага киритиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунга қадар музей фондидаги қўлёзмалар ва ёзувчилар архивидан ўнлаб фондларнинг илмий тавсифи чоп этилди. Шулар билан бир қаторда музей олимлари кўплаб монографиялар, рисоалар ва илмий—танқидий матнлар нашри орқали ўзбек адабиётининг кам ўрганилган соҳаларини ёритувчи илмий ишларнинг натижаларини эълон қилиб келмоқдалар.

Адабиёт музейи ўзининг илмий ва илмий-ташкилӣ фаолиятидан келиб чиқиб қатор хорижий мамлакатлар музейлари, кутубхона ва илмий муассасалар билан яқиндан алоқа ўрнатиб ўзаро ҳамкорлик доирасида фаолиятини олиб бормоқда. Музей олимлари Япония, Жанубий Корея, Туркияда ўтказилган қатор илмий анжуманларда маърузалар ва кўргазмалар билан иштирок этиб келмоқдалар. Хорижлик ҳамкасблар ўзларининг илмий тадқиқотлари натижалари, китоблар, илмий ахборот айирбошлаш, шунингдек, китоб ва каталогларни нашр қилдириш ишларида кўмак бериб келмоқда. Яқинда Саудия Арабистонидан келган бир гуруҳ олимлар билан музей ўртасида араб тилидаги қўлёзмалар каталогининг нашрини амалга ошириш тадбирлари келишиб олинди. Эрон элчихонаси маданий маркази Эрон миллий мажлис кутубхонасида сақланиб келаётган ва ҳозирда илмда номаълум бўлиб турган Бобур куллиёти қўлёзмасининг нусхасини музейга кўчириб беришда ёрдам

беришини изҳор этди.

Адабиёт музейи ҳамкорликнинг турли соҳаларида муносиб равишда иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон истиқлолининг сўнгги ўн йили мобайнида музей олимлари 30 дан ортиқ турли халқаро ва Республика миқёсидаги илмий анжуман ва тадбирларда қатнашди. Музей Халқаро музейлар кенгаши ИКОМ ташкилоти аъзосидир. Ўтган йиллар давомида музей олимлари Ҳиндустон, Германия, Англия ва Эронда ўтказилган кўргазмаларда иштирок этдилар. Сўнгги йилларда музей Париж миллий кутубхонаси, Ҳиндустондаги «Худабахш», Эрон миллий мажлис кутубхонаси, Туркиядаги кутубхона ва музейлар билан китоблар айирбошлаш ишлари йўлга қўйди.

— **Музей заллари, ноёб тарихий экспонатлари ўз аҳамиятини сақлаб турибдими? Улар бугунги кун томошабинларининг талабига жавоб берадими?**

— Адабиёт музейининг бир неча залларида ўзбек халқининг улғу шоири ва мутафаккири Алишер Навоий даври, ҳаёти ва ижоди, замондошлари фаолиятини ёритишга бағишланган. Ана шу залларда фақат Навоий ва унинг замондошлари ҳақидаги кўргазмаларгина намойиш этилиб қолмай, балки XV асрда Марказий Осиё маданияти ва санъатининг бадиий намуналари — китобат, тасвирий санъат, хаттотлик, наққошлик, мусиқа ва меъморчилик асарлари ҳам кўрсатилган. Маълумки, Хуросон ва Мовароуннаҳр маданий муҳитининг шаклланишида Алишер Навоийнинг шахсий ҳомийлиги алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун унинг тарбияси ва ёрдамида етишган адабиёт ва санъат намояналари табиий равишда экспозициянинг ўрни-ўрнида акс эттирилган.

Томошабин, даставвал, Навоий яшаган давр, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти, сиёсий ҳаритаси билан юзма-юз келади. Унда Навоийнинг муборак қадами етган жойлар алоҳида қайд этилган. Сўнгра Навоий туғилиб ўсган Ҳирот шаҳрининг кўрinishи билан танишади. Бу расм ғоят ноёб ва тарихий бўлиб, XVI асрда Ҳирот



га саёҳат қилган европалик бир сайёҳ ўз кўзи билан кўрганларни гравюра усулида ишлаган. Расмда Навоий замонининг йирик иншооти — Ихтиёридан қалъаси акс этган. Ёш Алишернинг Хусайн Бойқаро билан мактабдошлиги, унинг буюк тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан бўлган мулоқоти расми ўзининг жонлилиги билан томошабинда чуқур таассурот қолдиради. Ушбу залда XV аср ўзбек меъмorchилигининг буюк обидаларидан бири Гўри Амрнинг макети, Бибихоним масжиди ва Ҳирот шаҳрида Навоийнинг ташаббуси билан қурилиб, ҳозиргача сақланиб қолган ёдгорликларнинг фото кўринишлари мавжуд. XV аср бадиий қўлёзма, хатматлик миниатюра намуналари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

“Навоий шеърятини” залида Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ва Тўхтабек Соиповларнинг шоир ғазалларига ишлаган деворий расми тасвирий санъатнинг ноёб асарларидандир. Бу расм учун Ч. Аҳмаровга Ҳамза номидаги Давлат мукофоти берилган.

Музейда Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” ва “Сади Искандарий” достонларига чизилган расмлар ҳам намойиш этилган. Шу залдан Абдулҳақ Абдуллаевнинг “Навоий тўнг пайтида” деб аталган расми жой олган. Бухоро зардўзлари Навоийнинг 525 йиллик тўйига ноёб бир туҳфа тайёрлаган эдилар. Бу туҳфа зар билан тикилган гилам хонанинг тўридан жой олган. Гилам ўртасида Алишер Навоий сиймоси, унинг атрофида “Хамса” қаҳрамонлари акс этган. Бу зарҳал гилам биринчидан, халқимизнинг буюк бобокалон шоирига ҳурматини билдирса, иккинчидан, қадимий халқ зардўзлик санъатининг нафис дурдонаси сифатида намойиш этилмоқда. Шу залда мусавир Т. Саъдуллаевнинг “Хамса” достонларига ишланган расмлари ҳам деворга гўзал қилиб чизилган.

Экспозицияда ўзининг нозик санъати, ажойиб маҳорати, бетакрор гўзал ижоди билан бутун жаҳон халқлари маданиятида унитилмас из қолдирган, улан истеъод эгаси, забардаст санъаткор Камолиддин Беҳзод ҳақида турли кўргазмалар мавжуд. Беҳзод ишлаган бир қатор суратлар, масалан, шоир Абдулло Ҳотибий, Хусайн Бойқаро, Шайбонийхон расмлари, Саъдийнинг “Бустон” китоби, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари, Хусрав Деҳлавий ва Низомий “Хамса”ларига ишланган расмлар бизгача етиб келган. Улар ўтмиш санъатининг нодир ёдгорликлари сифатида сақланмоқда.

Музейнинг катта залларидан биринчи атоқли давлат арбоби, истеъодли шоир, адиб, тарихчи олим Заҳириддин Бобур-

нинг ҳаёти ва ижоди кенг ёритилган. Уни жаҳонга танитган “Бобурнома” асари қўлёзмасининг фотонусхаси ва ҳозирги давримиздаги нашрлари “Аруз рисоласи”, “Мубаййин” каби асарлари ҳақида ноёб кўргазмалар намойиш қилинган.

Шоирнинг 510 йиллик юбилейига Бобур ҳаёти ва ижоди бўлими қайта янгиланиб, рассомлар, ҳайкалтарошлар, ўймакор ва безак усталарининг катта меҳнатлари туфайли жаҳон талабларига жавоб берадиган даражадаги музей кўргазмаси бунёдга келди. Ҳозирги кунда музей олимлари рассомлар билан бирга XVI—XX аср ўзбек адабиёти тарихини ёритувчи заллар устида қаттиқ бел боғлаб ишламоқдалар.

**— Музей ишини янада яхшилаш мақсадида ўзбек адабиёти ва санъати ёдгорликларини йиғиш учун чет эллар билан ҳамкорлик хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Музей махсус археографик фольклор экспедициялари уюштириш ва илмий ўйланмалар орқали мамлакатимизнинг турли шаҳар ва туманларидаги, чет эллардаги ўзбек адабиётига оид намуналарни топиб, микрофильмлар қилиш асосида ягона қўлёзмалар ва микрофильмлар хазинасини яратди.

Маълумки, Туркия, Эрон ва Ҳиндистонда аждодаларимиз яратган маънавий бойликлар оз эмас. Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи ишини янада яхшилаш ҳақидаги 1973 йилги қарорда ўзбек адабиёти ва санъати ёдгорликларини халқ орасидан йиғиш, чет эл фондаларида сақланаётган ёдгорликларнинг нусхасини тўплаб, халқ мулкига айлантириш, чоп эттириш қайд этилган эди. Бу қарор музей хазинасини қўлёзма китоблар билан бойитиш ишида кескин ўзгариш ясади. Қўлёзма китобларни аҳоли ўртасидан йиғиш ишларига музейнинг ҳамма илмий ходимлари жалб қилинди. Адабиёт музейи қайта ташкил бўлгандан кейин ўтган даврнинг давомида ҳар йили аҳолидан ўрта ҳисобда 200-250 жила қўлёзма китоб харид қилиб олинган эди.

Музей ҳозирги замон адабиёти намунадалари архивини ҳам вужудга келтириб, бойитиб бормоқда. Чўпон, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Қодирӣ, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Ойдинларнинг шахсий архиви музейимиз хазинасининг фахри бўлиб қолди. Ўтган йиллар мобайнида музей ходимлари ташаббуси билан чет эллардаги нодир асарларнинг нусхалари олинди. Булар орасида Алишер Навоийнинг Париж миллий кутубхонасида сақланаётган куллиёти, Туркияда сақланаётган ноёб куллиёт, Англиянинг Бодлеян кутубхонасида сақланаётган ва Мирза Бадиуззамон учун кўчирил-



ган “Хамса” ва шоирнинг XV асрда кўчирилган терма девонлари, ва ниҳоят, Ҳиндистоннинг Ҳайдарободдаги Салоржанг музейида сақланаётган Ҳофиз Хоразмийнинг қўлёзма девони ва шунга ўхшаш адабий меросимиз ноёб намуналари фото нусхалари микрофильмлари бор.


Адабий меросимизни тинимсиз излаш ва тўплаш Европанинг энг бой қўлёзма хазиналари бўлиши Лондон, Оксфорд, Кембриж, Париж кутубхоналаридаги ўзбек адабиёти, фани ва маданияти тарихига оид барча қўлёзмаларни кўриб, улар орасидаги энг мўътабарларининг микрофильми ва фото нусхаларини Ватанимизга, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзма асарлар хазинасига олиб келиб қўйишда Ҳамид Сулаймоннинг ҳиссаси катта.

1968 йили февраль ойида Ҳамид ака ЮНЕСКО ўуланмаси билан Алишер Навоий асарларининг шоир ҳаётлигида кўчирилган нусхалари, 1525—1527 йиллари Ҳиротда кўчирилган куллиёт каби мўътабар қўлёзмалар фотоларини Ватанимизга олиб келиб, халқ мулкига айлантириш мақсадида Франция ва Англияга сафар қилдилар.

Ҳамид Сулаймон Британия музейида Алишер Навоийнинг ўзи тузган “Бадое-ул-бидоя”, “Девони фоний” қўлёзмалари, “Бобурнома”нинг Акбар даврида кўчирилиб, 96 та ажойиб рангдор миниатюралар билан безатилган нусхаси, “Акбарнома”нинг ўттиз тўрт (34) миниатюралик биринчи жилди, Низомий “Хамса”сининг Навоий даврида кўчирилиб, Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан безатилган икки қўлёзмаси, XV аср ўзбек шоирлари Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, Амриӣ, Яқиний қабилар асарларининг ноёб намуналари билан танишиб ва фотосини олдиршга муяссар бўлдилар.

Шу жиҳатдан қадимий меросимиз намуналарини тўплаш ишида музейни хорижий Шарқ мамлакатларидан, айниқса, Ҳиндистон кўпроқ ўзига жалб қилиб келган. Чунки бу интилиш катта тарихий ҳақиқатга асосланган эди.

(Давоми 43-бетда)



# Гўзаллик, лактофат ЖАСОРАТ ФАЛСАФАСИ



*Буюк Юнон донишманди Афлотуннинг «Қонунлар» асаригадаги мусиқий таълимнинг асосий мақсади фуқароларга яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик билан хунуклик ўртасидаги тафовутни тушунтириб, ёш авлодни ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш, фуқароларнинг маънавиятини шакллантириш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, ўзбек мусиқа санъатининг ҳолатига бир назар ташлайдиган бўлсак у барқ уриб, гуллаб-яшнаётгандай кўринса-да, аслида у ахлоқий ва эстетик тарбияга тўла хизмат қилмаёттир. Балки кўп ҳолларда одамларнинг бадиийлик, гўзаллик, нафосат, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашларини сийқалаштираёттир.*

Майда, бачкана, энгилтак ҳис-туйғу, ҳаракат ва қилиқлари билан маънавий қашшоқланишга олиб бормоқда. Афлотун, Арасту, Ибн Сино, Навоий, Бобур асарларини ўқисак, биз бу фикр қанчалик тўғри эканлигини англаб етамиз.

Афлотун фикрича, мусиқа ва қўшиқ санъатида ижро этиладиган гўзал, мардона ҳаракатлар яхши одамларга ёқади, бачкана, энгилтак, хунук ҳаракатлар эса ёмон хулқли, энгилтак одамларни хурсанд қилади. Афлотун асарида афиналик зиёли билан ҳорижлик меҳмон Клиний мусиқа санъатининг давлат сиёсатида муҳим ўрин тутиши, мусиқа, қўшиқ, рақсдан ҳам қандай таъсирланишига қараб, фуқароларнинг ақлий, ахлоқий, маънавий баркамолми ёки энгилтак, онгсиз, ёмон хулқли эканлиги фарқлаш мумкинлиги ҳақида суҳбатлашадилар.

«Ишончим комилки, — дейди, афиналик зиёли, — биринчи болалик ҳиссиётлари — (гўзал манзара,

яхши одам ёки нафас товуш(дан) лаззатланиш ва (ёмон, жирканч нарса ва феъл-ҳаракат(дан) дард чекиш ва улар туйғули дилда (ҳаёт гўзалликларига) хайрихоҳлик ва тартиб намоён бўлади. (Гўзалликни, яхшилашни англаш ва улар ҳақида мустаҳкам фикрлар, қарашларга келсак, (бундай англаш ва жиддий, вазмин, мустаҳкам фикрлар) етукроқ ёшлагу одамларда бўлади (ҳаммада эмас)». Донишманд фикрича, гўзалликдан завқланиш ва яхшилар қайғусига ҳамдардлик билдириб, дард чекиш фазилатларига эга бўлган одам баркамол инсондир.

Одатда тарбия сўзини кўп ишлатамиз, лекин унинг асл мазмун-моҳияти нимадан иборатлигини ўйлаб кўрмаймиз. Афлотун фикрича, тарбия фақат билим ва яхши хулқларнинг мазмунини ўрганиш эмас, балки том маънодаги ҳаёт фалсафасини ўзига сингдира олишдир, дейиш мумкин.

— Мен тарбия деб, аввало болаларда намоён бўладиган яхши фазилатларни айтаман, — дейди Афлотун асарининг қаҳрамони, афиналик зиёли. Боланинг дилида уйғонадиган лаззат, завқ, дўстлик, ғам, алам ва ёмон кўриш туйғулари ҳали ақл-идрок билан фарқлаб, синовдан ўтказилмаган бўлади. Шу сабабли, бола ақл-идроки ҳали етарли ўсмагани сабабли ёмон, энгилтак, зарарли феъл ҳаракатлардан ҳам завқланиши мумкин. Эзгу иш — (яхшилик, неъматлар)нинг ҳузур, лаззатланиш, (завқланиш) ва дардга алоқадор қисмини, нимани ёмон кўриш керак бўлса, ўшани бошдан охиригача ёмон кўришга, нимани севиш керак бўлса ўшани, (доимо) севишга зарурий даражада

ўргатадиган қисмини алоҳида ажратиб (яъни, аниқлаб) чиқишни тарбия деб аташ мумкин.

Афиналик зиёли бу фикрни давом эттириб, бундай дейди: «Шундай қилиб, тўғри ўналтирилган лаззатлар (завқланиш) ва дардлар тарбияни ташкил этади. Аммо инсонлар ҳаётида улар кўп жиҳатдан ўзгаради ва бузилади.

Афлотун, давлат миқёсида жорий этилган халқ байрамлари ва маросимлари, шу жумладан, Аполлон ва Дионис қатнашадиган (Ўрта Осиё халқларида Наврўз бобо ва қизи Баҳор қатнашгани каби) байрамлар фуқароларни ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилишини тушунтиради.

Афлотун мусиқа таълимини инсоннинг табиий эҳтиёжлари билан боғлайди. У айтадики, барча соғлом инсонлар, аввало ёшлар узоқ вақт бир жойда ҳаракатсиз туролмайди, аслида табиатан барча жонзодларнинг ҳам навқирон пайтида ғайрати жўш урган бўлади. Улар турли жисмоний машқлардан завқланади. «Ҳар қандай навқирон инсон, айтиш жоизки, на баданида, на овозида ҳаловат, сокинликни сақлай олмайди, у доимо ҳаракатда бўлишга ва овозлар чиқаришга интилади.

Қаранг-ки, ёшлар масалан, рақс ва ўйинлардан лаззат олиб, гоҳ сакрайдилар ва югурадилар, гоҳида эса бор овоз билан бақирадилар».

Афлотун, барча жонзодлар ҳаракатга мойиллигини айтар экан: — Ҳайвонларда ҳаракат ва овозлар ахлоқий-эстетик жиҳатдан баҳоланмайди, инсонлардаги бу хислатлар эса назокатли, виқорли, муносиб, мардона ёки

назокатсиз, ахлоқсиз, номуносиб, бачкана ҳаракат ва овозлар деб, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан баҳоланади, — дейди.

Унинг фикрича, ажойиб, гўзал ашула айтадиган ва гўзал рақсга тушадиган одам аввало гўзаллик ва хунуклик ҳақида етарли билим ва тасаввурга эга бўлиши зарур. Чиройли ашула айтиб, рақсга тушишнинг яна бир шарт — бу инсон ҳақиқатан гўзал нарсани қадрлаши, гўзал деб ҳисоблаши ва ҳақиқатан хунук нарсани хунук, деб билиши зарур ҳамда бу эътиқодига амал қилиши керак.

Донишманд фикрича: «Гўзаллик ва хунуклик билими, эътиқодига амал қиладиган одам яхши тарбияланган, гўзалликдан қувонмайдиган ва хунукликдан нафратланмайдиган одам мабодо ашула ва рақсга моҳир бўлса ҳам, ахлоқий жиҳатдан яхши тарбияланмаган одамдир. Овоз ва бадан ҳаракатларида унчалик моҳир бўлмаса ҳам, аммо ҳузур-лаззат ва махзунликни тўғри тушунадиган, шу билиш туфайли гўзалликни олқишлаб ҳамда ёмонлик, нохушликни рад этадиган одам яхшироқ одамдир».

Лекин баъзи томошабинларга энгилтак, бачкана, ахлоқсиз сўзлардан иборат ашула, беҳаё бадан ҳаракатлари ёқади, бу одамлар шундай ашула ва рақслардан завқ, лаззат оладилар. Мардона, ориятли ашула ва рақсни мард ва ориятли инсонлар яхши кўрадилар. Уларнинг тескари кўринишларини эса бачкана, беҳаё, ориятсиз, энгилтак одамлар ёқтирадилар. Дил гўзаллигини, мардоналигини ифодаловчи бадан ҳаракатлари ва куй, тароналарнинг барчаси гўзалдир.

Уларнинг акси эса жирканчдир. Афлотун «Қонунлар» асарида афиналик зиёли суҳбатдоши, ўзга юртлик Клинийга бундай савол беради: «Бадан ҳаракатлари ва кўшиқлари ва кўшиқларнинг қайсиларини гўзал деб тан олиш керак. Айт-чи, бир хилдаги оғир ҳолатларда (масалалар, оғир меҳнатни ёки жанг пайтини ифодаловчи ҳолларда) мардона дил ва кўрқоқ дилнинг бадан ҳаракатлар ва нутқлари (сўзлари) бир-бирига ўхшаш бўладими?» Суҳбатдоши Клиний бу саволга «Асло!» (ўхшамайди) деб жавоб беради.

Афиналик зиёли яна айтади: «Мардона ёки кўрқоқ одамнинг бадан ҳаракатлари ва тароналарга (кўшиқларига) келсак, адолатли равишда тан олиш мумкин-ки, мардларда улар гўзалу, кўрқоқларда жирканч (хунук)дир».

Афлотун мусиқа ва рақслар ҳақида кўпчиликнинг дили ва фикрига асосланиш нотўғри эканлигини тушунтиради. Озчиликнинг бадиий, эстетик дили баланд ва кўпчиликнинг бадиий, эстетик дили паст бўлиши мумкин. Афлотуннинг истеъдодли шогирди ва издоши Арасту «Катта ахлоқ китобида айтганидек, табиатда қум, шағал кўпу, олтин, кумуш кам бўлганидек, жамиятда ҳам энгилтак, онгсиз одамлар кўп ва етук, комил инсонлар жуда камдир. Афлотун фикрича, ҳар бир кучли давлатнинг қонунлари етук, оқил, мард, саховатли инсонларни вояга етказиш ва рағбатлантириш учун хизмат қилиш зарур.

**Дилбар ҚОДИРОВА,**

ЎзМУ Фалсафа факультети  
катта ўқитувчиси

# ҚОЛИПТА СИҒМАГАН ПЬЕСАЛАР

**1960 йили В. Аксёновнинг «Юность» журналыда босилган биринчи қиссаси «Коллеги», («Касбдошлар»), 1961 йилда чиққан «Звездный билет», («Бахтли чипта») романи муаллифни машҳур қилди. Унинг экранлаштирилиши эса доврўғини янада оширди.**

1993 - 1994 йилларда Россияда босилган “Московская сага”, (“Москва сагаси”) асарлари асосида режиссёр Д. Баршевский ўн йиллардан ортиқ вақтда ўша давр машҳур киноактёрлари плеядаси иштирокида ўзининг кўп серияли бадиий фильмини суратга олди. В. Аксёнов “Всегда в продаже”: (“Доимо сотувда”), “Твой убийца”, (“Сенинг қотилинг”), “Четире темперамента”: (“Тўрт мижоз”), “Аристофаниана с лягушками”: (“Аристофаниана бақа билан”), “Цапля”, (“Мишиқи”), “Горе, горе, горе гореть” “Аврора Горенина” (“Гаренин Аврораси”), “Ах, Артур Шопенгауэр” (“Эҳ, Артур Шопенгауэр”) каби қатор пьесалар муаллифи бўлишига қарамай, театр оламида у ҳақида жуда кам гапириларди.

“Современник” театри сахнасида “Всегда в продаже” пьесаси етти мавсумда қўйилиши ва режиссёр Антун Витез томонидан “Цапля” пьесаси Парижнинг “Шайо” театрида сахналаштирилиши эътиборга моликдир. Аммо бу асарлар ўзининг муносиб баҳосини олмади.

Кейинги юз йил давомида драматик асарлар санъатга хос адабий ва сахнавий йўналишларга эга бўлди десак, хато бўлмас. “Пьесалар асосан театр учун яратилади, шу билан бирга у тўлиқ ҳолда китобда ҳам “яшайди” ва у айнан шунинг учун яра-

тилади. Улар сўз санъатининг муҳим ўзига хос ранг-баранглигини ташкил қилади” дейди В. Хализев ўзининг “Драма как род литературы” китобида.

Ҳақиқатан ҳам, бизнинг давримизда драма ўқиш учун мўлжалланган мустақил асар сифатида идрок этилиб, қунт билан мутолаа қилинадиган бўлди. Наҳотки, драматик асарларнинг айнан адабий қийматини фақат сахнада кўрсатиш лозимлиги тан олинмас? Драматик адабиёт биринчи галда сахна учун мўлжалланган бўлади. Драма тарихан шаклланиб бугунги кунгача адабий фаолиятнинг бир тури сифатида, энг аввало театр, санъати талабларига жавоб бериб келяпти.

В. Аксёнов ўз пьесаларини яратар экан, улар театрда яшайди, деб тушунган. “Мен саккизта пьеса ёздим, бу — бир бутун театрлар. Мен уларда ўз руҳиятимни қолдираман деб ўйлагандим”. Аммо, унинг театри мавжуд профессионал санъаткорлар томонидан ўзи хоҳлаган тарзда тан олинмади. “Современник” даги В.Аксёновнинг “Всегда в продаже” пьесаси еттинчи мавсумдан сўнг қўйилмади. Чунки ёзувчининг сўзига қараганда: — “Улар учун ҳар гал Чеховни “қайта ҳазм қилиш” муҳимроқмиш”.


...Қайсидир маънода менинг сахнам менинг асарларимда зуҳур этади ва шу баробарида ўзим учун доимий премьерара муҳити яратилган. Мен ўзим учун ўз тасаввурларимда ўз театрими яратганман”, — дейди В. Аксёнов. Таниқли драматург ҳақиқатан ҳам “ўз театрини” яратган. Бироқ, у одадий, анъанавий эмас. Таҳлилида ҳам бир хиллик йўқ. В. Аксёновнинг “Всегда в продаже” фантастик-сатирик пьесаси босилиб чиққач, ўз даврида кўпчиликни ҳайратга туширган ва кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган эди. Аслида, эркин фикр дастгури йўналиб “илиққина” туюлган нозик ва ўта кескир фикр замонавий давлат-уйига ўрнашиб олган ўткинчи-дарбадар ҳамда вайсақи-демагогларнинг сохта башараларини кўрсатиб, совет турмуш тарзининг яроқсиз қобиғини ситиб ташлаган эди.

Москвадаги “Современник” театрида 1965 йилда қўйилган бу пьеса театрининг янги ўлчамдаги муҳим қадамини кўрсатиб берган эди. Ҳудди шунингдек, Парижда доврўғ қозонган “Цапля” ҳам айнан шу руҳда эди. Гап шундаки, бу пьесалар ўша йилларда қўйилганлигини бугунги кунда ҳам тез-тез эслаб туришади. Мана ўша машҳур иккита пьесанинг ўзиёқ “ўз театри”нинг шаклланишида таянч нуқта вазифасини адо этиб улгурган эди.

**Лола ИСАМУҲАМЕДОВА,  
ЎЗМУ магистранти.**



Ассамлик шоир ва ёзувчи доктор Праяг Сайкианинг асл касби шифокор бўлиб, унинг олти шеърий ва бир ҳикоялар тўплами нашр этилган. «Тонгни интиқ кутиб» шеърий тўпламида Праяг Сайкианинг инглиз тилида ёзган шеърлари жамланган. Шеър ва таржималари турли хил нашрларда, жумладан, Sahitya Академиясининг «Ҳинд адабиёти», «Jayanta Mahapatra» нинг «Chandrabhaga» журналлари, Чикаго Шеърятини онлайн антологияси, «The Statesman Festival» нашрида эълон қилинган. Праяг Сайкиа «Осиё оҳанглари» (Tunes of Asia) баёзига киритилган айрим ўзбек шоирларининг шеърларини ассам тилига таржима қилиб нашр эттирди. Унинг шеърлари ўзбек тилига илк бор таржима қилинмоқда.



Праяг Сайкиа

### Камалак

Қарғиш теккан жанг майдонидан  
суриларкан аста олдинга  
келажакка боққум ва лекин  
кўринмайди нурдан бошқаси.

Чунки мен бир одам, қабрдан чиққан  
ичак-чавоқлару  
абადий некбинлик билан.

Хаёлимда  
ҳаётнинг қалбни илитувчи жилваси.

Биламанки,  
азоб ёмғири  
камалакда ниҳояланур доимо.

Бул камалак —  
Таъзимим менинг.

### Қичқирик

Кукундан қичқирик чиқади —  
туғруқ азобидан сўнг  
бошланар ҳаёт.

Жон киради ўлик водийга.

Гуллаётган қуёш ичра  
оқади дарё.

Қақнус каби акс-садо беради фурсат,  
Жимжитликни ёриб ўтар қичқирик.

Менга шундай туюлар,  
мен ҳам  
туғилганман қанотлар ила.

### Наҳр эртаги

Тўлқин,  
гирдоб,  
инсон ўзи билан қўтарган ҳар не  
дарё эртагидир.

Тош қимирлар қайда,  
чуқурча безайди  
рақс тароватин  
ошиқ бўлмоқ учун қайта ва қайта  
сув парисига.

Дарё учун-чи  
инсон келар ва беҳудага  
қувар шодлик кетидан, лекин  
хомхаёлдан бошқасимас бу,  
ташлаб кетар тафтли кўзлар ёшини.

Оҳ урган заминнинг азасидан сўнг,  
бебаҳо сув сўзларини саралар қуёш,  
ҳамда  
фурсат гуллаб-яшнар  
дур гилофида.

### Ҳаёт ифори

Бардош васияти  
нақшинкор қолади яшамоқ учун.

Аҳлат йиғувчилар учмас  
хочнинг устидан.

Шафқатсиз шоҳона бургут сўлади  
уйқусираган каптар олдида.

Ва  
ҳаёт ифори  
инсон боласига устозлик қилар.

### Мағлубият

Дарёнинг зим-зиё қаърида  
оби ҳаёт туйғуларим йўқотдим  
урф-одат устунин ушладим маҳкам.

Дарёнинг қиссаси донг қотди унда  
энди изламас у денгизни ортиқ.

Ўша кундан эътиборан мен  
бир неча сўзларни ўргандим  
..... мазлум, озодлик.

Шу тариқа уруш бошланди,  
болалик йиллар,  
ёт афъюн ила.

Оймомом тарк этди самоим.

Инглиз тилидан  
Аъзам ОБИДОВ таржималари



# ДАРҒОМНИНГ ДАРҒАСИ

(Чандирлик Салом Турсунов ҳаёт бўлганида  
80 ёшни қаршилар эди.)

Зарафшон дарёсининг бир ирмоғи — Дарғом мавжланиб оқиб, неча асрларки, водийни, юртни шовуллаган дов-дарахт, боғ-роғга бурмамоқда. Анҳор бўйларида ҳаёт кечираётган қавм, эл-элатнинг ўтмиши, кечмиши — бир китоб. Пастдарғом туманининг Салом Турсунов номли фермер хўжаликлар уюшмасига қарашли Чандир қишлоғи элат ва қавмнинг номи билан айтилиши бежиз эмас. Аслида бундай номланиши Чандир дарёси билан боғлиқлигини кексалар яхши эслайди.

...1926 йилнинг эрта баҳори. Анҳор бўйидаги бир парча ерида деҳқончилик қилаётган Турсуннинг турмуш ташвишлари минг чандон ошган. Гоҳ зилдай кетмони елкасидан туширмай, полиз экинларига ишлов бериш билан банд бўлса, гоҳ чорваси билан машғул бўлади. Баъзан бозор қилиш учун Чархинга тушади ёки Каттақўрғонга боради.

— Деҳқончилигингизга кўз тегмасин, отаси. Бу йилги ҳосил бозорга ҳам, рўзғорга ҳам етиб ортади. Қариндош-уруғ, бева-бечоралар-

га ҳам улашарсиз, дуо қилади, ахир. Қолаверса, оғироёқман... — деди Орзигул ўчоққа ўт ёқаётиб.

— Хатти-ҳаракатларингни сезиб-билиб юрибман. Сен-ку, қиз кутаяпсан. Менга қолса Аллоҳ ўғил берса, тўнғичимиз — Ражаббой билан қанотимга кирарди. Замон ҳам қалтис, бу кунлар ортда қолиб, ёруғ кунлар ёғдуси нур сочади. Нима бўлганда ҳам ризқ учун ҳаракат қилиш зарур, — деди чайла ёнидаги супага ўтираётиб Турсун, — дастурхонни ёзақол. Кечгача қишлоққа тушиб, энага кампирни олиб чиқай. Бир-икки кун чайлада яшаб туради. У ёнингда бўлса бежавотир бўларди.

Эрта кузак. Бобо-қуёш нур билан боғ-роғлардаги меваларга жон ато этгудек. Полиз маҳсулотлари фарқ пишган. Далада меҳнат қилаётган Турсуннинг эс-ҳуши, қулоғи чайлада. Қуёш пешиндан оққан пайтда чақалоқнинг «инга-инга»си Дарғом бўйларини тутиб кетди. У кетмони ариқ ичида қолдириб, чайла томон югурди. Супа олдига келди-ю, бир зум тўхтаб қолди.

— Турсунбой, ука, «Кўчқор билан қўзининг — пешонаси дўнг бўлар», деган ота-боболаримиз. Аллоҳ сизга кўчқордек ўғил ато қилди, пешонаси кенг ва кўзлари тийран. Турсуннинг қалбига севинч инди.

— Икки-уч кун шу ерда қоласиз. Ўғлимни бешикка белаб, қулоғига Салом, деб шивирлайсиз, шу исми кўясиз. Эртанги кун, нурли ҳаётга зий-

рак назар ташласин, боболаридек қурашга тушсин, чавандоз бўлсин, — дея орзу-умидлар қилди Турсунбой.

Исми жисмига мос болақай, анҳор бўйларида улғайди. Ота-она Ражаббой, Салом, Рўзибой ва Ойимхол, Рўзикулларни ҳам ер у кўкка ишонмай тарбиялашди, ўқитишди, уйли-жойли қилишди. Ҳаёт қийинчиликлари ўз таъсирини кўрсатганди, ота эрта вафот этди. Мўмин-қобил фарзандларни Орзигул момо тарбия қилди. Салом Дарғом бўйларида кўй-кўзи боқди. Елкасига отасидан мерос қолган кетмонини олиб, дала юмушларини бажарди. Онасига кўмакдош бўлди. Мактабни тамомлаб, бир неча йил хўжаликда турли юмушларни бажарди. Яхши ўқигани учун мактабга ўқитувчиликка ишга таклиф қилишди. У ўз устида кунт билан ишлай бошлади. 1954 йилда Самарқанд Давлат университети филология факультетини имтиёзли диплом билан битирди.

Илм ўчоғида билимдонлиги, инсонийлик фазилатлари билан обрў қозонди. Илмий бўлим мудири, директорлик вазифаларида фаолият кўрсатди. Хўжаликда партия кўмитаси котиби бўлиб ишлади. Одамлар билан диллашди. Ўзгаларга баланд гапирмади. Кейинчалик эса туман миқёсидаги учинчи ва иккинчи котиб вазифаларида ишлаб, барча соҳаларда белгиланган режаларни амалга оширишда бой билим ва катта ҳаётий тажрибаларни ишга солди. Ўзи ҳам жойларда ташаббус, саъй-ҳаракат кўрсатди. У киши кейинчалик туман халқ таълими бўлими мудири, «Пастдарғом ҳақиқати»га муҳаррирлик қилган пайтлари ёшлар таълим-тарбияси жону-дили эканлигини кўп бора исбот қилди. Газета саҳифаларида юртнинг фидойи ва донгдор кишилари ҳақида лавҳа ва очерклари чоп этилди.

— Салом Турсунов билан 70-йиллар танишганман. Узоқни кўра биладиган ташкилотчи, бағри кенг, дастурхони очиқ инсон эди, — дея хотирлайди халқаро «Наврўз» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси, меҳнат фахрийси Акрам Тожибоев, — ишчанлиги, одиллиги туфайли у кишининг устидан



Суратда: Салом Турсунов турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан. 1970 йил.

юқори ташкилотларга имзосиз хатлар тушарди. Хатларнинг кўпи текширилмасди ҳам. Чунки Салом аканинг ҳалол инсон эканлигини вилоят ва туман миқёсидаги катта-кичик раҳбарлар яхши билишарди. У умрининг сўнгги йиллари ўзи туғилиб ўсган хўжаликда раислик қилди. Хўжаликда пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Замоनावий шифохона, мактаб ва болалар боғчалари қурилди. Қишлоқ кўчалари асфальтланиб, хонадонларга тоза ичимлик суви келтирилди. Бу эзгу ишлар ўз-ўзидан бўлган эмас, албатта. Шу боис у киши кўплаб халқ таълими аълочилиги ва нишонлар соҳиб бўлди.

Ҳалоллиги ва виждонан қилган меҳнати туфайли ҳурмат-эҳтиром билан нафақага чиқди. Фарзандлари Баҳром, Ахтам, Меҳринисо, Гулнора, Сайёра, Дилором халқ ҳавас қиладиган инсонлар бўлиб етишди.

— Баҳромимиз тиббиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд тиббиёт институти хирургик касалликлар кафедраси мудир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Россия тиббиёт фанлар академиясининг академиги, Ахтамжон юридик фанлари доктори, адлия катта маслаҳатчиси, сиёсатчи, халқимизнинг парламентдаги вакили, қизларимиз ҳам олий маълумотли мутахассислардир. Улар бу сермашаққат, серташвиш йўл, виқорли чўққиларга ўз билимлари ва ўз иқтидорлари билан эришдилар, деган эди завжасига умрининг сўнгги кунларининг бирида. — Бундан беҳад бахтиёр ва чексиз хурсандман. Қани энди, азиз невараларим — Элшод, Отажон, Наргиза, Дилбар, Асрор, Толибжон, Фахриддин, Гулзода, Муҳаббат, Аброр ва бошқаларининг ҳам камолотини кўрсам. Ахир, улар мустақил юртимиз фарзандларидир.

Салом бобо ҳаёт бўлганларида 80 ёшни қаршилаган бўлардилар. У кишининг номини йиллардан-йилларга, авлодлардан-авлодларга шону, шараф билан кўчираётган аждодларга муносиб халқпарвар сулола эса бардавон.

**Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**  
журналист

**(Давоми. Боши 36-37 бетларда)**

Ҳамид Сулаймон, энг аввало, Навоий меросини ўрганиш, хусусан, унинг лирик асарлари билан халқимизни тўлиқ таништириш мақсадида “Ҳазойин ул — маоний”нинг илмий-тадқиқот матни ва 4 жилдан иборат академик нашрни тайёрлашда самарали ишлар олиб борди.

ЮНЕСКОнинг темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро илмий симпозиумини ўтказиш бўйича Ўзбекистон ташкилий комитетининг қарорига биноан “Фан” нашриёти орқали чет эл полиграфия базасида “Бобурнома расмлари” альбомини нашр эттирди. Бу альбом 1971 йили Лейпциг шаҳрида ўтказилган кўлэзманинг кумуш медали билан таъдирланди. Альбомда муаллиф “Бобурнома” кўлэзма нусхаларидан энг тўлиқ ва ниҳоятда юксак маҳорат билан ишланган 93 миниатюрани биринчи марта эълон қилиш билан бирга Шарқ миниатюра санъатини ўрганиш соҳасида айрим аниқлик киритиш масаласини кўтариб чиқди.

**— Домла, шогирдаларингизнинг илмий-тадқиқот ишлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Илмий иш қилаётган тадқиқотчиларимиз, адабиёт тарихини, хусусан, араб ва форс тилларини чуқур билишлари керак. Шунинг учун ҳам Шарқшунослик институти, Ислон Университети, Миллий Университетлар ихтиёрида кафедралар очганмиз. Толибларимиз амалий машғулотларни ўтказиш учун музейимизга келишди. Уларнинг ўрганишлари, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориши учун кўлэзма ва бошқа манбалар етарлидир.

Ёш олимларимизнинг изланишлари натижасида ҳозиргача номаълум бўлган ўзига хос ижодкор Ризои Паивандийнинг фаолияти тадқиқ қилинди. У ҳам Навоий каби ўзбек тилида “Қуш тили” асарини ёзган экан. Бу ижодлар эндиликда илмий муомалага киритилди. Замахшарийнинг тўрт тилли китоблари тадқиқ этилди, уни япон олимлари билан ҳамкорликда нашрга тайёрляпмиз.

Музейимизнинг «Ҳазина»си турли даврларда ёзилган кўлэзма ва тошбосмалар билан тўлатилган. «Ҳазина»га ҳар йили 250-300 га яқин кўлэзмалар қабул қилинади. Музей кўргазмалари орқали уларни намойиш ҳам қиламиз. Бу Ҳазина олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини

олиб бориш учун асосий манба ҳисобланади. Масалан, Бобурнинг, Ҳиндустон, Туркия, Эронда сақланаётган меросини, ўзимиздаги асарлари ва «Ҳазина»даги барча кўлэзмалари билан бирга бутун ижодий меросини тасаввур қиламиз. Бобур меросининг чет эллардан нусхалари келтирилган, ёш-олимларимиз чет элларга бориб ўтирмай, музейимиз «Ҳазина»сида илмий ишларини давом этказа верадилар. Ёш адабиётшунос олим Жамолддин Жўраев музейимиз «Ҳазина»сига раҳбарлик қиляпти.

Жамолддин «Муаммо» жанри бўйича докторлик ишини муваффақият билан олиб борапти. Шунингдек, филология фанлари номзоди Отабек Жўрабев Ҳазинийнинг янги асарлари устида, Осон Алимов эса Суфи Оллоҳёрнинг «Саботил Ожизин» ва бошқа ижодий мероси бўйича илмий ишлар олиб боришмоқда.

**— Музей маъмурияти ва илмий-ижодий жамоаси олдида турган долзарб вазифалар, ечимини топиш зарур бўлган муаммолар бўлиши табиий.**


— Мустақилликдан сўнг асосий заллар, экспонатлар қайта жиҳозланган бўлса-да, бироқ етарли эмас. Кейинги йилларда киритилган Бобур, Чулпон каби ижодкорлар фаолияти, Суфи Оллоҳёр, Ахмад Яссавий сингари классикаларимиз, хусусан, XX аср ижодкорлари расм ва хариталари моҳир рассомлар томонидан ишланиши лозим.

Маълумки, адабий ёзувларимиз ҳам бой тарихга эга, Суғд, Араб ёзуви намуналари ва турлари, эндиликда эса кирилл, хатто лотин ёзувларининг ҳам адабий-тарихий аҳамияти бор. Булар ҳам, кўргазма залларида ўз ўрнини топиши зарур. Бой фольклор меросимиз билан дунё ижодкорлари адабий алоқаларини намойиш қиладиган кўргазмали заллар ва экспонатларни бунёд қилишимиз лозим.

Хуллас, ушбу тўрт қаватли бионинг барча залларини замоनावий компьютер-техникаси, ёриткичлар ва ўзига хос жиҳозлар билан безаб, бинони унинг барча залларини таъмирдан чиқариш вақти келди деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам буларни амалга ошириш бўйича илмий концепциялар ишлаб чиқилиб, Давлат Дастури асосида бажарилиши лозим бўлган тадбирларни ФА раҳбариятига тақдим этганмиз.

Адабиёт музейи бу гўзаллик музейи, унинг ички ва ташқи томонлари ўз номига муносиб бўлиши лозим.

**Рауф РАҲИМ**  
суҳбатлашди.



Умида ТУРСУНОВА

# ЎША ТИЛАБ ОЛИНГАН ЗАЙНАБ



—Кел, мўлтоним, опичиб олай, бир қовунларни кўриб келамиз, — меҳр билан Ибройимбой қизини елкасига кўтариб олди. У қирққа энди кирган бўлсада, оқариб қолган соқол-мўйлаби озғиндан келган оппоқ юзига ярашиб, анча нуроний бўлиб қолган чолни эсламади. Устидаги яктаги ҳам ўзига мос қилиб тикилган, эскирмаса ҳам, бир-икки ювилгани учун, энди полизга кийилар эди. Яктакларга тугма тикилмаганидан ҳамма қатори у ҳам белбоғ боғлаб олган. Ибройимбой қизини елкасига кўтариб, яктаги бурчагини қайтариб, унинг оёқларини ўраб олди.

Ибройимбой бу қизини бошқа болаларига қараганда ўзгача меҳр билан яхши кўради. Кичкиналари Ҳанифа ва Новвотойлар ҳам оппоқ, дўмбоқ, кўзлари катта- катта бўлиб, опаси Зайнабдан қолишмаса ҳам Ибройимбой уларни катта қизига тенгламас эди. Зайнаб унинг тилаб олган қизи.

У қизини опичлаб олганча ҳовлиснинг орқа томонига қараб ўл олди. Дарбоза томонда эса катта куча. От, арава ўтиб қолса, ўл чангиб, анча вақтгача чанг тарқамай туради. Ибройимбойнинг ҳовлиси билан ўл ўртасида пахса девор урилган. Чанг ҳовлига ўтмайди. Пахсанинг пастига ўзлари ишлаб чиқадиган пишиқ ғишт терилган. Ҳовлининг қолган уч томони очиқ эди.

Уларнинг катта болаҳонали уйлари анча ичкарида. Уй тепаликда жойлашганидан, бу ердан атроф кафтагидек кўришиб туради. Икки қадам юрмасдан узумзорлар бошланади. Улар уй орқасидаги бу боғни “Катта боғ” деб аташади. Уларнинг боғлари кўп бўлиб, ҳар қайсининг номи бор эди. “Чорбоғ,” “Эски боғ,” “Янги боғ,” “Бобобоғ”. “Бобобоғ” жуда эски боғ бўлиб, Ибройимбойнинг бобосининг отаси Бўйдоқ бийдан қолган; тоқлари қарриб кетганидан Раҳмонберди амакиси қайтадан экдириб, янги боғ яратган бўлса ҳам, ҳалигача “Бобобоғ” деган номи сақланиб қолган.

Катта боғни ҳам Раҳмонберди амакиси Ибройимбойнинг отаси Қулчи амин билан яратган. Раҳмонбердининг ёлғиз ўғли Худоёқулнинг умри қисқа экан, икки болали бўлгач, ўлиб қолди. Унинг болалари, боғлари Ибройимбойнинг қўлида қолди.

Ибройимбой колхоз тузилганда йилқиларини, подапода молларини, ерларини, боғларининг катта қис-

мини дарровгина кўнгилли бўлиб колхозга топширди. Ўзларига қолган жойларни ҳамма қариндошларга тўғри тақсимлаб қўйган. Укаси Умарбойга отаси барпо қилган, йўлнинг нарёғидаги янги боғни берди, бу томонлар уники.

Ибройимбой қизини орқалаганича эгатдан юриб, пастга, Қорасув бўйи томон секин қадам ташлаб борарди. Узумзор тугагач, нарироқда унинг қовунтарвузлари бошланади. Чап ва ўнг томонга сув бўйлаб чўзилиб кетган полизнинг охири кўринмайди. Қовунларнинг хуши шу ергача таралиб турибди.

Сувнинг нарғи томонида кўришиб турган поёни йўқ ерларни улар “қўриқ” деб атади. Қўриқнинг ҳар жой-ҳар жойида тўда-тўда мол подаси ўтлаб юрди. Авваллари бу ерларда уларнинг моллари боқиларди. Энди эса ер давлатники бўлиб, узоқда район марказидан олиб келиб боқилаётган моллар кўришиб турибди; чап томонда, бурчакда колхоз фермасининг моллари. Берироқда икки-учта бўй қизлар укалари билан тезак териб юришибди. Қўриқ қишқи ёқилғи манъбаи вазифасини ҳам ўтар эди. Қишга йиғилган тезак асосан шу ердан териларди.

Тўғрида, доимгидек мўлтониларнинг (улар лўлиларни шундай дейишарди) чодирлари. Эрта баҳордан бу ерларда кўним топган лўлилар қишгача ҳеч қаерга жимамайди. Қиш совуқ келмаган йиллари эса, улар кўчиб кетмасдан шу чодирларида яшаб қоларди. Ибройимбой уларнинг йўлбошчисини ҳам, унинг хотинбола чақасини ҳам яхши танийди.

Лўлиларнинг хотинлари тиланиб юриш билан бир қаторда, фол очади; биронтанинг қон босими ошиб кетса, молнинг шохи ёрдамида қон олади; болаларнинг томоғида қовун-узум пўчоғига ўхшаган нарсалар қолса, олиб ташлаб, “улирлик” қилади; айрим вақти қишлоқнинг бошқа касаллари ҳам уларга мурожат қилиб, наф топади.

Полизга етиб келгач, Ибройимбой Зайнабни ерга туширди.

— Қара, бу йил ҳам бизнинг қовун яхши бўлган. Ўн йил олдин ҳам худди шундай ҳосил бўлган эди. Бир палакда қанча гул бор, — ҳар йили шу вақти қизи

билан келадиган Ибройимбой юзига қизил оралаб, хурсанд ҳолда гапирди.

— Бултур ҳам кўп эди-ку, — отаси билан ҳангома-лаша бошлайди қизи.

— Биладан, лекин бу йилги ҳосил сен туғилган йилгига ўхшайди. Сен қовунлар худди ҳозиргидек фарқ пишиб, тўлиб-тошиб ётган вақти туғилгандинг, ўн йил бўлибди, — қизининг бошидаги хитой фарангидан қилинган рўмолини тўғрилаб, қўлини унинг елкасига қўйиб, гапирди ота.

— Юр энди бошқа ота-энангни ҳам кўриб келамиз, улар ҳам сени кўрсин, — Зайнабнинг барибир бормаслигини билса ҳам, шунчаки, нима дер экан деб, қизининг қўлини ушлаб, кўриқ томон юрмоқчи бўлади Ибройимбой.

Зайнаб отаси уни қаерга олиб бормоқчи эканини яхши биледи. Отаси уни ҳамиша Қорасувнинг нарёғидаги чодирларга, мўлтониларниқига олиб боргиси, қизини уларга кўрсатгиси келаверади. Зайнабга мўлтониларнинг ҳаёти жуда қиззиқ туюлиб, уларнинг болаларини кўриқда чопиб ўйнаб юришларини томоша қилишни яхши кўрса ҳам, ўзларини жуда ёмон кўради. Унинг отига мўлтонини сўзини қўшиб, Зайнаб мўлтонини дейишгани учун эса отини ҳам ёмон кўради. Сингисига қўйилган Ҳанифа деган отни унга қўйилмаганидан аччиғи чиқади. Онаси Бувнар ҳам, Исоқ ака, Маҳаммат акалар, Ғазна опа, Умар ака, Санам амма — ҳамма уни Зайнаб мўлтонини дейди. Ҳаттоки, Ҳанифа билан Новвотой ҳам “мўлтонини опа” деб чақиради.

Зайнаб нажотни севимли акаси Мамашарифдан кутарди. У ҳам кўпинча “Сен бизнинг мўлтоничамизсан-да, шунинг учун сени Зайнаб мўлтонини деймиз” — эркалатиб кўярди.

Энди Мамашариф уйда йўқ, армияга хизмат қилгани кетган. Зайнабнинг Мамашариф акаси инглизча яхши гапирди. Кейинроқ у русчани ҳам ўрганиб олган. У хизмат қилган жойларда ҳеч ким ўзбекча гапирмас экан, полякча гапиришар эди, кейин уни Брестга кўчирди. “У ерда эса Брестча гапиришди,” — ҳаммага Зайнаб шундай деб айтиб юрарди.

Зайнаб ўжарлик билан қўлини отасининг қўлидан тортиб олди:

— Бормайман. Ўзингиз бораверинг, мен уйга кетаман.

Ибройимбой полздан катта-катта иккита қовунни олиб чиқди.

— Кетдик бўлмаса, уйга кетамиз — деди, лекин у уйга шошилмас эди. Зайнаб ҳам унга уйга кетаман, деган гапни мўлтониларнинг олдига бормаслик учун айтган эди, холос.

— Ота, сиз мунча ўша мўлтониларингизни яхши кўрасиз? — қоғоғини уйиб эркаланиб сўради Зайнаб.

— Болам энди катта қиз бўлиб қолдинг. Бир ҳаф-

тадан кейин мен сени ўзим мактабга олиб бораман. Сен лотинчаниям, ўриси ҳарфниям ўрганиб олгансан, ҳали мен сенга араби ёзувни ҳам ўргатаман. Бешга ўқийдиган бўлиб, жуда билимдон олима қиз бўласан. Мен ҳозир айтмоқчи бўлган нарсани эса ҳеч ким сенга тўлиқ қилиб айтиб беролмайди, — қўлидаги қовунларни ерга қўйиб давом этди у, шунинг учун қулоқ сол:

— Мамашариф акангдан кейин бешта ака-опанг туғилган, лекин уларнинг биронтаси ҳам тирик қолмаган. Сен туғилмасингдан аввал кўриқдаги мўлтонилар бизниқига келишган. Битмаси онангни кўриб, бу сафар қиз туғасиз, бола туғилишидан сал аввал мени чақиринглар, шу болаларинг тирик қолишига ёрдам бераман, деди. Ирим-жиримларга ишонмасам ҳам, бу гапни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. «Фақат боланинг оғирлигича пул тайёрлаб қўйинглар» — деди. Сен туғилишингдан аввал ўша мўлтонини чақириб кедик. У сени этагига солиб, халтасидан айлантириб олди.

— Кир бўлиб юрадиган халтасиданми? — Зайнаб юзини буруштириб сўради.

— Йўқ, менимча янги тутган халтасидан бўлса керак, — ўша вақти халтасининг қанақалигига эътибор ҳам бермаган Ибройимбой, қизини тинчитиш учун алдаб қўйди. “Чақалоққа менинг отимни қўйинглар, лекин бошқа қариндошларингдан ҳеч ким бу отни қўймасин,” — деб сенинг отингни Зайнаб қўйдирди. Унинг оти Зайнаб эди. Мен унга сенинг оғирлигингча пул, бош-оёқ сарпо бердим.

Чилланг чиққан кунни, яъни қирқ кунлик бўлганинда, сени Челақдаги бозорга олиб бордик. Ҳолвачининг тарозисига қўйсам, саккиз кило ҳолвани кўтардинг, балки кўпроқ ҳолва олсин деб, ҳолвачи тарозини сал босиб тургандир, барибир сен дўмбоқ, катта чақалоқ эдинг. Саккиз кило ҳолвани ширмой нон қилиб, одамларга тарқатганмиз. “Ширмой нон” деганни қизи тушунмаслигини билиб, тушунтириб гапирмоқчи бўлади Ибройимбой: — Тўй қилиб, одамларни чақирганмиз, ҳар қайсисига кетаётганда ҳолва билан нон берганмиз, шуни ширмой нон бериш дейилади.

Ана шундай қилиб, сенинг отинг Зайнаб мўлтонини бўлган; сен юз йил яшайсан, одамларга керак бўлиб, яхшилик қилиб яшайсан, жуда билимдон бўласан, узоқ-узоқ юртларга борсан, буни ҳаммасини ўша Зайнаб мўлтонини айтган. Мен унга ишонаман.


Ақлу фаросати ҳамма нарсага етадиган Зайнаб, отасига бир дақиқа тикилиб турди:


— Майли, борамиз, юринг, — деди.

Ибройимбой ердаги қовунларни қўлига олиб, қизи билан Қорасувнинг нариги томонига, мўлтонилар чодир томонга йўл олди.

Ўша тилаб олинган Зайнаб менинг онам бўлади.







Сканвордларни Акбар Йўлдошев тайёрлади.



**Жарроқ операция қилиниши керак бўлган беморга дебди:**

– Сиз ҳеч нарсадан қўрқмасангиз ҳам бўлади. Бу – менинг ўн олтинчи операциям. Ахир, бирортаси муваффақиятли чиқиши керак-ку!



– Ҳамкасаба, менинг собиқ беморим қалай?  
– Таассуфлар бўлсинки, бу дунёни тарк этди.  
– Шунақами? Ажаб бўпти, бошқа врачга мурожаат қилиш қанақа бўлишини билиб қўйсин.



**Тоғдаги санаторийда врачга бемор зорланяпти.**  
– Доктор, бу ернинг ҳавосидан қийналиб нафас оляшман.

– Йўғ-э! Шунақа тиник, тоза ҳавода-я?!  
– Ҳа-да! Мен ўзимиз томонда олаётган нафасимни кўриб туришга ўрганиб қолгандим.



**Операция хонаси. Операция бўляпти. Тўсатдан операция столи тагидан овоз эшитилади:**

– Миёв...  
– Пишт...  
Бироздан кейин яна:  
– Миёв...  
– Пишт дедим. Йўқол!

Мушук яна:  
– Миёв...  
**Жарроқ беморнинг қай бир жойидан бир парча этни қирқиб олиб, мушукка ташлади.**  
– Ма, тикилиб ўлгур!



**Психиатр беморга дебди:**

– Модомики, сиз менга мурожаат қилишга аҳд қилибсиз, қани ҳаммасини бир бошдан гапириб беринг-чи...

– Бажону дил... Шундай қилиб, аввал бошлаб, осмон билан ерни яратдим...



**Врач бемор аёйдан сўраяпти:**

– Сизда СПИД борми?

Аёл «Йўқ десам, ҳасис деб ўйлаши мумкин, бор десам, менга жиндай беринг деб харжаша қилади», деб ўйлапти-да, жавоб берипти:

– Бор-ку, жуда оз-да...



**Ҳарбий госпиталнинг психиатрия бўлимида беморлар уруш-уруш ўйнашмоқда. Бир беморнинг калласига калтак билан қаттиқ туширишади.**

– Нега сен йиқилмаяпсан? – деб сўрашди ундан.

– Нега йиқилай? Мен танкнинг ичидаман-ку?



**Врач ёш кўринишга ҳаракат қилувчи аёйдан сўраяпти:**

– Сиз неча ёшдасиз?

– Мен қирққа яқинлашяшман...

– Қайси томондан?



**Врачи кутаётган беморлар ўзаро гурунглашиб ўтиришяпти. Гап эмлаш тўғрисида.**

– Бунинг бари бўлмағир гап. Зарари бўлса борки, мутлақо фойдаси йўқ.  
– Ўтган йили ёзда мени эмлашган эди.  
Эртаси куни оёғимни синдириб олдим.  
– Ана, айтмадимми? Эмлаганнинг дориси шунақа секин таъсир қилади.



**Икки врач ўзаро гаплашяпти:**

– Бир бемор шамоллаб қолипти. Унга иссиқроқ қилиниб юришни булорган эдим.  
– Тўғри булорибсан. Хўш, кейин-чи?  
– Кейин менинг поча-пўстинимни қилиб кетипти.

**НИГИНА таёёрлади**